

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ



«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ»

ФАНИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

I-кисм

САМАРКАНД - 2013

1–Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Р е ж а :

1. Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни, унинг предмети ва ҳар томонлама етук, миллий истиқлол ғояси биан қуролланган инсонларни тарбиялашдаги аҳамияти.
2. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг методологик тамойиллари.
3. Ватан тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни.

*Ўз тарихини билмаган халқнинг
келажаги ҳам бўлмайди
Ислом Каримов*

1. Мамлакатнинг қудрати, унинг миллий мустақиллиги, давлат чегара-ларининг дахлсизлиги - ўша мамлакат фуқароларининг ўз юртига меҳр-муҳаббатли қилиб тарбияланганликлари, Ватан мустақиллиги ва миллий истиқлол учун курашда зарур бўлган жон фидо қилишга тайёр бўлишдек олижаноб фазилатларга эга бўлишликларига боғлиқдир. Бу фазилатларни меҳнаткашлар оммаси, юртимиз келажаги ёшлар онгида қарор топтириш ва шакллантиришда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни ва имкониятлари чексиздир. Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишимизга оид воқеа-ҳодисаларнинг ривожланишини, уларнинг қачон? қаерда? қандай? ҳолатда юз берганлиги ҳамда инсониятнинг пайдо бўлиши, тадрижий-эволюцион такомил жараёни ва бошқаларни ўрганади. Ҳар қандай давлатнинг ҳар бир халқнинг ҳам ўз ўтмиши бўлганидек, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг ҳам бой ва сермазмун тарихи бор. Қадим замонларда ҳам Турон, Туркистон деб аталмиш бу диёр, яъни ёзма ва археологик манбаларга кўра Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср ва Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қаторида машҳурдир. Ватанимиз жаҳон тарихининг турли халқлар цивилизациялар туташган энг қайноқ, шиддатли чорраҳалардан бири бўлиб, бу заминда маҳаллий аҳолининг форс, ҳинд, хитой, юнон араб, рус халқларининг маълум даражада аралашуви содир бўлган, уларнинг маданияти, фани, санъати ва умуман, турмуш тарзи бир-биридан баҳра олиб, муштараклашган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистон тарихи умумжаҳон-инсоният тарихи-нинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ватанимиз тарихи оламшумул воқелик-ларга жуда бой. Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаларимизни ҳолисона ва ҳаққоний ўрганади.

Бизнинг тарихий илдишларимиз неча-неча минг йилларга бориб тақалади. Ўзбекистон халқининг бой ва қадимий давлатчилик тажрибаси бор. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дастлабки мустақил давлат тузилмалари милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларида пайдо бўлиб, қарийб 3000 йил давомида такомиллашиб боргани ва дунё давлатчилиги ривожига энг юксак даражага қўтарилгани жаҳонга маълум.

Ватанимиз тарихи, ўзбек халқининг жаҳон тарихи ва маданияти хазина-сига улкан ҳисса қўшганлигидан гувоҳлик беради. Буюк боболаримиз; Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа юзлаб алломаларимиз билан нафақат ўзбеклар, бутун турк дунёси, қолаверса, бутун ер юзи халқлари фахрлан-моқдалар. Аждодларимиз барпо этган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳри-сабз каби

кўхна шаҳарлар жаҳон миқёсидаги зиёратгоҳга айланган. Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий давлат ва жамоат арбоблари, зиёратчилар бу шаҳарларни, улардаги ажойиб тарихий, миллий меъморилик мажмуалари ва ёдгорликларни кўриб, уларда мужассамлашган халқ усталарининг истеъдоди ва юксак бадиий маҳоратига қойил қилиб уларга таҳсинлар ўқимоқдалар. Муқаддас еримиз орқали ўтган Буюк Ипак Йўли, Осиё ва Европадаги халқлар ва мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган, халқаро ҳамкорликка хизмат қилган.

Тарих арабча сўз бўлиб, “тадқиқ этиш”, “текшириш”, “воқеалар ҳақида аниқ ҳикоя қилиш” маъноларини англатади. Тарих инсонлар ҳақидаги уларнинг узок ўтмишидан бизгача етиб келган ҳаётий тажрибаси ҳақидаги фандир.

“Ўзбекистон тарихи” фанининг предмети халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узок ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганишдан, тушунтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон тарихи аجدодларимизнинг яшаш учун кураш, узлуксиз меҳнати туфайли такомиллашиб бориши ва ҳозирги одамлар даражасига кўтарилиш жараёнини, дини, ёзуви, илм-фани, адабиёт ва санъатини ёритади. Ватанимиз тарихи ўзбекларнинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш жараёнини, аجدодларимиз қолдирган бой ва маънавий меросни, давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг ички ва ташқи сиёсатини ўргатади. Ватанимиз тарихи халқимизнинг маълум бир даврда бошқача, аянчли, машаққатли бўлган-лигини, аجدодларимизнинг ажнабий босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун курашини ва бунда мардлик, жасорат кўрсатган халқ қаҳрамон-лари ва давлат арбоблари фаолиятларини кенг режада ўргатади.

“Ўзбекистон тарихи” фани халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, мустақиллик йилларида миллий, ҳуқуқий давлатчилик қурилиши, демократик, фуқаролик жамият қуриш, эркин бозор иқтисодиётини яратиш жабҳаларидаги фаолиятини ўргатади.

“Ўзбекистон тарихи” фани халқимиз тарихини ҳаққоний тасвирловчи, акс эттирувчи кўзгу, ижтимоий-сиёсий, тарбиявий, маънавий сабоқлар мажмуасидир.

2. Ўзбекистон тарихи фанини яратиш ва уни ёш авлодга ўқитиш ва ўргатиш бўйича бирдан-бир тўғри назарий, илмий ва методологик асосларни ишлаб чиқиш нафақат тарихий, балки амалий, ҳаётий аҳамиятга ҳам эгадир. Советлар ҳукумронлиги даврида тарихий тадқиқотлар уни ўқитиш ва ўрганиш йиллари марксча-ленинча методологияга бўйсундирилган эди. Ҳар қандай воқеани ёритишда синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашилди. Мамлакат, бутун бир халқ тарихи иккига - эзувчи ва эзилувчилар, кулдорлар ва куллар, феодаллар ва қарам деҳқонлар, буржуйлар ва қарам ишчилар, бойлар ва мулкдорлар йўқсиллар тарихига бўлинди. Бойлар ва мулкдорлар, улар орасидан чиққан беклар, амирлар, хонлар, давлат арбоблари қораланди, номлари бандом қилинди. Тарихий воқеалар ва ҳодисалар камбағалларни ва йўқсилларни ҳимоя қилган тарзда, уларнинг манфаатига бўйсундирилган ҳолда ёритилди.

Дин, диний қадриятлар қораланди, инсонларнинг эътиқодлари оёқ ости қилинди, руҳонийлар қувғин қилинди. Буюк олимлар, алломалар, маъри-фатпарвар ва шоиру-уламолар, ёзувчилар иккига - материалистлар ва идеалистларга бўлинди.

Динга эътиқод қилганлар идеалистлар деб аталди, уларнинг ижобий фаолиятини ўрганиш чегараланди, асарлари халқдан яширилади. Шу боис, кўпгина тарихий воқеалар сохталаштирилди, маънавий меросимиз, миллий, қадриятларимиз камситилди. Ёш авлодга уларни хурофот, эскилик сарқит-лари деб ўргатилди. Сохталаштирилган тарих фани тоталитар тузум ташкилотчисига, ҳимоячисига, коммунистик мафкура хизматкорига айлантирилган эди. Инсоният тарихини, тарихий воқеа, ҳодисаларни

тўғри ёритиш ва ўрганиш учун бир қатор муҳим назарий-методологик тамойилларга таяниш зарур.

Диалектик услуб ана шундай тамойилларидан биридир. Инсоният ҳаёти, жамият тараққиёти диалектик жараёндир. Диалектика олам ягона ва яхлит унда содир бўладиган ҳодисалар веқеалар умумий ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда деб таълим беради.

Диалектика методология ҳар қандай мамлакат тарихини шу жумладан Ўзбекистон тарихини, ўзбек халқи тарихини жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон тарихи, аввало, Марказий Осиё мамлакатлари билан ягона маконда яшаган, бу маконда яшовчи уруғ, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан ҳамда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти билан узвий боғлиқ. Қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, афғон, тожик, форс, ҳинд, араб ва бошқа халқлар тарихини қанча яхши билсак, Ватанимиз тарихини ҳар томонлама ўрганишга катта имкон яратади ва кўмаклашади.

Тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ёритишда уларга ҳолисона, ҳаққоний, илмий ёндашув муҳим методологик тамойиллардир. Мустақиллик йилларида тарих янгидан кашф этилди.

Тарихийлик тамойили халқнинг ўтмишини ягона табиий тарихий жараён деб ўрганиб, ҳозирги замонга тайёрлайди, ҳозирги замон эса келажакни яратади-дейди. Шу сабабли ёш авлод ўтмишни яхши билмоғи, англамоғи, мукамал тушунмоғи керак.

Инсоният тараққиётининг, маълум босқичида хусусий мулкчилик келиб чиқади ва уруғчилик тузуми емирилиб, уруғ жамоалари турли ижтимоий табақаларга бўлинади, шу даврдан бошлаб, тарихий воқеа ва ҳодисалар ана шу табақаларнинг манфаатларига боғлиқ ҳолда кечадиган, ҳар бир ижтимоий табақа ўз манфаати нуктаи назаридан ҳаракат қиладиган, айрим ҳолларда, уларнинг сиёсий, иқтисодий манфаати бир-бирига тўқнашадиган, ғалаёнлар, кўзғолонлар кўтариладиган бўлди. Бундай вазиятда содир бўладиган воқеа-ларни тарихий жараёни ўрганишда ижтимоий ёндошув тамойилига риоя қилиш зарур.

Воқеаларни алоҳида ижтимоий табақа: камбағал йўқсиллар ёки мулкдор бойлар манфаати асосида таҳлил қилиш, сохта муносабатга олиб келади. Шохлар, амирлар, беклар фаолиятини ёритишга цивилизацион нуктаи назардан ёндошмоқ керак. Уларни бой табақадан чиққан, мулкдор бўлгани учун қоралаш, бадном қилиш адолатдан бўлмайд.

Ижтимоий ёндошув тамойили давлат арбобларининг, сиёсий кучлар партиялар, турли уюшмалар, уларнинг йўлбошчиларининг тарихий тараққиёт даражасига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирини, жамиятнинг у ёки бу йўлдан ривожланишидаги ролини билиб олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарихни ўрганишга юқорида қайд этилган методологик тамойиллар билан бир қаторда фактларни таққослаш, мантикий-сиёсий ҳулосалар чиқа-риш, фалсафий тафаккур, даврлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, статистик, математик ва бошқа услублардан ҳам фойдаланиш зарур.

Шу жиҳатдан, юртбошимиз Ислом Каримовнинг тарих илмига оид назария ва таълимотлари методологик тавсияларига суянган ҳолда, Ўзбекистон тарихи фанининг илмий услублари ва методологик тамойиллари қуйидаги-лардан иборат бўлмоғи лозим.

1. Тарихий ҳодиса ва воқеаларни ҳужжат ва фактларни илмий ҳолисона ва ҳалол ўрганиш, таҳлил қилиш;

2. Тарихни миллийлик ва умуминсонийлик асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш;

3. Тарихни ҳаққоний объективлик, тарихий ҳақиқатнинг устуворлиги асосида ўрганиш ва ёзиш;

4. Тарихга миллий ва умуминсоний хотира ва қадрият сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан эътиборли бўлиш;

5. Тарихни илмий-иждодий қиёслаш ва танқидий асосда ўрганиш;

6. Этнография, археологик, антропология, генесология ва бошқа фанлар-нинг ютуқлари ҳамда усулларида фойдаланиш.

Ватанамиз тарихини ўрганишда даврлаштириш катта аҳамиятга эгадир.

1. Ибтидоий жамият. Қадимги давр.

2. Ўрта асрлар даври.

3. Подшо Россияси мустамлакачилиги даври.

4. Советлар истибдоди даври.

5. Миллий истиқлол даври.

Бу даврнинг ҳар бири якка ўзига хос, кичик даврларга бўлинади.

3. Тарихий манбалар иккига бўлинади. Моддий ва ёзма манбалар.

1. Қадимги одамлардан бизгача етиб келган меҳнат қуроллари, идиш-товоқ-лар, танга пуллар, ҳарбий қурол-яроқлар, қабртошлар, расмлар—моддий- тарихий манбадир.

2. Ёзувлар, ёзув белгилари, ёзилган китоблар, ёзма мерослар, олди-сотди ёзувлар, подшоҳларнинг ёзма хатлари —ёзма манбалар дейилади.

Аждодларимизнинг милоддан аввалги VIII-VII асрлардаги ҳаётини ўрганишда “Авесто” китоби қимматли ёзма манбадир. Бу китобда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, дастлабки давлат тузилмалари ўз ифодасини топган.

Хитой ёзма манбаларидан “Тарихий гувоҳликлар” (милоддан аввал I аср), “Улуғхон хонадони тарихи”(милодий I аср), “Кичик Хон хонадони тарихи” (милодий Vаср) ва бошқаларда Туркистон тарихи ҳақида маълумотлар бор.

Ватанамиз тарихини ўрганишда туркий, форс, араб манбаларининг аҳамияти катта. А.Саъдуллаевнинг “Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манба-ларда” (Т., 1996), Насимхон Раҳмоннинг “Турк ҳоконлиги” (Т.,1993), Абул-ғозийнинг “Шажараи турк” (Т.,1992), А.Н.Гумилевнинг “Древние тюрки” (М.,1960), И.Жабборовнинг “Ўзбек халқи этнографияси (Т., 1994) асар-ларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маънавий-маданий ҳаётини ўрганишда Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” (Т.,1993), Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (Т.,1968), Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” (Т.,1960), М.Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”(Т.,1960), А.Тоҳирхожанинг “Самария” (Т.,1991), Наршахий нинг “Бухоро тарихи” (Т.,1991), Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (Т., 1997), А.Те-мурнинг “Темур тузуклари” (Т.,1991), Мирзо Улуғбекнинг “Турт улус тари-хи” (Т, 1994) ва бошқа нодир китоблар тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда етакчи замонавий тарихчи олимларимиз томонидан яратилган тарихий асарлар, дарслик ва қўлланмалар муҳим ўрин эгаллайди.

Тарихимизни ўрганиш учун моддий ва маънавий ёдгорликлар, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, темурийлар тарихи давлат музейи, ўлкани ўрганиш ва бошқа музейлар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Урганч, Тошкент ва бошқа шаҳарлар, улардаги тарихий ёдгорликларни бориб кўрмоқ зарур.

Ўзбекистон тарихи ёшларга халқимизнинг ўтмиши, тарихи ҳақида билим бериш билан чегараланиб қолмайди, у ёшларни ватанпарвар, миллий истиқлол ғоясини эгаллаган, маънавий жиҳатдан комил фуқаро этиб шакл-лантиради.

Давлат мустақиллигини ўз қўлига олган озод, ҳур Ўзбекистонда Ватан, истиқлол тақдири бугунги бахтли авлодлар қўлида. Мустақилликни асраб авайлаш,

мустаҳкамлаш, мамлакатимизни кейинги авлодларга янада қудратли, обод ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳолда етказиш замонамизнинг долзарб вазифасига, талабига айланди. Бу вазифаларни қандай бажариш, ёшларнинг маънавий баркамоллигига боғлиқ “Бирон бир жамият деб таъкидлайди Республика Президенти, - маънавий имконият ларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур этолмайди”.

4. Ҳар қандай тараққиётнинг асосий кучи миллий ғоя, маънавият ва маърифатдир. Маънавий баркамолликни тарбиялашда Ватан тарихи муҳим роль ўйнайди.

Инсонда тарихий хотира ўз Ватани тарихини ўз халқи, аجدодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Яқин ўтмишда Совет давлати ўзбек халқини ўз тарихидан жудо қилиш, насл-насабини эслай олмайдиган манқуртларга айлантириш сиёсатини юритди, амалиётда эса, халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди, унинг бир неча минг йиллик бой тарихи сохталаштирилди.

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихи ўз ўрнини топди, барча ўқув масканларида талаба ва ўқувчиларга Ватан тарихини ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ватан тарихини ўқитиш йўлга қўйилди. Ватанимиз тарихи миллатимиз, ёшларининг ҳақиқий тарбиячисига айлан-моқда. Бу борада Республика Президентининг “Тарихий хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмай-ди”, “Тарих-халқ маънавиятининг асосидир”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзликни англаш тарихини билишдан бошланади”, “Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”- деган методологик аҳамиятга эга бўлган таъкидлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Тарих талаба ва ўқувчиларда олам ягона ва яхлит, Ўзбекистон унинг ажралмас бир қисми, оламда содир бўладиган воқеа, ҳодисалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда эканлиги тўғрисида тўғри тасаввур, тушунчаларни шакллантиради.

Ўз ўтмишини, аجدодлари тарихини яхши билган инсоннинг иродаси кучли бўлади, уни ҳар хил акидалар гирдобига тушишдан сақлайди. Ўтмишни билган, тарих сабоқларини англаб етган инсон ҳозирги замонни яхши тушунади, келажакни тўғри тасаввур этади. Ватан тарихи талаба ва ўқувчиларни халқнинг ўтмиши, ҳозирги замон ва келажаги ягона тарихий жараёнларнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолишдан сақлайди, уларни олға интилишига, тараққиётга кўмаклашишга ундайди.

Ўзбекистон тарихи талаба ва ўқувчиларга бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошираётган демократик ислохотларнинг моҳияти ва натижаларини, миллий, ҳукукий давлатчиликни барпо этиш, демократик, фуқаролик жамият куриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадаллаштириш жараёнларини ўргатади. Бу ўз навбатида, ёшларда илмий дунё қарашни, сиёсий маданиятни тарбиялайди, жамиятда ўз ўрнини белгилашга кўмак-лашади. Халқимизнинг, буюклиги, кучи унинг бой маънавий меросга эга эканлиги билан белгиланади. Халқимизнинг маънавий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкам. Аجدодларимиз етказиб берган ўнлаб, юзлаб жаҳонга машҳур олиму-уламолар, заргарлар, ҳунармандлар, давлат арбоблари, халқ қаҳрамонлари ҳаёти, дунёда бирламчилар қаторида бунёд этилган илм ва таълим масканлари фаолияти талаба-ўқувчилар учун катта ибрат мактаби, тарих сабоғидир. Келажакка интилаётган ёшлар учун бу бой маънавий мерос мустаҳкам таянчдир. Унинг заминиде тинимсиз ва машаққатли меҳнат, ҳар қандай тўсиқларни енгиш, илмга, зиёга интилиш каби хислатлар ётади. Бундай хислатлар Ватан тарихини ўқитиш орқали ёшларга сингдирилади. Ватан тарихи халқимизнинг асрлар давомида кўпинча халқ ва элатлар билан ахил, ҳамжиҳат бўлиб яшаганлигидан, юртимизда турли диний эътиқодлар эркинлиги ва иноқлиги бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бу, Ўзбекистонда яшовчи турли динларга эътиқод қилувчи 120 дан ортиқ миллат ва элатлар ўртасида тинчлик, миллий

тотувлик, биродарликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тарихий сабоқдир. Янги жамият кураётган бугунги авлодлар учун ўзбек давлатчилиги тарихи, минг йиллар давомида шаклланиб, такомил-лашиб келган сиёсий - ҳукукий институтлар, қонун - қоидалар тажрибаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳукукий давлат, демократик жамият куришда мустаҳкам таянч ва мададкордир.

Тарихий хотира, аجدодларимиз қолдирган бой маънавий меросни эгаллаш талаба ва ўқувчиларда ҳалоллик, одиллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнат-севарлик, илмга интилиш каби инсоний фазилатларни шакллантиришга кўмаклашади.

Ватан тарихи ёшларда жамиятда эртароқ мустақил фаолият юритиш, ўз қобилиятини тезроқ очиш ва ҳаётга татбиқ этиш сифатларини шакллантиради. Ватан, халқ тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиш каби юксак маънавий бурчни тарбиялайди, миллий ғоя билан қуроллантиради.

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан боғчалардан тортиб, олий, ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишга давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифа сифатида катта эътибор берилмоқда, ғамхўрлик қилинмоқда. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Ўзбекистон тарихининг даврлари, миллий ғоя, мустақиллик, тарихий хотира, тарих, Ўзбекистон тарихи предмети, методологик тамойиллар, манба, давлат, миллат, қадим замон, Ватан, тарихий ва археологик манбалар, қадимий буюк мамлакатлар, маданият, фан, санъат, турмуш тарзи, ўзбек халқининг жаҳон тарихи ва маданиятига қўшган ҳиссаси, ёш авлод,

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И. А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998йил
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.,“Ўзбекистон” 1996йил
- 3.Каримов И.А Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005 йил.
- 4.Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., 1991йил.
- 8.Ўзбекистон тарихи (1-қисм) Т., Университет. 1999йил.
9. Муртазаев Р.Х. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Т., 2003йил.
12. Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Лотин алифбосида. Т., 2006

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

- 1.Саъдуллаев Н. Қадимги ўзбек илк ёзма манбалари. Т.,Ўқитувчи., 1996йил.
- 2.Исҳоқов М ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т., Ёзувчи. 2000йил.
- 3.Ғуломов Я.Ғ. Қадимги маданиятимизнинг илдизларидан. Т.,Фан., 1960йил.
- 4.Усмонов Қ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (1-қисм) Т., 2002 йил
6–21 бетлар
- 5.Каримов Ш, Шамсутдинов Р. Ватан тарихи (1-китоб) Т., Ўқитувчи.1997йил
- 6.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008йил

2–Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИ.

Р е ж а

1. Ватанимизнинг одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалардан бири эканлиги
2. Ибтидоий жамиятнинг давлари.
3. Бронза даври маданияти. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижасида патриархал (ота) уруғи муносабатларининг юзага келиши.

1. Қадимги Турон, Ўрта асрларда Мовароуннахр кейинчалик Туркистон, Ўрта Осиё, Марказий Осиё деб аталган ҳудуд инсоният цивилизацияси илк ўчоқларидан бири бўлган.

Ватанимизнинг қадимги даврига оид тарихий асарларни ўрганиш орқали Ўзбекистон одамзод илк пайдо бўлган ўлка эканлигини тушуниш, аجدодларимизнинг қадимги ҳаёти, турмуш тарзи, моддий ва маънавий ҳаёти ҳақида билимга эга бўлиш мумкин.

Турли даврларда яшаган мутафаккирлар инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни айтганлар. Улар, инсонни меҳнат ва ақлий жиҳатдан камол топиш натижасида ҳозирги даражасига етиб келган деган фикрни илгари сурганларига қарамай, одамни худо яратган, ёки бошқа сайёралардан келган деган ривоятлар ҳам бор.

Инглиз олимлари Ликилар ўтган асрнинг 50-60 йилларида Шарқий Африкада (Олдувой дарасида) оддий тош қуроллар, одам қолдиқларини топиб, улар бундан 3-3,5 млн. йил илгари мавжуд бўлган деган хулосани илгари сурдилар. Бу турдаги одамлар фанда “Зинжантроп” деб ном олган.

Ундан кейинги даврда яшаган қадимги одамлар қолдиқлари Индонезия даги Ява оролидан XIX аср охирларида топилган бўлиб, фанда уларни “Питекантроп” (“Маймун одам”) деб аташ расм бўлган. Булар тахминан 1 млн 700-600 минг йил илгари (Э.Дюбуа) яшаган. Шу билан бирга, 1927 йилда Хитой ҳудудларидан топилган (Д. Блек) одам қолдиқлари (“синантроп” ”Хитой одами”) бундан 600-500 минг йил илгари даврга оидлиги аниқланган. Энг қадимги одам қолдиқлари Германиянинг Неандерталь водийсидан, топилганлиги туфайли фанда уларни “Неандерталь одами” деб аташган. Ўзбекистоннинг (Сурхон, Бойсун тоғидан) Тешиктош ғоридан топилган. Неандертал одами шулар жумласидандир.

Ўтган асрнинг 80-йилларида археолог Ў.Исломов бошлиқ тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Селенгур ғоридан палеолит даври маконини топади-лар. Бу ердан топилган қуроллар Олдувой қуролларига ўхшаб кетади. Бу топилмаларнинг ёши 1 млн йилдан зиёдрокдир. Бу топилмалар ичида қадим-ги одам жағ суяклари, тишлари, елка суяклари муҳимдир. Фанда “Фарғона одами” -”Фергантроп” деб номланган.

2. Ҳозирча фанда ўрганилган цивилизация давлари - ибтидоий жамият одамларининг яшаш тарзи, жисмоний ва ақлий тузилиши, меҳнат қурол-ларининг тури ва материалларга кўра бир қанча даврларга бўлинади.

1 давр: Палеолит (грекча “палайос-қадимги, “литос”-тош деган маънони англатади) - қадимги тош даври деб аталади.

Бу давр уч босқичдан -илк палеолит, ўрта палеолит ва сўнгги палеолитдан иборат. Илк палеолит бундан 2,5 миллион йиллардан 100 мингинчи йилларни ўз ичига олади.

Ўрта палеолит бундан 100-40 минг йиллар аввалги даврдир. Бу давр Мустье маданияти ҳам деб юритилади.

2 *давр*: Мезолит (юнонча “мезос”-ўрта, “литос”- ўрта тош даври дейилади. У миллоддан аввалги 12- мингинчи йиллардан 7 мингинчи йилларгача давом этган.

3 *давр*: Неолит (юнонча -”неос” янги, “литос”-тош) янги тош даврига миллоддан аввалги 6-4 мингинчи йиллар киради.

4 *давр*: Энеолит, мисдан қуроллар яшаш ўзлаштирилган учун, тош-мис даври дейилади. У миллоддан аввалги 4 мингинчи йилликда юз беради.

5 *давр*: Бронза: мис ва қалай қотишмасидан меҳнат қуроллари яшашган у миллоддан аввалги 3-2 мингинчи йилларни ўз ичига олади. Милоддан аввалги бир мингинчи йилларни бошларида темирдан турли қуроллар, асбоб-ускуналарнинг ясалиш натижасида темир асри бошланади.

Илк палеолит даври табиий-географик жиҳатдан ёзи иссиқ, қиши совуқ, ёғингарчилик кам бўлган. Бу давр охириги босқичларида сайёрамизни музлик қоплаб иқлим совийди. Тез-тез ёғингарчилик бўлиб туради. Одамлар ақлий, жисмоний жиҳатдан такомиллашади.

Палеолит даври одамлар яшаган манзилгоҳлар Фарғона водийсининг Селенғур ғоридан, Тошкент вилоятининг Кўлбулоқ маконидан топиб ўрга-нилган. Олимлар Селенғур (Сўх тумани) ғоридан палеолит даври маконини очишга муваффақ бўлдилар. Сўнгги тадқиқотлар натижаларига қараганда Селенғур илк палеолит даврига оид бўлиб, ўн учта маданий қатламдан иборат. Бу қатламлардан жуда кўплаб ибтидоий тош қуроллар топилган. Бу қуроллар кўп ҳолларда Олдувой қуролларига ўхшаб кетади. Тадқиқотчи-ларнинг фикрига қараганда, Селенғур топилмаларининг ёши I млн йилдан зиёдрокдир. Селенғур топилмалари орасида қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суяклари муҳимдир. Фанда «Фарғона одами» - «Ферган-троп» деб номланган бу қазилма одам қолдиқлари энг қадимги одам ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтириш билан бирга, Ўрта Осиёда, Ўзбекис-тоннинг инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоқлардан бири эканлигини узил-кесил исботлайди. 1963-1970 йилларда археолог М.Р.Қосимов раҳбар-лигида Кўлбулоқ маконида 10 дан ортиқ қатламни ўрганадилар. Бу ердан дағал ишланган тош қуроллари, ҳайвон суяклари топилади.

Илк палеолит даврида одамлар тўда-тўда бўлиб яшаганлар, тайёр нарсаларни, дарахтларнинг меваларини, ўсимликлар илдизларини қавлаб тирик-чилик қилишган. Биргалашиб йирик ҳайвонларни ушлаб еганлар.

Сурхондарёнинг Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан 8-9 яшар боланинг қабри топилган. Ундан одамнинг калла суяги, овлаб тирикчилик қилган ҳайвон суяклари, тошдан ясалган ўчоқ, қушларнинг суяклари топилган. Ўрта Осиёда бу даврга оид 50 дан ортиқ манзилгоҳлар ўрганилган, Масалан, Сурхондарёнинг, Тешиктош, Самарқанднинг, Омонқўтон, Тошкентнинг, Обираҳмат, Фарғона водийсида- Боқирғон дараси, Навоий вилоятининг Учтут ва хоказо. Сўнгги палеолит одамларнинг манзилгоҳлари Тошкент, Сурхондарё вилоятларидан, яъни Ўрта Осиёда 30 дан ортиқ ёдгорликлар топиб ўрганилган. Бу даврда меҳнат қуроллари яшашда, одамларнинг турмушида, дунё қарашида ҳўжалик юритишида кескин ўзгаришлар бўлган. Олимлар бу давр одамини (ақл-идрокли одам) деб атайдилар. Чакмоқ тошдан найза учлари, тешувчи меҳнат қуроллари яшашган. Балиқ овлашган, ўзларига қулбалар қуришган. Бу даврда ибтидоий тўда ўрнида, жамоа уруғчилик тузуми вужудга келган. Бу даврда она уруғи “ Матриархат” асосий роль ўйнаган. Эркаklar ва аёллар ўртасида меҳнат тақсими: аёллар уй ишлари, бола тарбияси, озиқ-овқатларни сақлаш билан шуғулланишган. Эркаklar овчилик, меҳнат қуролларини яшаш билан машғул бўлганлар. Аёллар турли безаклар ва тақинчоқлар яшашни ўзлаштирганлар. Бу даврда йирик ҳайвонларнинг расмларини, ов манзараларини чизганлар. Шундай қилиб, тасвирий санъат пайдо бўлади.

1970-1980 йилларда У.Исломов бошчилигида археологлар Фарғона вилоятининг Обишир сойида қидирув ишларини олиб бориб, Обишир-1 ва Обишир-5 деб аталган маконлардан мезолит даври одамларининг изларини топадилар. Сурхондарё вилоятининг “Мачай” сойи қирғоғидаги ғордан турли хил тош қурооллари, суяк қурооллари, ўчоқ, одам скелетлари топилган. Биринчи марта ўқ-ёйдан фойдаланишган. Бу эса одамларнинг табиат кучларига қарши курашида бурилиш бўлишига олиб келган. Овчиликда ҳайвонларни қўлга ўргата бошлашган. Одамлар энди мазали меваларни истемол қиладилар. Аста-секин ит, сигир, қўй, эчки каби ҳайвонларни қўлга ўргатадилар, бошоқли ўсимликларни ўстирадилар. Мезолит даврида юқорида таъкидлаганимиздек, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатишни ўрганган, бошоқли ўсимликларни экиб дон олишни ўрганса, неолит даврида бу янада такомиллашади, инсонлар ҳаётида чорвачилик ва деҳқончилик асосий ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклланиб бўлади. Кўчиб юришдан, ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтадилар. Доимий яшайдиган кулбалар ясаيدилар. Матолардан кийимлар киядилар. Ҳунармандчилик, тўқимачилик, тикувчилик пайдо бўлади. Ўзбекистонда энеолит ва бронза даври одамлари ҳаётини тасвирловчи қўплаб манзилгоҳлар топилган. Бу Бухоро вилояти Зомонбобо қўли атрофида, 1950 йилларда Я.Ғ.Ғуломов, 1960 йилларда А.Асқаровлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилиб, энеолит ва бронза даври одамларининг маконини, қабристонини ўрганишган. Ўлик-лар ёлғиз, жуфт, учталаб (эркак, аёл, бола) қўмилгани аниқланади. Эркаклар қабридан ўқ-ёй, пичоқсимон қурооллар, аёллар қабридан тош мунчоқ, маржон, олтин, сурма, тош ойналар топилади.

Ўрта Осиё тарихида неолит даври қабилалари, хўжалик шаклларига қараб учта: Жайтун, Калтаминор ва Хисор маданиятларининг ривожланиши билан изоҳланади. Жайтун маданияти. Жанубий Туркменистонда, Ашхобод шаҳри-дан 25 км шимолдаги Жайтун манзилгоҳларидан топилган. Бу қишлоқ бир неча уйлардан иборат бўлиб, сомон аралаштирилган пахсадан қурилган. Уларнинг майдони 12-14 кв.м бўлган. Уйлар ёнида омборхона, хўжалик ўралари бор. Уйлардан лой ва тошдан ясалган ҳар хил тақинчоқлар топилган. Жайтун қишлоғи харобаларидан буғдой, арпа излари, тош болталар, ўткир учли тошлар қирғич, камон ўқлари топилган. Жайтун қишлоғи аҳолиси мил. авв VI-V минг йилликларда деҳқончилик, чорвачилик, қисман овчилик билан шуғулланганлар. Улар сунъий ариқ ва каналлар қазиб суғорма деҳқон-чиликка асос солганлар. Жайтун маконидан қўлда ишланган сопол идишлар ҳам топилган бўлиб, улар Ўрта Осиёдаги дастлабки сопол намуналаридир.

Калтаминор маданиятига оид маконлар орасида Хоразмдаги Жонбос-қалъа макони диққатга сазовордир. Бу ердан найза пайконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қурооллар топилган. Топилмалар орасида сопол идишлар намуналари ҳам бўлиб олимларнинг фикрига кўра улар мил. авв V-IV минг йилликларга оиддир.

Ўрта Осиёнинг Шарқий ҳудудларидан, Ҳисор-Помир тоғларидан неолит даври ёдгорликлари ўрганилди. Бу маданият фанда Ҳисор маданияти деган ном олди. Хисор маданиятига оид ёдгорликлар 200 дан зиёд бўлиб, мил. авв. V-III минг йилликларга оиддир. Неолит даври одамлари ўзларининг тинимсиз меҳнати, ибтидоий билимларини сафарбар қилиб, деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши катта оилали жамоаларда эркаклар мавқеининг ортиб боришига, матриархат ўрнига ота ҳуқуқи-патриархатни қарор топтиришга олиб келган. Қариндош-чилик отага қараб танланган.

3. Бронза даврига оид манзилгоҳлар Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудуд-ларидан ҳам топиб ўрганилган. Мамлакатимизнинг шимолидаги чўл ва дашт жойларда чорвадор уруғ жамоалари ва қабилалар яшаган. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланишган, подаларини узоқ жойдаги яйловларга ҳайдаб борганлар. Бронза даври охирида улар

ўз подаларини ҳайдаб ўтроқ деҳқон жамоалари яшайдиган жойларга тинч ёки зўрлик билан кириб борганлар.

Милоддан аввалги бир минггинчи йилларнинг бошларида аجدодларимиз темирдан меҳнат қуроллари, қурол-ярқлар, безак буюмлар ясашни ўзлаш-тирадилар. Шундай қилиб, одамлар ҳаётида темир даври бошланади. Темирдан ясалган кетмон, белкурак, омов билан майдонларни ҳайдаш, тўғон қуриш, канал ва ариқлар қазиб, сув чиқариш имконини беради. Темирнинг кашф этилиши ҳунармандчиликнинг ривожланишига олиб келди. Кулол-чилик, чархи ва сопол буюмлар кенг тарқалди, қўл тегирмони вужудга келди. Одамлар гиштдан пахсадан, синчдан алоҳида бир оилага мўлжалланган уйлар қурдилар. Шу тариқа одамларнинг турмуш тарзи ўзгариб, яхшиланиб борди.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва милоддан аввал II минг йилликда чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Металл қуроллар қадимги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиргани туфайли Ўрта Осиё дашт ва тоғ олди ҳудудларида яшаган аҳоли бошқа аҳолидан (деҳқончиликдан) ажралиб чиқади ва асосан чорвачилик билан машғул бўлади. Бу тарихий жараён кишилик жамияти тараққиётидаги дастлабки йирик меҳнат тақсимоти бўлиб ҳисобланган. Айниқса деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши катта оила жамоаларида эркалар мавқеининг ортиб боришига, матриархат ўрнига ота ҳуқуқи-патриархатни қарор топти-ришга олиб келган. Қариндошчилик отага қараб танланган. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа эркалар қўлига ўтади.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Цивилизация даврлар, Селенғур, Қулбулоқ, тешиктош, питекантроп, зинжантроп, синантроп, «Фарғона одами» палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза, жайтун, Калтаминор, Хисор, матриархат, патриархат, меҳнат тақсимоти.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А.“Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001й ноябр N 46.
- 2.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ. 1998 йил
- 3.Ахмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи, манбалари. Т., 1991 йил.
- 4.Ўзбекистон тарихи. 1-Қисм. Т., Университет. 1999й. 55-62 бетлар.
- 5.Муртазаева Р.Х. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т. 2003 йил. 87-90 бетлар.
- 6.Усмонов К ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 1-Қисм. Т.2002 йил. 50-54
- 7.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Лотин алифбосида. Т., 2007йил
- 8.Саъдуллаев А.,Эшов Б. Ўзбекистон тарихи. I қисм. Т., 1999 йил

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

- 1.Саъдуллаев А. Қадимги ўзбек илк ёзма манбалари. Т., Ўқитувчи. 1996йил.
- 2.Исо Жабборов. Антик маданият ва маънавият хазинаси. 2001йил 52-67 бетлар.
- 3.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи.(Дарслик). Лотин алифбосида. Т., 2007йил
- 4.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008йил

3–Мавзу: ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ.

Р е ж а:

1. Давлатчилик тушунчаси. Энг қадимги давлатлар ва улардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
2. Юнон-Бақтрия, Парфия, Қанғ ва Довон давлатлари, улардаги ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаёт.
3. Кушонлар салтанати. Унинг ватанимиз тарихида тутган ўрни.
4. Ўлкамиз халқларининг диний эътиқодлари. «Авесто»- зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

1. Милoddан аввал III-II минг йилликларга келиб, Марказий Осиёда содир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари бу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига имкон яратди. Шунингдек, жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши ҳам дастлабки давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Давлат бу сиёсий ташкилот бўлиб, муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюшган халқдир.

Давлат инсоният тараққиётининг маълум бир босқичида ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлганидан ва жамият табақалаша бошлаганидан кейин меҳнат тақсмоти натижасида келиб чиқади.

Давлат, унинг моҳияти, мазмуни ҳар бир тарихий даврда жамият манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

Давлатнинг белгилари: ёзув, ҳудудий бирлик ва расмий давлат (бошқа-рув) ҳокимияти. Давлатнинг моҳияти унинг функцияларида, яъни давлат фаолиятининг асосий йўналишида, унинг ички ва ташқи сиёсатининг маз-муни ва характери билан белгиланади. Масалан: Қулдорлик давлати, феодал давлат ва ҳоказо.

Маълумки, сўнгги бронза даврига келиб, кулолчилик чархи ихтиро қилинди. Кулолчиликнинг ривожланиши натижасида Сополтепа, Олтинтепа, Жарқўтон, Афросиёб каби кулолчилик маҳаллалари пайдо бўлади. Бора-бора хунармандчилик ихтисослаша бошлади. Деҳқончиликнинг ривожланиши, металлнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, хунарманд-чиликда турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро айирабошлаш ва савдо-сотиқ тараққиёт этиши натижасида, меҳнат унумдорлигини оширди ва бу ҳол ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишига туртки бўлган омил эди.

Милoddан аввалги III-II минг йилликларга келиб, Марказий Осиё ҳудудида содир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари бу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига имкон яратади. Хусусан, Ўзбекистондаги айрим Кўхна шаҳарларнинг ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афро-сиёб (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхондарё), Узунқир, Ерқурғон (Қашқадарё) ва шу кабилар киради. Илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат ;

* Аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши.

* Хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши натижасида, иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ва савдо-сотиқнинг тараққий этиши.

* Табиий-географик ҳамда ҳарбий - стратегик шарт-шароитлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига қараганда, шаҳар маданияти даставвал Шимолий Бақтрияда (Сурхон воҳаси), кейин эса Сўғдиёна, Хоразм ва Фарғона

худудларида тарқалади. Тадқиқотларга кўра, шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчиликнинг шаклланишида энг муҳим ва энг асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Марказий Осиёда Эрон Ахамонийлари босқинига қадар давлат бўлганми? У давлатга кимлар асос солишган? Аҳоли қандай машғулот билан шуғул-ланган?

Марказий Осиё худудидаги дастлабки давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма манбалар: Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто», Ахамонийлар даври миҳхат ёзувларида (Беҳустон қояларидаги ёзувлар), Юнон-рим тарихчиларининг асарларидир.

«Авесто»да қадимги жамият тўрт тоифага ажратиб берилади. Улар Қоҳин-лар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва деҳқонлар билан хунармандлардир.

Беҳустон ёзувларида эса Доро I босиб олган ўлкалар ва қабилалар санаб ўтилади. Шунингдек, босиб олинган худудларда форсларга қарши кўзғолон лар ҳақида маълумотлар берилган. Геродотнинг машҳур «Тарих» китобида (Мил авв. 455-445 йилларда ёзилган) Марказий Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари. Кир II ва Тўма-рис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, ахамонийлар қўшинлари таркибида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг қурол - аслаҳалари, йўлбошчилари, уларнинг жасоратлари, сак-массагетларнинг турмуш тарзи ва диний эътиқоди ва бошқа маълумотлардан иборат.

«Катта Хоразм» давлати тўғрисида хоразмшунос олим С.П.Толстов, биринчи ўзбек археологи Я.Х.Ғуломов ҳам қимматли маълумотлар беради-лар. Улар «Авесто» даги маълумотларга асосланиб, Марказий Осиёнинг катта қисми «Катта Хоразм» худудига қарашли эканлигини исботлашади. Хусусан, Марказий Осиёнинг 16 вилоятидан 9 таси катта Хоразм худудида жойлашган Геродот асарида экин майдонларини суғориш учун Окс дарёсига тўғон қурилгани ҳақида маълумот беради. У Окс ва Гжан дарёларини ўзаро таққослаб, ҳозирги Ҳирот ва Мари вилоятлари Катта Хоразм ерлари бўлган,- дейди. Геродотнинг асосли маълумотларига қараганда, мил авв. VIII-VII асрларда Окс-Гжан воҳаси, яъни ҳозирги Туркменистон худудлари «Катта Хоразм» ерлари бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, илк давлатчилик масаласида жуда кўплаб илмий мунозаралар, баҳслар бўлиб ўтганига қарамай, бу масала ҳануз ўз ечимини топган деб ҳисобланмайди. Хусусан, Катта Хоразм давлатининг худудий жойлашуви ва пайдо бўлган даври масалалари ҳам анча мунозарали мавзу. Ривоятларга қараганда, Хоразмнинг энг қадимий сиёсий сулолалари сифатида Сиёвушийлар тилга олинади. «Авесто» бўйича Сиёваршон Кайковуснинг ўғли бўлган Сиёваршон ўлими- дан сўнг, унинг набираси Кова Хисров, бобоси котилидан ўч олиб, Хоразмда биринчи сулолага асос солади. Абу Райҳон Бериунийнинг «Қадимги аجدод-лардан қолган ёдгорликлар» китобида Хоразмга аҳоли мил. авв. 1292 йилда кела бошлаган деб кўрсатилади. Афсонавий Сиёвушнинг Турон заминга кириб келган санасини эса мил. авв. 1200 йилдан деб белгилайди. Катта Хоразм давлатининг яхлит тарихи, унинг инқирозга учраганлиги ҳақида ёзма маълумотлар учрамайди. Бироқ шу нарса маълумки, мил. авв. IV асрда Фарасман деган подшоҳ, қадимги Хоразм давлатида ҳукмронлик қилган. Унинг давлатининг худуди Амударёнинг қуйи ҳавзасида эди. У Искандар Зулқарнайн юртимизга бостириб кирганда, унинг ҳузурига ўз қўшинлари билан келади ва шимолга юришда ўз қўшинлари билан ёрдам беришини таклиф қилади. Бу билан Фарасман, Искандар Зулқарнайннинг Хоразм устига қўшин тортиб боришининг олдини олган эди.

Марказий Осиёда иккинчи қадимги давлат Бактрия подшолигидир. Бу давлат ҳақидаги дастлабки маълумотлар Юнонистонлик табиб Ктесий асарларида учрайди. Бошқа Юнон солномачиси Диодат Оссурия подшоси Ниннинг Бактрияга қилган ҳарбий юришлари ҳақида хабар беради. Нин Бакт-рияликларга қарши 170 минг пиёда, 210 минг отлиқ асқар тўплаб ҳужум бошлаган. Бактрия ҳукмдори Оксиарт эса Ватан ҳимоясига 400 минг киши-лик қўшин туплаганлиги гапирилади. Бироқ Нин шаҳарларни бирин-

кетин босиб олади, уларнинг бойлиги таланади. Маълум вақт ўтгач, Мидия билан Оссурия ўртасида уруш келиб чиқади. Ктесийнинг хабарига кўра Бактрия-ликлар Мидия устига кўшин тортиб боради. Бу орада Мидия Оссурия кўшинларига катта талофат келтирганлар. Ктесий Ахамонийлар подшоси Кир II нинг шарққа юриши муносабати билан яна Бактрия ҳақида маълумот-лар беради.

Бактрия давлатининг ҳудуди ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми, Ўзбекистоннинг Жанубий қисми ва Тожикистоннинг Амударёга яқин бўлган ерларда жойлашган. Бу ҳудуд Буюк ипак йўлининг маркази ҳисобланади.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қадимги давлатлар рўйхатига Сўғдиёна давлатини киритиш имконияти туғилди. Мил авв. IX-VII асрларга оид тарихий маданий ёдгорликлар Сўғдиёна ҳудуд ларида давлатчилик тарихи айнан мана шу даврдан бошланганлигидан далолат беради. Турли манбаларда Суғд, Суғда, Сўғдиёна номлари билан машҳур бўлган, қадимги тарихий маданий ўлка ҳозирги Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олади.

Сўғдиёнада яшаган аҳоли юксак деҳқончилик ва чорвачилик маданиятига эга бўлганлар. Бу ерда ҳунармандчилик ҳам яхши ривожланган. Яқин-яқинларга қадар Суғд кулолчилигини мил.авв. VI-IV асрлардаги Эрон ахамонийлари кулолчилик санъати билан боғлашар ва уни «ахамонийлар сапоси»-деб атардилар. Кейинги 25-30 йил давомида ўтказилган археологик қазишмалар Сўғдиёна кулолчилиги IX-VII асрлардаёқ ривожланганлигини исботлади. Давлатининг маркази Самарқанд шаҳри Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-иқтисодий марказ бўлгани учун аҳолиси «устаси фаранг савдогар» деган ном олган. Буюк ипак йўлининг асосий савдо тармоғи Сўғдийлар қўлида бўлган Илк давлатларнинг ёзуви қандай бўлган ?

Марказий Осиёда дастлабки ёзув қачон пайдо бўлганлиги маълум эмас. Айрим кам сонли топилмалар бу ҳудудда ёзув мил.авв. V-IV асрларда пайдо бўлганлигидан далолат беради. Фанда «Суғд ёзуви», «Бактрия ёзуви», «Хоразм ёзуви» номи билан маълум бўлган бу ёзувлар Эрон ахамонийлари- нинг оромий ёзуви асосида шаклланган. Ўрта шарқнинг қадимги миҳхат ёзуви бу ердан топилмаган. Бироқ мил авв. II минг йилликларнинг ўрталари- да ва ундан кейинги асрга тааллуқли ёдгорликларда асосан, Мурғоб воҳаси ва қадимги Бактрия ёдгорликларида ёзув намуналари учрайди. Аммо бу ёзувлар олимлар томонидан ўқиб ўрганилмаган.

Хўш, улар қайси тилда сўзлашганлар? Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна Эрон тилига яқин бўлган тилда сўзлашишган. Бироқ, ўзоқ вақт давомида босқинчи халқларнинг тилига аралашиб форс-тожик ва туркий тилларга айланди. Бу ҳар иккала тилда сўзлашувчи халқларнинг узлуксиз иқтисодий, маданий алоқалари, бир ҳудудда аралашиб яшаганлиги туфайли, уларнинг тиллари ҳам бир-бирига кучли таъсир кўрсатган. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки. Ватанимиз ҳудудидаги қадимги давлатлар мил.авв VI-IV асрларда Эрон ахамонийларига тобе бўлиб яшадилар. Мил авв 329 йилдан бошлаб, бу ҳудудга Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги Юнон-Македон кўшинлари бостириб кирди. Қадимги Бактрия, Сўғдиёна зўрлик билан Искандар Зулқар-найн давлати тасарруфига киритилди. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг, (мил. авв. 293 йил) сиёсий вазият ўзгариб кетди. Юнон ҳукмдорлари ўртасида ҳокимият учун шафқатсиз кураш бошланди. Мил.авв 312 йилда Искандарнинг энг ишончли саркардаларидан бири Салавка ғолиб келиб Бобил, Мидия, Олд Осиё, Эрон, Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Салавкийлар давлатни сатраплар (вилоятлар) га бўлиб бошқаришди. Ҳар қайси сатрапиликни шоҳ томонидан тайинлаб қўйилган сатроп бошқарган.

Мил авв 260-250 йилларга келиб, Салавкий ҳукмдорлари ўртасида ҳокимият учун кураш авж олди. Натижада Салавкий давлатининг сиёсий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлади.

2. Милоддан аввалги 250 йилга келиб, дастлаб Парфия сўнгра, Юнон Бактрия давлатлари салавкийлар давлати таркибидан ажралиб чиқди.

Парфияда мил авв. 247 йилда Аршак бошчилигидаги парнлар қабиласи Нисо шаҳрига ҳужум қилиб уни эгаллайди. Шу йили парилар Аршакни ўзларига подшо қилиб тайнлайди. Тарихий манбаларга қараганда, Аршак ўзининг ташкилотчилиги, жасурлиги ва моҳир дипломатлиги сабабли қисқа муддат ичида мустақил давлат тузишга эришди.

Мил авв 235 йилдан бошлаб Парфия подшолари ўз давлатлари ҳудудини кенгайтириб бордилар. Мил авв. 155 йилда Мидия подшолигини, 141йилда Бобилни босиб олдилар ва Рим империясининг кучли рақибига айланди.

Мил авв I асрга келиб, баъзи давлатлар Парфия давлати таркибидан чиқиб кета бошладилар. Парфия давлатига Аршакийлар мил авв III асрдан милодий III асрга қадар ҳукмронлик қилган.

Юнон Бактрия давлатининг салавкийлардан ажралиб чиқишига Юнон зодагонларининг кўзғолони сабаб бўлган. Бу кўзғолонга Диодат раҳбарлик қилди ва уни маҳаллий аҳоли қўллаб қувватлади. Диодат ўзини шаҳарлик Бактрия давлатининг шоҳи деб эълон қилди. Диодатдан кейин Юнон Бактрияда Евтидан ҳукмронлик қилди. Мил. авв. 199-167 йилларда ҳукм-ронлик қилган Евтидемнинг ўғли Демитрий даврида Юнон-Бактрия давлати ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилди. Бу давлатга Ҳиндистоннинг ҳам бир қисми қўшиб олинди. Парфияда ҳокимият Митридат I қўлига ўтиши билан Бактрияга ҳарбий тазйиқни кучайтирди. Бироз вақт ўтгач, Сўғдиёна Бактриядан ажралиб чиқди.

Мил. авв II асрнинг ўрталарига келиб, кўчманчи ЮЭЖЧИ қабилалари зарбаси остида Юнон-Бактрия давлати инқирозга учради.

Юнон - Бактрия давлати 120 йил яшади. Шу давр мобайнида унинг иктисоди ва маданияти юксалди. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривож-ланди. Кўплаб шаҳар лар қурилди. Археологик тадқиқотлар Юнон-Бактрия подшолигида деҳқончилик, ҳунармандчилик, айниқса темирчилик, кулол-чилик ва заргарликнинг юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Юнон-Бактрия давлатида тангалар ҳукмдор тасвири билан зарб этилган. Дажла дарёси бўйидан Бактриягача қарвон йўли қуриб битказилиши натижасида бу ҳудудда савдо ва маданий алоқалар жонланган.

Қанғ давлати мил.авв. III асрда салавкийлар сулоласи билан доимий олиб борилган урушлар натижасида пайдо бўлди. Кейинчалик Юнон Бактрия давлати билан курашлар натижасида Қанғ давлати янада мустақамланди. Бу давлатнинг асосий негизини Сирдарёнинг Ўрта оқимида яшовчи қанғлилар ташкил этади. Мил. авв. II асрнинг бошларига келиб Қанғ давлатининг ҳудуди Фарғона водийси, шимолий-шарқда ЮЭЧЖИ қабилалари билан, Шимолий-Ғарбда Сарису дарёси, Ғарбда Сирдарёгача борган. Ҳатто, қанғли- лар мил.авв. II-I асрларда Сирдарё ва Амударё оралигидаги ерларни ўзларига бўйсиндирганлар.

Қанғ давлатининг ерлари бир неча вилоятларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳокимлар бошқарганлар. Вилоят бошлиқлари «Жабу» ёки «Жбу» деб аталган.

Манбаларда Қанғ подшоларининг иккита қароргоҳи эслатилади. Улар ёзни Утрор (Туркистон оралиғи) да, қишни эса Қанға (ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани) да ўтказганлар. Қанғлилар асосан деҳқон-чилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Қанғ подшолари ва беклари йирик чорвадор бўлиб, ёзни ёзги яйловларда, қишни эса, ўзларининг анъанавий қишки мавсумдаги қароргоҳларида ўтказганлар.

Худудда яшовчилар асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан машғул бўлганлар. Меваги дарахтзорлар ва узумзорлар кўп бўлган.

Қанғ шаҳарлари қалин ва баланд деворлар билан ўралган. Деворларнинг ташқарисида қалъа атрофига гир айлантириб чуқур ва кенг қилиб хандак қазилган. Тошкент воҳасида юзга яқин аҳоли яшайдиган катта ва кичик қўрғонлар бўлган. Милодий V аср ўрталарига келиб, қанғлилар еридаги ўтроқ ва қисман ўтроқ аҳоли Марказий Осиёда янгидан ташкил топган эфталитлар давлатига тобе бўлган.

Довон (Далюнь, Фарғона) давлати мил. авв. III асрнинг охиридан I асргача мавжуд бўлган. Довон давлати маълум сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб, давлатни бошқарувчи ҳукмдор «Вам» (подшо) унвони билан иш юритган. Ҳукмдор давлатни оқсоқоллар кенгашига таяниб иш кўрган. Баъзан кенгашда бошқаришда ҳукмдор тақдирини ҳам ҳал этганлар.

Нима учун Довон давлати дейилган? Давлатда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қандай кечган? Манбаларда давлатнинг бош шахри Эрши (Андижон вилояти-нинг Марҳосит тумани) ва иккинчи шаҳар Ючен (ҳозирги Қирғизистоннинг Ўзган воҳаси Шурабашот шахри) бўлган. Шунингдек Довонда 70 гача катта-кичик шаҳар бўлганлиги Хитой йилномаларида учрайди.

Мил. авв. II асрдан бошлаб, Қашқардан Довонга Шимолий йўлдан карвон йўли хиропати бошланади. Йўлдан ипак ва бошқа маҳсулотлар халқаро транзит савдоси амалга ошган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ясси ва Қора-дарё воҳаларида кўпгина қалъалар савдо йўлини қўриқлаш мақсадида барпо этилган.

Мил. авв. 125 йилда Довонга келган машҳур Хитой сайёҳатчиси Чжан Цянь шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдади, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб отлар бўлган». Бу маълумот қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори бўлганлигидан далолат беради. Хитой манбаларида Довон ўлкаси қадимги даврда машҳур зотдор отлар билан шуҳрат қозongan эди. Ҳатто, Довоннинг машҳур «Самовий отлари» тасвири туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўшни давлатлар, хусусан, Хитой императорлари Довон отларини ниҳоятда қадрлаганлар. Мил.авв. II асрнинг охирларида отлар билан Хитой ва Довон ўртасида ҳарбий тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтган.

Бу даврга оид археологик топилмалар деҳқончиликдан ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва қадимги йўлларнинг мавжудлиги туфайли, Фарғона водийсида Шарқий Туркистоннинг тоғолди чорвадорлари билан ҳам ўзаро алмашинув ривожланган. Бу ҳол Шарқий Туркистонда натурал хўжалик (маҳсулот айирбошлаш) устун бўлганлигидан далолат беради.

3. Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи чорагида Юэчжилар хунлардан мағлубиятга учраб, Марказий Осиё худудларида кўчиб юрардилар. Бу қабилалар Хитой манбаларда «Буюк; катта ЮЭЧЖИ» деб юритилган. Улар мил. авв. 155-190 йилларда Амударёнинг шимолигача бўлган ерларни босиб олиб, Бактрия ўрнида катта ЮЭЧЖ давлатини ташкил этадилар. Бу давлат қўли остида бешта ҳокимлик бўлган. Улардан Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю (Қужула Кадфиз) барча мулкдорларни бирлаштириб, Кушон давлатига асос солади.

Кушонлар Марказий Осиёда қандай қилиб давлат ташкил қилдилар ?

Қужула Кадфиз ўз подшолик сиёсатини, давлат ерларини кенгайтириш билан бошлайди. Унинг ўғли Вима Кадфиз (Кадфиз II) даврида эса, Ҳиндис-тоннинг бир қисми Кушон давлатига қўшиб олинади ва Рим салтанати билан алоқалар ўрнатилади.

Кушон подшолари ичида энг машхури Канишка салтанати даврида уни ривожлантириш ва кенгайтириш учун Ҳиндистоннинг Панжоб, Кашмир вилоят лари мамлакатга қўшиб олинди. Канишка даврида Кушонлар империяси гуллаб яшашнинг юқори чўққисига кўтарилди. Давлатнинг пойтахти унинг даврида Далварзин тепадан (Сурхондарё) Пешовар (ҳозирги Покистон) худудига кўчирилди. Милоднинг II асрига келиб, мамлакатнинг худуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Марказий Осиёнинг жануби, Шарқий Туркистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, Канишка подшолик даврида унинг шон-шухрати қўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Бу даврда Марказий Осиёнинг деярли барча худудларида қишлоқ - хўжалиги яхши ўзлаштириб, олинган эди. Ихтиро қилинган чархпалак ёрдамида Хоразмда, Зарафшонда суғорма деҳқончилик ривожланди.

Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Зартепа, Холчаёндан топилган археологик манбалар Кушонлар даврида хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланганлигини кўрсатмоқда. Бу даврда Буюк ипак йўлининг ҳамма тармоқлари ишлатилган. Унинг узунлиги Хитойдан Ўрта ер денгизи қирғоқ-ларигача етиб борган.

Кушонлар подшолиги рухонийлар қўлидаги давлат бўлиб, подшо ҳокимиятни бошқариш билан бирга, бош қоҳин ҳам ҳисобланади. Подшолик сатрапияларга бўлинган бўлиб, унинг бошлиқлари ўзларини маълум маънода мустақил деб ҳисоблаганлар. Подшолик қулдорлик давлати ҳисоблансада, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган.

Мил. авв. II аср охирларида Ҳиндистон императори Ашока будда динини давлат дини деб эълон қилди. Кушонлар Ҳиндистонни эгаллагандан сўнг, улар ҳам будда динини қабул қилганлар. Термиз буддизмнинг Марказий Осиёда тарқалиши учун энг қулай жой бўлган, унинг марказига айланди. Грек алифбосига ўхшаш форс ёзуви асосида «Кушон ёзуви таркиб топди. Хитой тарихчиси Шинцзининг ёзишича», Фарбдаги Довондан Аптси (Эрон) гача гарчи турли тилларда сўзлашсада, лекин ўзаро ухшаб кетадилар ва бири-бирини тушунадилар.

Кушон салтанати олти аср давомида инсоният жамияти тараққиётида ўчмас из қолдирди. Бу даврда яратилган ноёб санъат асарлари, маданий ёдгорликлар унинг ўтмиши қудратининг намунасидир. Бу бизнинг давримиз гача етиб келди. Бу даврда (Милодий III асрнинг иккинчи ярмида) Эронда таркиб топаётган кучли Сосонийларнинг ҳужуми натижасида, Кушон салта-натининг ерлари уларнинг қўлларига ўтади.

4. Дунёдаги энг қадимги динлардан бири Зардуштийлик (оташпарастилик) динидир. Марказий Осиё халқлари томонидан яратилган Зардуштийлик таълимоти ва унинг муқаддас китоби «Авесто» Эрон, Озарбайжон ва Шимолий Ҳиндистонда кенг ёйилди.

Хўш! Дастлабки Зардушт ким? Зардуштийлик нима? «Авесто»чи? Манба-ларнинг гувоҳлик беришича, Зардушт, тарихий шахсдир. У мил. авв. VI асрда яшаб ижод этган. 40 ёшида кўп худоликка қарши чиқиб, яккахудоликни тарғиб қилган. Ўз таълимоти билан Зардуштийлик дини пайғамбари сифати-да танилди.

Зардуштийликнинг қачон, қаерда пайдо бўлганлиги тўғрисида олимлар ўртасида турли фикрлар бор. Жумладан, С.Т.Толстов, Н.Рохоров ва бошқа-лар зардуштийлик ватани Марказий Осиё деб ҳисоблаган. Бу диннинг муқаддас китоби «Авесто»да ягона худо Ахурамазда яратган 16 мамлакат-нинг 9 таси Марказий Осиёга тегишли эканлиги ҳам буни исботлайди.

Зардушт яратган илоҳий китоб бизгача тўлиқ етиб келмаган. У махсус ишлов берилган 12 минг мол терисига олтин суви югуртирилиб ёзилган. Авесто мил. авв. III асрда китоб ҳолига келтирилган. Унда яхшилик ва ёмонлик, поклик ва нопоклик, софлик ва қоронғулик ўртасидаги доимий кураш, охир-оқибатда яхшилик ғалабаси сифатида тасвирланади.

Китобда покланиш, гуноҳдан фориғ бўлиш, кечирим сўраш каби дуолар мавжуд бўлиб, шахсинг ахлоқий хислатлари ҳақгўйлик, адолатлилик улуғланади. Авестода ер, сув, ҳавони булғаш, ифлос қилиш энг оғир гуноҳ дейилади. Жумла-дан, Ахурамазда «ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ» дейди.

Зардуштийлик таълимотида она заминга, деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, ватан ва халққа улуғ муҳаббат руҳи марказий ўринни эгаллайди. Умуман, “Авесто”да эзгулик учун ёвуз кучлар билан курашиш, эркинлик, ижодкорлик, бунёдкорлик йўлидаги орзулар ўз ифодасини топган.

«Авесто»нинг халқларимиз ва давлатимиз тарихидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримов шундай деган: «Энг муътабар қўлёз-мамиз «Авесто»нинг яратилганлигига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддас икки дарё оралиғида, мана шу заминда умр гузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий тарихий меросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

ЮНЕСКО ҳомийлигида 2001 йили юртимизда ва жаҳонда «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилейини кенг нишонланиши, Урганчда махсус «Авесто» боғининг барпо этилиши бу йўлдаги дастлабки ҳаракатлардир.

Маълумингизким, ватанимиз ҳудудида зардуштийлик билан бир қаторда милодий III асрда монийлик дини ҳам тарқайбошлаган. Унинг асосчиси Моний ибн Фоток (216-277) бўлиб, зардуштийлик, буддийлик, брахманлик, христианлик динларини яхши ўрганган ва шулар асосида ўз таълимотини яратган киши эди. Аммо бу таълимот ўз даврида кўпгина халқлар ва давлатларда қизиқиш уйғотсада, зардуштийлик ва бошқа динлар таъсирида узоқ вақт яшай олмади, ўзга таълимотлар (маздакийлар, павлик панчилик) га асос бўлиб улар билан қўшилиб кетган.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Давлатчилик, катта Хоразм, Бактрия подшолиги, Бронза даври, Шаҳарсозлик маданияти, Бехустун, қоятош ёзувлари, Хоразмия, Сиёвуш, Сўғд давлати, тили, ёзуви, Салавкийлар давлати, Парфия, Қанғ, Довон давлати, Кушонлар давлати, ЮЭЧЖИ қабилалари, Кужула Кадфиз, Зардуштийлик, «Авесто», Будда дини, монийлик, ЮНЕСКО.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Ўзбекистон. 1998 йил.
- 2.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон. 2005йил.
3. Жўраев У, Саиджанов И. Дунё динлари тарихи. Т. Шарқ. 1998 йил 65-73
- 4.Абу Райҳон Беруний. Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар. Танлан-ган асарлар. 1 жилд. Т. Фан. 1968 йил
- 5.Пидаев М. Сирли Кушон салтанати . Т. Фан. 1990 йил
- 6.Шониезов К. Қанғ давлати ва қанглилар. Т. Фан. 1993 йил
- 7.Қиличев Т. Кўҳна қалъалар диёри. Т. Фан. 1993 йил.

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р

- 1.Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилик тарихи. Т. 2000 йил. 26-91 бет
- 2.Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. Т., Шарқ. 2000 йил.
- 3.Усмонов К ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 1-қисм. Т. 2002 йил. 44-46 бетлар.
- 4.Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Т. Ўзбекистон. 1997 йил. 62-96 бетлар.
- 5.Ўзбекистон тарихи.(Дарслик) Т., 2003йил, 60-109 бетлар.
- 6.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Лотин алифбосида. Т., 2006йил

4 – М А В 3 У: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ

Р е ж а :

1. Ўзбек халқининг узоқ давом этган этник шаклланиши.
2. Милоддан аввалги I минг йилликларда Марказий Осиё ҳудудларидаги этник - маданий вазият.
3. Ўзбек халқининг IX-XII ва XV аср охири ҳамда XVI асрларда кечган этник жараёнлари.

1. Бугунги кунда ер юзида барча туркий халқларнинг умумий сони 250 млн киши атрофида бўлиб, шундан еттидан бир қисмини, яъни тахминан 32 млн кишини ўзбеклар ташкил қилади. Ҳар бир халқнинг ўз келиб чиқиш ва ривожланиши тарихи бор бўлганидек, ўзбек халқининг ҳам узоқ ва воқеликларга бой тарихи мавжуд бўлиб, у халқ бўлиб шаклланишга қадар узоқ ва мураккаб этник жараёнларни бошидан кечирди. Умуман олганда, ҳозирги кунда халқларнинг келиб чиқиши - этногенезига эътибор айниса кучайганки, бу ҳолат миллатлар ичида ўз-ўзини англаш жараёнининг ўсганлиги, ўз тарихи, ўтмишига қизиқишининг ошганлиги, янги мураккаб давлатимизнинг пайдо бўлиши билан ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ҳозирги кунда тарихимизда кам ёритилган ва илмий асосда тамомилан янгитдан кўриб чиқишга мансуб бўлган масалалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, "... биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз. Тарихнинг таг-томирига назар ташлаймиз". Дарҳақиқат, уч минг йилликдан зиёд давлат-чилик тарихига эга бўлган халқимизнинг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Хўш, Ўзбек халқининг қадимги ўтмишини қандай биламиз? Маълумки, "Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда катта даври ёзма манба-ларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таянган ҳолда ўрғанилади. Қадимги шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон) маълум ки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва охири (бронза даври) Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи ҳинд-эрон қабила-лари ёйилиши билан боғлиқ бўлган. Ҳинд-Эрон қабилалари дастлаб жуда кенг ҳудудларда – Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралиғидаги ерларда яшаганлар".

Тадқиқотчи Т.Ходжаев фикрларига кўра, бронза даврига келиб, Марказий Осиёнинг Жанубий вилоятларида баланд бўйли, боши чўзинчоқ, юзи торроқ қабилаларнинг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса, Жануб аҳолисидан фарқ қилган боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ Жанубий қабилалари яшаган. Фанда жанубий қиёфали одамлар Ўрта ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади.

Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозғистон, Марказий Осиёнинг шимолий-шарқий қисмида Ўрал, Волга бўйи ерларига тарқалган. А.Саъдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги Жануб ва Шимолий қиёфадаги одамлар вакиллари кўшилиш жараёни бошланади, ҳамда ана шу даврда ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари, Ўрта Осиёнинг қадимги халқларига асос солганлар.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қадимдан ўтроқ деҳқончилик маданияти ўчоқлари таркиб топган ҳудудда жойлашган. Диёримиз шу боис археологик ва меъморчилик ёдгорликларга бой. Фарғона водийсининг Селунгур ғоридан топилган қадимги тош даврига оид топилмалар ва Тешиктошдан топилган ўрта палеолит даврига оид одамзод қолдиқлари, бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё билан бир қаторда инсоният пайдо

бўлган ҳудудлар таркибига кирганлиги ҳозирги кунда узил-кесил исботланди. Шунингдек, мезолит даврига (Ўрта тош даври) оид Мачай ғоридан топилган ёдгорликлар, неолит (янги тош) даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида жам қилган калталиклар, жанубдаги илк деҳқончилик маданиятига оид бўлган Жайтун, Ҳисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилма-хил Замонбобо, Сополлитепа, Саразм, Далварзин-тепа, Чуст маданиятларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исботлайди.

Ўлкамизнинг қадимги аҳолиси тош, бронза даврларида қандай ном билан аталганликлари бизга номаълум. Илк бора Марказий Осиё аҳолиси хусуси-даги маълумотлар Шарқ ва антик давр Юнон - Рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Евро Осиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қабилалар умумий “скифлар” номи билан аталади. Юнон тарихчиси Геродот, “бу халқлар қадимийликда мисрликлардан қолишмайди”, деб юқори баҳо берган эди. Плиний Марказий Осиё ҳудуд-ларида 20 га яқин қабилалар борлиги хусусида ўз асарида эслаб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида кўпроқ гап боради. Аҳамоний миҳхат ёзувларида саклар учта қисм-га бўлиб кўрсатилган (хяумаварка, тигря-хауда, тиай-тара-дарайя). Масса-гетлар хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд бўлиб, улар кўчманчи чорва-дор-ҳарбий қабилалар бўлганлиги таъкидланади.

2. Ўлкамизда илк темир давридан бошлаб (мил. авв. IX-VII асрлар) қадимги деҳқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ўзлари жойлашган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Булар Суғдиёнадаги- суғдийлар, қадимги Хоразмдаги-хоразмийлар, қадимги Бактриядаги-бактрийлар, қадим ги Чочдаги-чочликлар, Фарғонадаги - парканаликлар шулар жумласидандир. Бу тарихий номларнинг кўпларини биз илк ёзма манбаларда, хусусан зардўштилик динининг муқаддас китобида, Аҳамоний ҳукмдорларнинг ёзувларида учратамиз.

Шунингдек, Қозоғистон ҳудудларида яшовчи чорвадор қабилалар бронза давридаёқ (Андраново маданияти) туркий тилда сўзлашганлар деган асосли фикрлар ҳам мавжуддир. 1969 йили Олмаота яқинидаги Иссиқкўрғон мако-нидан топилган ёзув мил. авв. IV-III асрларга оид бўлиб, ҳозирги кунда илк туркий тили ёзуви деган фикрлар ҳам бор. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, демакки, мил. авв. IV-III асрлардаёқ, Марказий Осиёнинг шимолий-шарқий туркий тилли аҳоли-қабилалари мавжуд бўлиб, уларнинг Хоразм, Сўғд, Бактрия каби ёзувлари ўша жой аҳолиси ичида ишлатилган. Еттисув-даги сакларнинг бир қисми ҳам туркий тилда сўзлашган.

Тадқиқотчилар фикрига таяниб, шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиёда қадимданок 2 хил: туркий ва шарқий Эроний тилда сўзлашувчи аҳоли мавжуд бўлган Ўзбек халқининг қадимги аҳолисини худди шу икки бўлак ташкил этган. Мил. авв. II-I асрларда ва эрамизнинг бошларида эса узоқ давом этган этник жараён натижасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос бўлган “икки дарё оралиғи тип”и, (Амударё, Сирдарё) даги ирқ кишилари Марказий Осиёнинг катта ҳудудларида яшардилар.

Миллоднинг IV асрларига келиб, бу тип кишилари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмида учрай бошладилар. Эрон аҳамонийларнинг Мар-казий Осиёни босиб олишлари, сунгра македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари маҳаллий аҳоли этногенезига сезиларли таъсир этмади. Мил. авв. I аср ва эрамизнинг IV асрига қадар Марказий Осиёга кўчманчи юечжилар, хионийлар, эфталит қабилаларининг кириб келиши даври бўлди. Худди шу давр янги ер эгалиги муносабатларининг ҳам шаклланиш даври бўлди.

Юқоридаги қабилалар туркий тилдаги қабилалар бўлиб, уларнинг кириб келиши туркийлашув жараёнини янада кучайтирди.

Милодий VI-VIII асрларда Марказий Осиёда этник маданий жараёнлар қандай кечган? Эрамизнинг 551йилида Олтойда янги давлат-Турк ҳоконлиги юзага келди. Турк ҳоконлиги ҳукмдори Муқанҳоқон (554-576й) ва унинг амакиси Истами Ябғуларнинг Марказий Осиёга юришлари VI асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларида айниқса кучайди. 568 йили Марказий Осиё батамом улар қўлига ўтди. Улар аввал кўпроқ ўзлаштирилмаган ерларга, сунгра аста-секин маҳаллий аҳоли яшайдиган қишлоқларга яқинлашиб, ерли халқ маданий-хўжалик ютуқлари таъсирида ярим ўтроқ ва кўп ҳолларда ўтроқ турмуш кечиришга, улар билан иқтисодий ва маданий алоқани кучайтиришга муяссар бўлдилар. Натижада Хоразм, Фарғона, Сўғднинг катта қисмида яшовчи туркий қабилалар улар билан аралашиб кетди. VI асрнинг 60-70йилларида ҳоконлик қабилалари Бухоро воҳаси ва ҳатто Шимолий Афғонистон ҳудудларига ҳам бориб ўрнаша бошладилар. Бунинг натижаси- да, маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинлашув ва қон-қариндошчилик алоқаларининг ривожланиш жараёни содир бўла бошлади. 603 йилга келиб, Турк ҳоконлиги узил-кесил 2 қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниб кетади. Марказий Осиёдаги бир нечта кичик ярим мустақил давлатлар Ғарбий Турк ҳоконлиги таркибида эди.

Янги ер эгалиги муносабатлари ривожланаётган Ғарб ҳоконлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан аралашиб кетади. Ўтроқ ҳаётнинг анъанавий-маъмурий удум-лари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб, ҳоконлик қабилаларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи мустаҳкамла-ниб боради. Турклар этник-сиёсий ҳаётда фаоллашиб, Марказий Осиё жамиятининг барча жабҳаларида тенг қатнаша бошлайдилар. Ҳокон Шегуй вафотидан кейин (618й) ҳокимиятга келган Тўн Ябғу (Тун баҳодир) даврида Ғарбий ҳоконлик янада кучаяди.

Бу жараённи тўхтатиш учун ҳеч бир сиёсий куч майдонга чиқмади. Аксинча, маҳаллий аслзодалар, айниқса, суғд зодагонлари турк ҳоконлари ҳимоясида ўз савдо-сотиқ ишларини ривожлантириб, бу ишлардан жуда катта даромад олар эдилар. Туркий аҳоли сон жиҳатдан кўпайиб, уларнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник қатлами тобора қалинлашиб борди. Ай-ниқса, туркий қатлам VII-VIII асрларда Шош ва Фарғонада устун даражага эга эди. Гарчи, Ғарбий Турк ҳокон-лиги 659 йилга келиб парчаланиб кетсада, унинг этник таъсири ўлкада сақланиб қолди.

VII аср бошида арабларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши маҳаллий аҳоли этногенезига деярли таъсир кўрсатмади. Араблар улардан сиёсий ҳукм-ронликни тортиб олиб, туркий халқларнинг Марказий Осиёга кириб келиши жараёнига чек қўя бошладилар. Ҳоконлик қабилаларининг маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши, уларнинг тобора ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиш ҳолати юз берди. Туркий тил, тобора кенг тарқала бошлади.

Араблар туркий халқлар таъсирини синдириш мақсадида Мовароуннахрни эронликларга яқинлаштириш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Марказий Осиёга VIII-IX асрларда арабий ва эроний оилаларни кўчириб келтириб жойлаштириш сиёсатини юргиздилар. Бу даврга келиб турклар ўз таъсир-ларида Еттисувни сақлаб қолдилар, холос.

3. Ўзбек халқи шаклланишининг кейинги, яна бир муҳим даври IX-XII асрлар ҳисобланади. X асрнинг охирларида туркий этник қатламнинг Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида устунлигини таъминловчи тарихий воқеалар содир бўлди. Арғу, Тухси, Қарлуқ, Чигил ва Яғмо қабилалари идти-фоқидаги Қорахонийлар давлати юзага келиб, бу давлат 999 йили Мовароун-нахрни ўз таркибига киритди. Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида

адабий туркий тил юзага келиб, уни Махмуд Қошга-рий “энг очик ва равон тил” деб атаган. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Югнакийнинг (775-869) “Ҳибатул-ҳақойик” (ҳақиқатлар тухфаси) достони, Юсуф хос Ҳожибнинг (XI аср, “Қутадғу билик” (Саодатга йўлловчи билим) асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041-1167) “Ҳикматлар”и ҳамда “Ўғуз-нома”, “Алпомиш”, “Тўрўғли” каби дostonлар шулар жумласидандир.

Мовароуннахр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилида сўзловчи аҳолиси X асрдан бошлаб, ўзини “тозик”- яъни тожик деб юрита бошлайди. Сомонийлар ва Қорахонийлар (IX аср ўрталаридан - 1213 йилгача) дан ташқари ҳукмрон-лик қилган кейинги сулолалар, Ғазнавийлар (997-1187), Салжуқийлар (1040-1157), Хоразмшоҳ- ануш тегинийлар (1097-1231) нинг барчаси туркий қавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Марказий Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқеига эга бўлганлар. Мўғуллар истилоси гарчи, аҳоли бошига ниҳоятда оғир кулфатлар ва йўқотишлар олиб келган бўлсада, тадқиқотчилар фикрича, ўзбек халқи этногенези ва ирқига деярли таъсири бўлмади.

Хўш, биз ҳозир “Ўзбек” номи тўғрисида нима дея оламиз? Маълумки Мовароун-нахр ва Хоразм шимолида жойлашган вилоятларни, мусулмон муаллифлари Дашти Қипчоқ-Қипчоқ чўли деб аташган. Қадимданок, бу ерларда асосан туркий халқлар ва турклашган мўғуллар истиқомат қилар эдилар.

Чингизхон босқинидан сўнг, бу ерлар унинг катта ўғли Жўчининг ихтиё-рига ўтган эди. Кейинчалик бу ҳудуд икки қисмга бўлиниб кетди. Жўчининг ўғли бўлмиш Султон Муҳаммад 13 ёшда (1312-1341) Оқ Ўрдага ҳукмрон бўлади. Султон Муҳаммадга Ўзбекхон деб тахаллус берилган.

Турон мамлакати нисбатан шимоли –ғарбий ҳудудларида вужудга келган ва шакллана бориб XV асрнинг охириларида поёнига етган. Мазкур қатламнинг этник таркиби биринчи қатламнинг таркибига кўра аниқроқдир. Бу ҳолни миллат шаклланишидаги даврий масофанинг яқинроқлиги билан изоҳлаш мумкин.

XV асрнинг охири, XVI асрнинг бошларида халқимизнинг биринчи ва иккинчи қатламлари қўшилади. Аниқроғи, иккинчи қатламнинг ҳаммаси эмас, муайян қисми биринчи қатлам билан бирлашади. Жумладан, 1500 йили иккинчи қатламдаги қабилалар Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннахрни, 1504-1506 йилларда Хуросон билан Хоразмни забт этди-лар. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннахрнинг туркийзабон халқи ўзбек номини олди. Келиб қўшилган қатлам бу ердаги яхлит қатламдан нуфузи жиҳатдан оз эди. Шимолий қатлам шаклланган ҳудудларда катта –кичик шаҳар ва қишлоқларда, кенг яйловларда ҳаёт давом этаверган, чунки аҳолининг муайян қисми ўз жойларида яшаб қолган.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, ўлкамиз ҳудуд-ларида энг қадимги даврларда яшаган ўтроқ маҳаллий аҳоли-сўғдийлар, хоразмийлар, бактрийлар, саклар, массагетлар, ҳозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этади. Тарихнинг қадимги даврларида аҳоли кўп ҳолларда ўзлари яшаган жой номи билан аталган бўлиб, ўрта асрларга келиб бу (жойлар) номлар ўзгаради. Хусусан, Дашти Қипчоқ ҳудудларида яшаган туркий аҳоли Мовароуннахр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ аҳоли билан уйғунлашиб кетган ва аҳоли ўз номини ўзбек деб атаган. Ўрта асрлар тарихий адабиётларида ҳам бу ном “ўзбек”, “эркин”, “мустақил” сўзидан келиб чиқиб, ўзбеклар сифатида тилга олинади. Аммо шу нарса аниқки, Дашти қипчоқ ҳудудларидан келган туркий қабилалар маҳаллий аҳоли этногенезига урф-одат ва анъаналарига сезиларли даражада таъсир этибгина қолмасдан, аксинча унинг орасига сингиб кетиб юқори даражадаги маданият таъсирида бўлдилар.

Тадқиқотларга кўра ўзбек халқи асосан икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Хоразмнинг Шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларда шаклланган, бу макон ўтмишда турли номлар билан, чунончи; Қипчоқ дашти, Олтин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакатлари, ўзбек улуси деб аталган. Халқимизнинг бу қатламини жуғрофий ўрни жиҳатидан шартли равишда шимолий қатлам деб аташ мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг этник шаклланиши узоқ давом этган мураккаб жараёндир. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий суғдийлар, қанғлар, бактрийлар, хоразмийлар, довонликлар, саклар ва массагетлар ташкил этади. Турли даврларда бу ҳудудларга кириб келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Ўзбек халқи шаклланиши жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли четдан келган (келгинди) аҳолига нисбатан устун бўлган.

Бу фикримизни исботловчи далиллардан бири, кейинги уч-икки минг йил давомида Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди. Хусусан, Шарқий Эроний тиллар ўрнига Ғарбий эроний тиллари (форс тили) ва эрамизнинг бошларидан бошлаб туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Аммо, маҳаллий халқнинг “қони”, яъни гене-тикаси айтарли ўзгармади ва қадимги халқларга хос кўпгина антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда.

Ўзбек халқи келиб чиқишининг асосини энг қадимги даврлардан бошлаб ўлкамиз ҳудудларида яшаб келган халқлар ва элатлар ташкил этган. Икки минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган туркий тилли, элат ва халқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашган.

Т а я н ч и б о р а л а р и :

Туркий халқлар, Волга, Урал, Олд Осиё, Этногенез, Туркий халқлар, Волга, Урал, Хоразмийлар, Суғдийлар, Бактрийлар, Саклар, Массагетлар, Дашти Қипчоқ, “Икки дарё оралиғи тили”, “Ўзбек” атамаси, Ўзбекхон, Туркий тили, Элат. Туркий қабилалар, этник қатлам.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Ўзбекистон 1998 йил
- 2.Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент. Чулпон. 1992 йил
- 3.Заки Волидий. Ўзбек уруғлари. Тошкент. 1992 йил
- 4.Жабборов И. Ўзбек халқининг этнографияси. Т.,Ўзбекистон. 1994 йил
- 5.Шониязов К. Ўзбеки-карлуки (историко-этнографический очерк) Ташкент. Наука. 1964 йил
- 6.Шониезов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 6-сон. 1998 йил
- 7.Қ.Шониезов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т, 2001йил
- 8.Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2003 йил. 45-59 бетлар.
- 9.Қ.Ўсмонов ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 1 китоб. Т. 2001йил
- 10.Қ.Ўсмонов. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Лотин алифбосида. Т., 2006й

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

- 1.Иброхимов А. Биз ким ўзбеклар. Тошкент. Шарқ. 1999 йил.
- 2.Хасан Ато Абдулий. Туркий қавмлар тарихи.Т. Чўлпон 1994 йил
- 3.Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. Т. Чўлпон. 1995 йил
- 4.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008йил

5–Мавзу: БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

Р е ж а:

1. Энг қадимги йўллар. Буюк ипак йўлининг бошланиши ва унинг тармоқлари.
2. Амир Темур даврида буюк ипак йўлининг тикланиши ва ривожланиши.
3. Буюк ипак йўли ва ҳозирги замон.

1. Олимларнинг фикрларига қараганда, Яқин ва Ўрта шарқда турли ўлка ва вилоятларни боғлаб турувчи карвон йўллари ҳамда маданий, сиёсий, иқтисодий алоқалари илдизи неолит даври мил.авв. VI-IV минг йилликлар билан боғланади.

Ватанимиз халқлари тарихида «Буюк ипак» йўлининг аҳамияти жуда катта бўлган. Кўхна Шарқ тарихида «Буюк ипак йўли» жуда катта аҳамиятга эгадир. Қадим замонлар тарихига назар ташлар эканмиз, жамият тараққиёти-нинг илк давридан яъни бронза давридан ҳам илгари бир қанча ҳудудларни боғловчи асосий восита сифатида йўллар пайдо бўлганлигини тарихий манбалардан биламиз. У вақтдаги денгиз йўллари ҳақида маълумотлар жуда оз бўлган, аммо қадимги куруқликдаги йўллар- «Шоҳ йўли» деб аталган йўллар тўғрисида маълумотлар пайдо бўлади. Бу йўллар атрофида кудуклар, карвон саройлар, савдо расталари пайдо бўлиб, буларни Эрон лашкарлари қўриқлайди. Бу йўллар қадимда аҳамонийлар давридаги Эрон орқали Ўрта Осиёга етиб келган. Унинг Шимолий Шарқий тармоғи Бухорогача келган.

Тарихчи Геродот бу йўлларнинг жойлашиши, «Скиф йўли» орқали савдо йўли Шимолдан Қора денгиз ва Каспий денгизи орқали ўтганлиги тўғрисида маълумотлар беради. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Эрон аҳамонийлари салтанати даврида унинг ҳудуди бўйлаб «Шоҳ йўли» ўтганлиги тарихий манбаларда таъкидланади.

Аммо «Шоҳ йўли» дан олдинроқ Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшонда «Ложувард» йўли бўлганлиги ва бу «Ложувард» йўлининг пайдо бўлишига сабаб бўлганлигини кўрсатади. (Ложувард-безак буюмлар ишланадиган кўк рангли минерал). Бадахшон Ложуварди Месопотамия, Миср подшоларининг саройларини, ибодатхоналарини безаган, аёлларнинг турли безакларини ишлашда қўлланилган.

Олимларнинг фикрига қараганда, милоддан аввалги III асрнинг охири, II асрларда халқаро аҳамиятга эга бўлган савдо-сотик йўли шакллана бошлайди. Бу йўл XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен томонидан биринчи марта «Ипак йўли» деган ном олади ва кейинчалик «Буюк ипак йўли» деб эътироф этилади.

Буюк Ипак йўлининг неча асрлар давомида не-не мамлакатлар ва халқларни бири-бирига боғлаш, алоқаларини мустаҳкамлашдаги хизмати мислсиз каттадир. Айниқса, бу йўлнинг Ватанимиз сарҳадларидан ўтганлиги унинг тарихий тақдирида, иқтисодий-маданий юксалишида ҳамда бошқа хорижий эллар билан изчил ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда бўлишида катта ижобий роль ўйнаган. Ғарб билан Шарқни боғлаб келган бу йўл «Буюк ипак йўлидир». Фанда ипакнинг ватани Хитой мамлакати дейилади. Ҳинд олими Мукержи фақат Хитойда эмас, балки Ҳиндистоннинг тоғли томонларида ҳам ёввойи ипак курти тут дарахтлари устида тилла ўраганини таъкидлайди. Хитойда ипакнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятларга қараганда, ипак милоддан аввалги III минг йилликда пайдо бўлган. Ривоятларга қараганда, 2698 йилда Хитой маликаси Си Линг Чи боғда тут дарахти соясида чой ичиб ўтирган пайтида унинг пиёласига битта пилла тушиб, иссиқ чойда юмшаб, унинг толалари ёйилиб кетади.

Хитой хукмдори Чин Чанг ипак курти тут экиладиган майдонларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берган. Ипакчилик кенг тарқалган жой Хитойда Хуанхе дарёсининг куйи хавзасида жойлашган Шаидун вилоятидир. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Хитой ипаги Шимолий Қора денгиз туманларида, Яқин шарқ мамлакат-ларида милoddан аввалги V асрдан бошлаб маълумдир.

Хитойнинг Сиан шаҳридан бошланган Ипак йўли Ханчжоу орқали Дун-хуанга (Шарқий Туркистон) келиб, бу ердан у иккига ажралади. Ипак йўли-нинг жанубий-ғарбий тармоғи Такламакон саҳроси (Мўғилистон) орқали Хўтанга, ундан Ёркентга келиб, ундан Балхга томон ўтади. Балхда йўл яна уч тармоққа ажралади. Ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбент, Наутак ва Самарқандга томон йўналади. Ипак йўлининг шимолий-ғарбий тармоғи эса Дун-хуандан Бами, Турфон орқали Тарим воҳаси-Қашқарга боради. У ердан Тошқурғон орқали Ўзган, Ўш, Кува, Ахсикент, Попга, Ашт орқали Хўжанд, Зомин, Жиззахга, сўнгра Самарқандга бориб туташади. Самарқанддан эса бу йўл яна давом этиб Дабусия, Малик чўли орқали Бухоро, Ромитонга, ундан Варахша орқали Форобга бориб, Амул шаҳрига ўтади. Амулда эса бу йўл Марвдан Урганч сари йўналган йўлга қўшилади. Марв шаҳри ўрта асрлар даврида Буюк ипак йўли чорраҳалари кесишган энг муҳим ҳаётий нукта бўлган.

2. Буюк аждодларимиз, бобокалонимиз Амир Темур раҳнамолигида ўша даврдаги мамлакатнинг ҳар бир йирик шаҳарларида кириш ва чиқишни назорат қилувчи алоҳида махсус божхоналар ташкил этилган.

Буюк Ипак йўли Шарқу Ғарбни боғловчи, турли мамлакатларнинг савдо-сотиқ, тижорат алоқаларининг энг асосий воситаси бўлганидан, бу йўна-лишда жойлашган давлатлар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ёхуд бу борада ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиланлар. Шу боис турли тарихий босқичларда турли давлатлар бунга интилиб, Буюк ипак йўли устидан ўз назоратларини ўрнатганлар.

Ватанимиз сарҳадлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишининг Буюк ипак йўли билан бевосита боғлиқлик жиҳатлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Юнон-Рим олимлари Геродот, Ктесий, Арриан маълумотларига, Эрон миҳхат ёзувларига асосланиб фикр юритадиган бўлсак, мил. Аввал IV асрда Ўрта Осиё ҳудудларида суғорма деҳқончилик маданияти, ҳунармандчилик, чорвачилик, тоғ-кон ишлари анча ривож топган. Ўрта Осиё лаъли, Хоразмнинг қиммат-баҳо феруза маъдани, Сўғд олтини кўплаб миқдорда қазиб олиниб, ишлов берилиб, хорижий элларга ҳам чиқарилган. Жумладан, Ўрта Осиё лаълига (лазурити) Эрон, Ҳиндистон, Миср, Месопотамия ва Хитой сингари мамлакатларда қизиқиш ва талаб ғоятда катта бўлган. Мил. авв. II аср бошларида Довон ва Қанғ давлатларига ташриф буюрган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цян сафари дан сўнг Хитой билан Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги дипломатик ва савдо-сотиқ алоқа-лари янги босқичга кўтарилади.

Хитой Ўрта Осиёнинг зотдор отлари, рангли шишалари, заргарлик мол-лари, лаълига харидор бўлса, айна чоғда Хитойдан юртимизга кўпроқ ипак ва ипак моллари, чинни буюмлар, чой маҳсулотлари келтирила бошлаган. Шунингдек, япониядан гуруч, Ҳиндистондан ип газлама, зиравор ва доривор маҳсулотлар, мушк-анбар ва шу каби нарсалар келтирилган. Айна чоғда ўзбек диёридан бу мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мевалар, чорва моллари, отлар, гиламлар, заргарлик маҳсулотлари, нафис жунли матолар чиқарилган. Ўрта Осиё хукмдорлари Буюк ипак йўлида савдо карвонларининг тинчлиги, хавфсизлиги ва уларнинг беҳатар, мунтазам қатновини таъминлаш борасида ҳам доимий чора-тадбирлар кўриб борган-лар. Шу мақсадда керакли нуқталарда, аҳоли сийрак бўлган жойларда карвонсаройлар, емакхоналар барпо қилинган, сув оладиган кудуклар қазил-ган, чор атрофи шинам бино шаклига

келтирилиб қурилган сардобалар тикланган. Ўша даврда Мағрибу Машрикка маълум ва машхур Бухоро, Самарқанд, Марв, Шош, Балх, Исфижоб, Термиз сингари шаҳар бозорлари барпо этилиб, уларда тижорат ишлари авжида бўлган, турли мамлакат тужжорлари уларда туну кун турфа ранг молларини сотганлар ёхуд мол айирбош қилганлар.

«Буюк ипак йўли» учун III асрдан бошлаб Эрон ва Марказий Осиё ўртасида кураш кучаяди. Эрон билан Парфия ўртасида жанглар бўлади. Бу йўл ўша даврда Суғдлар назорати остида бўлган. Суғдлар ўз хукмронлигини сақлаб қолиш учун Шарқий Туркистонда, Еттисувда, Олтойда, Шимолий Хитойнинг Шанси вилоятида ўз карвон саройларини, қишлоқларини барпо этганлар. Шу тариқа Хитойнинг Дунхуан шаҳрида III-IV асрларда Суғд қишлоқлари пайдо бўлган. Милодий IV-V асрларга оид Хитой тилида ёзилган мусиқа трактатларида Хитойда яшаб, ўша ернинг фуқароси бўлиб кетган бир қанча санъат усталари қайси шаҳар ва вилоятдан келган бўлсалар, ўша жойнинг номини ўз номларининг олдига қўшиб айтишган. Масалан: Бухоро-дан келганлар Анъ (Анго Бухоро), Самарқанддан Кан (Канго Самарқанд), Шахрисабздан келганлар Иш (Ишго Шахрисабз) деб қўшиб ёзишган.

III-VII асрларда «Буюк ипак йўли» суғдлар назорати остида бўлиб, VIII асрларга келиб араблар назорати остига ўтади. XIII асрдан бошлаб Чингизхон «Буюк ипак йўли»ни ўз назорати остига олади. XIV-XV асрдан бошлаб эса бу йўл Темур ва темурийлар назорати остига ўтади.

Буюк ипак йўлининг шухрати айниқса, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида янада ортди. Бунинг боиси аввало шундаки, Амир темур қудратли марказлашган давлат барпо этиш баро-бариди, унинг барча ҳудудларида тинчлик ва осойишталик ўрнатди. Катта салоҳият эгаси бўлган Соҳибқирон мамлакатнинг юксак ривожига халқаро савдонинг нечоғлик улкан аҳамият касб этишини билганлигидан, бу соҳани бутун чоралар билан ўстиришга алоҳида эътибор берган. Бунда юрт тинчлиги, улус фаровонлиги масалалари ҳар доим унинг диққат марказида турган. Шу боис улуғ Амир савдо йўллари кўриқлаш, одамлар, мусофирлар, турли юрт савдогарлари манфаатларини босқинчилар, қароқчилар тажовуздан муҳофаза қилишни муҳим давлат аҳамиятига молик вазифалардан деб ҳисоблаган.

3. Амир Темур ташаббуси билан мамлакатнинг ҳар бир йирик шаҳарларида савдо карвонларининг кириши ва чиқишини назорат қилувчи давлат назорат хизмати ва махсус божхоналар ташкил этилган. Савдо карвонларидан молларнинг ҳажми, миқдорига қараб бож тўловлари ундирилган. Бу даврда пойтахт Самарқанд дунё савдогарларининг йирик марказига айланди. Унинг кенг кўчалари бўйлаб махсус қурилган муҳташам карвон-саройлар, савдо бозорлари, расталарда туну кун савдо-сотик ишлари тўхтамаган. Турли мамлакатлардан келган савдогарлар ўз молларини харидорларга сотганлар ёхуд ўзларига керакли молларни харид қилганлар.

Самарқанд қоғозининг машхурлиги етти иқлимга маълум бўлган. Моваро-уннаҳр ва Хуросон шаҳарлари Буюк ипак йўлининг энг қайноқ нуқталарига айланган. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўплаб тижорат карвонлари келиб турарди. Хитой бу ҳудудларга ипак газламалари, чинни косалар, биллур қадахлар, қиммат-баҳо тошлар юборарди. Шимолдан ноёб пўстинлар, мўйналар келтирилди. Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарларида той-той бойланиб, Осиёнинг йирик шаҳарларига ва Европага жўнатилади.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан қозонган зафарлари туфайли Буюк ипак йўли шимолий тармоқларининг жанубий бош йўлга қўшиб юборилиши орқасида Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларининг халқаро карвон савдосидаги нуфузи ва мавқеи янада ортган. 1402 йилда машхур Анқара жангида Туркия устидан қозонилган

ажойиб ғалабадан сўнг Амир Темур давлати билан Ғарбий Европа давлатлари ўртасида турли хил алоқалар, яқинликлар янги паллага кирдики, бунда айниқса, халқаро савдо алоқалари, шубҳасиз, биринчи даражали аҳамият касб этди. Хуллас, Амир Темур ва унинг авлодлари замонида давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо-тижорат алоқалари янги ҳудудий кенгликлар касб этиб бордики, бу бир томондан, юртимизнинг иқтисодий-маданий, маънавий юксалишини таъмин-лаган бўлса, иккинчидан, унинг хорижий эллар, халқлар билан яқинлашуви, ҳамкорлигига кучли туртки берди. Бу эса Буюк ипак йўли шуҳратининг янада ортишига олиб келди.

Буюк ипак йўли XVI асрдан эътиборан ўз аҳамияти ва ролини йўқотиб, тушкунлик сари юз тутди.

Биринчидан, Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг пировард оқибатда чуқур инқирозга йўлиқиши ва тарих саҳнасида бошқа ҳукмрон сулоалар-нинг, чунончи, Шайбонийхонлар, Аштархонийлар сулоласининг чиқиши ҳамда уларнинг бошқарув усулининг ғоятда мураккаб кечганлиги, марказий ҳокимиятнинг кучсизланиб мамлакат ҳудудларининг тарқоқ ҳолатга учра-ши, ўз қобиғига ўралиши ва ҳоказо ҳоллар бу ҳудуднинг ташқи дунёдан тобора ажралишиб қолишига боис бўлди.

Иккинчидан, Туркистондаги хонликлар, амир-беклар, султонлар ўртасида ҳокимият таллашиб олиб борилган ўзаро жангу жадаллар, доимий қон тўкишлар натижасида ўлка тобора иқтисодий бўҳронларга дуч кела борди, сиёсий беқарорлик авж олди. Мамлакат ташқи давлатлар билан алоқалар боғлаш, иқтисодий, савдо-сотиқ бобида ҳамкорлик қилиш имкониятларидан маҳрум бўлди.

Учинчидан, илғор Европа олимлари, сайёҳлари томонидан XV-XVI асрлардан эътиборан бошланган буюк географик кашфиётлар, буларнинг натижасида жаҳоннинг турли кутблари томон янги, қулай сув йўлларининг очилиши, шу жумладан, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа шарқий-жанубий мамлакатларга томон шундай йўлларнинг кашф этилиши, кабилар Буюк ипак йўли шуҳратининг пасайиши ва сўниб боришга олиб келди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон янгидан юз очиб жаҳон афкор омма-сининг нигоҳига тушди. Айни чоғда у БМТ нинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан ўзаро фойдали, ман-фаатли асосларда ҳамкорлик қилиш, алоқалар боғлашга муваффақ бўлди. Ўзбекистоннинг дунё учун очиклиги, бутун дунёда кенг илдиз отган демок-ратик тамойилларни ўзининг ички ва ташқи сиёсатига асос қилиб олганлиги-булар унинг жаҳон мамлакатлари билан яқинлашувига, улар билан ҳамкор-лик алоқаларининг ҳар жиҳатдан мустаҳкам-ланишига ишончли қафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, бунда Буюк ипак йўли анъаналарини янгидан тиклаш борасида ҳозирда жаҳон миқёсида олиб борилаётган давлат-лараро ҳаракатда Ўзбекистоннинг алоҳида ташаббус кўрсатаётганлиги боиси ҳам мана шундандир. Зеро, қадимдан Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғла-ган, халқаро савдонинг қайноқ, туташ нуқтаси ҳисобланган Ўзбекистон ҳудуди ва унинг қадимий шаҳарлари бугун ҳам мустақил давлати-мизни кенг хорижий давлатлар билан боғловчи муҳим восита ролини ўйнамоғи айни муддаодир.

“Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўли,-деб таъкидлайди Юртбошимиз, - Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади”¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997й, 227- 228 бетлар

Шунингдек, ЮНЕСКО раҳбарияти билан ҳамкорликда 1987-1997 йиллар да “Ипак йўли-мулоқот йўли” мавзусида ўтказилаётган амалий тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу дастурнинг ишлаб чиқиши Евроосиё даги 30 дан ортиқ етакчи давлатларнинг 2000 йилга қадар илмий-маданий фаолияти учун асосий йўналиш бўлди. Ўзбекистонда ҳам бир қанча илмий экспедициялар ташкил этилди, тарихий обидалар ўрганилди, қадимги йўллар аниқланди, миллий-маънавий бойлигимиз янада кенгрок ўрганилди.

Юқоридаги дастур ҳақида сенегаллик Дуду Двен шундай дейди: «Экспедиция ташкил этишдан мақсад жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган «Ипак йўли»даги мамлакатлар тарихи билан танишиш, ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир..»

Экспедициянинг илмий котиби Аҳмад Ҳасан Дони Оқсарой ҳақида шундай фикрларни билдирган; «Жаҳонда ёдгорликлар кўп. Бироқ менинг назаримда улуғвор Оқсарой-Муҳаммад Темур саройи маҳобатини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. У бетакрор ижод маҳсулидир. Бу обиданинг ҳозирги ҳолати унинг улуғворлиги ва аҳамиятига асло мос эмас. Мен уни ҳайрат билан тамошо қилиб шундай фикрга келдимки, мутахассислар. Шаҳрисабзда яшовчи бутун аҳоли бу ёдгорликка ниҳоятда катта эътибор қилмоғи лозим. Агар бу ишлар амалга оширилса, бутун дунё жуда кўплаб сайёҳлар фақат Оқсаройнигина эмас, шаҳар-нинг санъат ва маланият тарихига доир кўплаб монументал ёдгорликлар қолдирган инсонга-улуғ давлат арбобига ва лашкар-бошига таъзим бажо этиб, ўз эҳтиромимни билдираман» дейди. Бундан қуриб турибдики, «Буюк ипак йўли ва унинг қарвон-саройлари тарихи келажак авлодлар учун ажойиб тарихий ёдгорлик бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг сўнгги пайтлардаги фаол ҳатти-ҳаракатлари Шарқ ва Ғарбга ҳамда Жанубга бевосита чиқиш учун қулай йўлларга эга бўлиш, ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва давлатлараро кенг мулоқот-ларга эришишга қаратилган. Бу борада Тажан-Сарахс-Машҳад темир йўли биринчи навбатининг қурилиши муҳим аҳамиятга эгадир. 2000 йилда Пекин-Истамбул йўналишида ҳаракатланиш имконияти туғилди.

1998 йил Боку шаҳридаги Буюк ипак йўлини қуруқликда Европадан Япониягача қайта тиклаш масалаларига бағишланган халқаро анжуманда Президентимиз И.А.Каримов нутқ сўзлади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш жуда катта муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Ҳозирда Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон - Ўш-Эргаш том- Қашқар, шунингдек, Бухоро-Сарахс-Машҳад-Техрон ва Термиз-Хирот-Қандаҳор - Карочи автомобил йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу бизнинг, музламайдиган қулай Ҳинд океанига чиқишимизга имкон туғдиради. Бу эса ЭКО мамлакатларига олиб борадиган йўлни уч бараварга қисқартиради. Хуллас, Ўзбекистон ўз миллий манфаатлари устуворлигидан келиб чиқиб, дунёга чиқишга, халқаро бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар, моллар ишлаб чиқаришга ҳамда Ғарб билан Шарқ ўртасида азалдан давом этиб келган муҳим воситачилик-кўприклик ролини ўйнашга фаол интиломоқда.

Т а я н ч и б о р а л а р и :

“Ложувард йўли”, “Шоҳ йўли”, Савдо йўли, ипак йўли - алоқа йўли, ипак йўлининг тармоқлари, савдо қарвонлари, савдо - сотиқ, тижорат, иқтисодий алоқалар, маданий алоқалар, савдо бозорлари, мол айирбошлаш, Самарқанд қоғози, географик кашфиётлар, “Буюк ипак йўли дастури”, “Буюк ипак йўли-мулоқот йўли”.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Савдо уйидан ипак йўлини тиклаш сари. Асар. 2 жилд. Т., 366-368 бетлар.
- 2.Каримов И.А.«Европа-Кавказ» Осиё (Грисеко) транспорт тармоғини ривожлантириш»га бағишланган Халқаро анжуманда сўзлаган нутқи. «Зарафшон» газетаси. 1998йил 12 сентябр.
- 3.Каримов И.А. “Юксак маънавият –енгилмас куч”. Т., Маънавият., 2008 йил
- 4.Муртазаева Р. Ўзбекистон тарихи. Т.,2004 йил.
- 5.Усмонов Қ. Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи, 1 қисм. Ўқув қўлланма. Т., 2002 йил.
- 6.Саъдуллаев А, Эшов Б Ўзбекистон тарихи. 1 қисм. Т.,1999й

Қўшимча адабиётлар :

- 1.Темур тузуклари. Т., 1991йил.
2. Каримов Ш, Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. Т. 1997 йил
- 3.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Лотин алифбосида. Т.,2006 йил

6–Мавзу: ИЛК ЎРТА АСРЛАР ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ: ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.

Р е ж а :

1. Мамлакатимиз ҳудудига кўчманчи халқлар, кидарийлар, хионийларнинг кириб келиши. Уларнинг сосонийлар билан муносабатлари.
2. Эфталитлар давлати, ундаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаёт. Маздакийлар ҳаракати.
3. Туркий қабилаларнинг бирлашуви. Турк хоқонлигининг вужудга келиши. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт.
4. Араблар томонидан Ўрта Осиёнинг истило қилиниши, Ислом динининг ёйилиши бошқарув тизими, халқ ҳаракатлари.

1. V аср бошларида массагет қабилалари иттифоқидан қабилавий гуруҳ ажралиб чиқди. Улар кидарийлар деб аталиб, Тохористон ҳудудларида жой-лашган эдилар. Бу ном қабила бошлиғи подшоси Кидар номидан олинган. Кидарийлар бир неча марта сосонийлар Эронига ҳужумлар уюштирганлар. Аммо 456 йилги жангда Кидарийлар енгилиб подшоси Кидар ҳалок бўлади. Кидарийлар Кидарнинг ўғли Кунгас бошчилигида Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб, Гупта подшолигини ўзларига бўйсундирадилар.

Кидарийлар хусусидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солнома сида ҳамда ғарб тарихчиларидан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди. Бу маълумотларга кўра, Кидарийларнинг номи юечжилар ҳукмдори Цидоло ёки тадқиқотлар фикрича Кидар (баъзан “Кидара”) - IV асрда ҳукм-ронлик қилган номидан олинган.

Кидарийлар масаласи нисбатан кам ўрганилган ва тадқиқотлар давом эттирилиши керак бўлган масаладир. Чунки юқоридаги маълумотларни (жумладан Бэйши) кейинчалик бошқа манбалар тилга олмайди. Ҳиндистонга (456й) кетиб Гупта давлатини босиб олганларидан кейинги Кидарийлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам деярли йўқ. Фақатгина улар Ҳиндистонда 75 йил ҳукмронлик қилганлари, 477 йил Гандхардан Хитойга элчилар юборган-ликлари маълум холос. Баъзи тадқиқотчилар уларни Шарқий Туркистондан кириб келган кушонлар қолдиғи деб ҳам тушунтириш беришади. Шунингдек, Кидарийларнинг Ўрта Осиёнинг жанубида Хионийлар билан бирга иттифоқ-чилиги ҳамда уларнинг Эронга қарши биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисида ҳам турли тахмин ва фикрлар мавжуд.

IV аср ўрталарида Турон ўлкасига шимолдан кўчманчи Хион қабила-ларининг ҳужуми бошланади. Тарихда улар Хионат ёки Хионийлар номи билан танилганлар. Хионийларнинг 353 йил Суғд устига юриш қилганлик-лари маълум. Хионийлар ҳукмдори ўрта ёшлардаги тадбиркор ва ақлли давлат арбоби Грумбат исмли шахс бўлган. 359 йил Хионийлар ўз идти-фоқчилик бурчларига кўра Шопур II билан Суриянинг Амида (Умда) шаҳри учун бўлган жангида қатнашишади. Бу жангда Грумбатнинг ўғли ҳам ҳалок бўлади.

IV асрнинг 60-70-йилларида Эрон билан муносабатлар яна кескинлашиб, Эрон шоҳи Шопур II Хионийлар билан кураш олиб боради ва икки маротаба енгилади. Хионийлар Кидарийлар билан иттифоқчиликда бўлган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу

даврда Сирдарё бўйидан Амударёгача чўзилган ҳудуд Хионийлар таъсири остида бўлган.

Ўша даврда Эфталитлар билан Эрон сосонийлари ўртасида бир неча марта тўқнашувлар бўлиб ўтади. Улар ўртасидаги биринчи тўқнашувлар V асрнинг 30-йилларидаёқ содир бўлган эди. Арман тарихчиси Вардапетнинг маълумотига кўра, V асрнинг 50-йилларига келиб, эфталитлар конферессия-си ниҳоятда кучайиб кетади. 456 йилдаёқ, эфталитлар ўз элчиларини Хитойга жўнатадилар. Эфталитлар тобора жанубга қараб силжий бошлайдилар ва ўз навбатида уларнинг Эрон билан муносабатлари кескинлаша боради. Сосонийлар билан ҳал қилувчи курашлар даври шоҳ Пероз (Феруз) даврига (459-484йй) тўғри келади. Тахминан 457 йили Вахшунвор (Ахшунвор) Эфта-лон бошчилигидаги эфталитлар Чағониён (Сурхондарё вил. Термиз шаҳри-дан шимолдаги ерлар), Тоҳаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар.

459 йилда Эрон тахтига Пероз чиқади. Манбаларда Перознинг ҳокимиятга келиши эфталитлар билан боғлиқ равишда баён қилинади. Пероз эфталитларнинг кучайиб боришини вақтинчалик деб билиб, улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо эфталитлар қудрати ошиб тез орада улар сосонийларга ҳам қарши туришларини англаган Пероз эфталитларга қарши жангга киради. Бу тўғридаги маълумотлар “Бахман-Яшта”да ҳам, араб тарихчиси ат-Табарийнинг асарларида ҳам учрайди. Пероз (459-484) 3 маротаба эфталитларга қарши юриш қилади. Эфталитлар ва сосонийлар ўртасида 484 йили сўнгги кураш бошланиб кетади. Бу кураш Марв яқинида сосонийларнинг тугал мағлубияти билан якунланади.

Сосонийлар қудратига эфталитлар томонидан шундай қилиб чек қўйилди. Эроннинг ўзида шу вақтга келиб ички сиёсий аҳвол кескинлашиб кетган эди.

2. Хитой манбарида эфталитларнинг бўлгани, уларнинг юртида шаҳарлар йўқлиги, ўзлари эса ўтлоқ жойларда яшаганлиги тўғрисида маълумотлар айтилади. Рим ва Византия тарихчилари Марцелин (IV аср), Прокопий Кесарийский: Феофан Византийский (VI аср), арман тарихчилари Лазар Парбский (Vаср), Фавст Бузанд (IVаср) Хитой солномаларидан Бейши (VI аср) берган маълумотлар шулар жумласидандир. Масалан, эфталийлар Хитой манбаларида “и-да”, “е-да”, арманларда идал, хептал, арабларда ҳайтал, Сурия ва лотин манбаларида эптал, абдал деб номланади. Бундай турлича атамалар ҳар бир тил ва ёзувнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан. Рус ва Византия тарихчиларининг аксарияти эфталийларни туркий қабила-массагетларнинг сўнгги бўғинидан келиб чиққан деб фикр билдирадилар. Мукаддас “Авесто” да эса улар татлар номи билан тилга олинади. Бироқ нима бўлганда ҳам шу нарса фактки, эфталийлар Туркистон минтақасида яшаб келган туркий қавмлардандир.

Эфталийлар ҳукмдори Вахшунвор Эфталон 457 йилда Чағониён (ҳозирги Сурхон ерлари) Тоҳаристон ва Бадахшонни ўзига бўйсундиради. Сўнгра, Эфталийлар Суғдда ҳам мустаҳкамланиб олади. Улар кўп ўтмай, ўз ҳудудий ерларини кенгайтиришда давом этиб, Қобул ва Панжоб водийсини, Кучу, Қашқар ва Хўтонни (Шарқий Туркистон) забт этадилар. Хуллас, улар аввалда Кушонлар сулоласи эгаллаган ҳудудларни бирин-кетин қўлга киритиб, ўз сиёсий ҳокимиятини янада мустаҳкамлайдилар. Эфталийлар бир неча бор ўзларининг ғарбий-жанубдаги қўшнисини ва энг кучли рақиб -Эрон сосонийлари билан ҳам урушлар олиб борадилар. Хусусан, Эрон шоҳи Пероз билан бўлган урушларда уларнинг қўли баланд келиб, Эрон ҳукмдори икки бор асирликка тушади. Катта тўлов ва мажбуриятлар эвазига қўйиб юборилган. Ҳазинасида тулаш учун қумуш тангаси етмаганлиги сабабли катта ўғли Ковадни Эфталитларга гаровга беришга мажбур бўлган. VI аср бошларига келиб, Эфталийлар сулоласи шу қадар кучайиб кетдики, улар 502 йилда Византияга ҳам юриш қилиб, унга катта талофат етказадилар. 506 йилда икки ўртада тузилган сулҳ шартномаси бўйича Эфталийлар Византиядан катта миқдорда

ўлжа олиб қайтганлар. Коваднинг ўғли Хусров I Ануширвон ҳам 554 йилга қадар Эфталийларга ҳар йили хирож тўлаб турган. Кейинроқ Турк хоқонлигининг Эфталийларга берган кучли зарбаси натижасидагина Эрон Эфталийлар таъсиридан қутулишга муваффақ бўлган.

Эфталийлар даврида давлат якка ҳукмдор томонидан бошқарилган, бироқ тахт отадан болага қолмай, сулоланинг энг лойиқ деб топилган кишисига берилган. Мамлакатни марказий ҳокимият ноиблар орқали идора этган. Давлатни бошқариш қонун-қоидалари бўлган. Мамлакат лашкарини асосан отлиқ аскарлар ташкил этган.

Эфталийлар даврида аста-секин ерга эгалик қилиш тартибида янгича муносабатлар шаклланиб борди. Бу даврга келиб синфий табақаланишнинг кескин кучайиши орқасидан ер эгалари оддий аъзоларини ўз қўл остига киритиб, мулкларини улар ҳисобига кенгайтириб борганлар. Ўзининг чек еридан ажралиб, бу хил мулкдор деҳқонлар таъсирига тушиб, уларнинг ерларида ишлашга мажбур бўлган кишилар кадиварлар, яъни ижарадорлар деб аталган. Шунингдек, эркин жамоа асосида деҳқончилик қилувчи аҳоли-кашоварзлар ҳам мавжуд эди.

Бу даврда Эрон ва Турон ҳудудларида синфий зиддиятлар кучая борди. Йирик мулкдорлар, зодагонлар зулми ва асоратининг ортиши, аҳоли қуйи табақалари ҳуқуқининг поймол этилиши, уларнинг аёвсиз эксплуатация қилиниши пировардида ижтимоий адолат ва ҳаққоният йўлидаги халқ ҳаракатлари, ғалаёнларининг юзага келишига сабаб бўлди. VI аср биринчи чорагида юз берган Маздак кўзғолони бунинг яққол ифодасидир. Маздакчилар “З” ҳарфи билан бошланадиган 4 нарсанинг аҳоли ўртасида тенг баҳам кўрилишини ёқлаб чиққандилар: Замин (ер), Зар (олтин бойлик), Зўрлик (куч-ҳокимият) ва Зан (хотин). Маздакчилар илгари сурган бу хил ғоялардан шуни англаш мумкинки, улар ижтимоий адолат тушунчасини биринчи ўрин-га қўйиб, бунда ер-мулк, бойликларни аҳоли ўртасида баб баробар тақсим-лаш талабини илгари сурганлар. Улар давлат ҳокимияти томонидан фуқаро-ларнинг дахлсизлиги ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, аёллар тенглигини ёқлаганлар. Бироқ ўша даврда, маздакчилик ғоялари-нинг тантана қилиши ёхуд ҳаётга татбиқ этилиши мумкин эмас эди. Шу боис ҳам Маздак кўзғолони тез орада ҳукмрон тузум кучлари томонидан бостирилди.

Эфталийлар даврида аҳолининг бир қисми кўчманчи чорвадорлар бўлиб, улар чорвачилик, йилқичилик билан шуғулланган. Сув ҳавзаси, дарё бўй-ларига яқин ҳудудларда деҳқончилик ривож топиб борди.

Бу даврда янги типдаги кўркам ва гавжум шаҳар-қалъалар вужудга келади. Хоразмдаги Беркутқалъа, Бозорқалъа, Тошкентдаги Оқтепа шулар жумласидандир. Бир неча оилалардан ташкил топган мазкур манзилгоҳлар қалин пахса деворлар билан ўралган.

Эфталийлар даври маданияти хусусида гап борганда шуни қайд этиш лозимки, бу пайтларда ўлкада жуда кўплаб моддий ва маънавий ёдгорликлар бунёд этилади. Варахша шаҳри обидалари, Термиз яқинидаги Болалик тепадан топилган сарой, унинг деворларига ишланган бетакрор тасвирлар, ўймакорлик ва ганжкорлик намуналари-булар ажодларимиз бадий маҳора-тидан ёрқин далолатдир.

Бу даврда ўлкамизда ёзув маданияти ҳам ривож топган. Аҳоли ўртасида кенг тарқалган суғд ёзуви билан биргаликда ундан бир қадар фарқ қилувчи хоразм ва эфталий ёзувлари ҳам қўлланилган. Бу ёзувларда ажодлари мизнинг тарихи, тақдирига оид кўплаб қимматли битиклар, маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, Эфталийларда кишилар турли динларга эътиқод қилганлар. Энг кенг тарқалган дин-зардуштийлик билан бир қаторда, будда дини ҳам анча расм бўлган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли

аввалдан эътиқод қилиб келган Митра, Анахита (каби худоларга ҳам сиғинишган. Эфталийлар урф-одатларида патриархал-уруғчилик тузумининг қолдиқлари сақланиб қолган. Шарқда қадимдан нишонланиб келинган. «Наврўз» ва бошқа байрамлар Бухоро, Самарқанд шаҳарларида кенг нишонланган.

3. Туркий элатларнинг кенг худудларда қадим-қадим даврлардан буён яшаб, ўзларидан муносиб маданий из қолдириб келганлигини жуда кўплаб тарихий манбалар тасдиқ этади. Мўътабар Хитой манбалари, машҳур “Ўғиз нома”, Урхун-Энасой ёзувлари, Култегин битиклари бунга ишончли гувоҳ-лардир. Олтой, Тува ҳамда уларга туташ худудларда турли туркий қабилалар, чунончи, Ашин, Арғу, Ўғиз, Тўққиз ўғиз, Ўттиз татар, Карлук, Китан, Толис, Турк, Уйғур, Тўқри (тоҳарлар), Куриқан, Дуба (туба-тува) ва бошқалар яшардилар.

VI аср бошларида Олтойда сиёсий жараёнлар фаоллашади. Ўша пайтда ҳозирги Мўғулистон ва қисман Хитойнинг шимолий худудлари устидан Жужан хонлиги ҳукмронлик қиларди. Шарқий Туркистон, Фарғона, Сугдиё-на, Хоразм, Бақтрия, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Эрон худудларида эса эфталийлар ҳукмронлик қиларди. VI аср бошларида Узоқ Шарқдан Каспий денгизигача бўлган худудларда ҳокимият тепасида туркий сулолалар турган.

VI аср бошларида Олтойдаги туркий қавмлар орасида Ашин уруғининг мавқеи кўтарилди. Ашин уруғидан Асан ва Туу 460-545 йилларда бошқа уруғларни ўзларига бўйсундирадилар ва Олтойда туркий қабилалар иттифо-қига асос соладилар. Туининг ўғли Бумин Теле қабиласини ҳам бўйсун-диради. Бумин Жужан хонлигига тобеликдан чиқиш учун курашади ва 551 йилда Жужан хони кўшинларини енгиб, уларни ўзига бўйсундиради. Бумин 551 йилда янги давлат-Турк хоқонлигига асос солади. Унинг пойтахти Олтойдаги Ўтуқан шаҳри эди. Хоқонлик тез орада кучайиб, унинг довуғи ортиб борган. У бир неча бор Хитойга юришлар қилиб, унинг бир қанча худудларини босиб олган. Хитой подшолиги Турк хоқонлигига ўлпон тари-қасида йилига юз минг бўлак ипак мато бериб туришга мажбур бўлган. 552 йилда Буминхон вафот этгач, ҳокимиятга унинг ўғли Муғанхон (553-572) ўтиради. Муғанхон 558 йилда жўжанларга сўнгги бор қашатқич зарба бериб, ўз давлати ҳукмронлигини Тинч океанигача бўлган худудларда мустаҳкамлайди. Унинг амакиси Истами (унга “Ябғу”-баҳодир унвони берилган эди) бўлса, бу даврда хоқонлик худудини ғарбга томон кенгайтириб, Еттисув, Қашқар, Урал, Волга бўйлари ва бошқа худудларни эгаллайди.

563-567 йиллар давомида Истами Ябғу кўшинлари эфталийларга кетма-кет зарбалар бериб унинг худудларини, яъни ҳозирги Ўрта Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ерларни эгаллашга муваффақ бўлади.

Турк хоқонлиги 568-569 йилларда ўша даврнинг қудратли давлати Визан-тия билан иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишга интилиб, Сўғд савдогари Манниах бошчилигидаги ўз элчиларини у ерга юборади. Элчилар император Юстиниан II қабулида бўлади. Шундан сўнг Византиянинг Земарх бошлиқ элчилари хоқонлик давлатига келади. Бу эса, у давлатлар ўртасида ўзаро ишонч савдо-тижорат муносабатларини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этган дейишга асос беради.

Турк хоқонлигида бошқарув тартиблари ҳақида гап борганда шуни таъкидлаш керакки, Турк хоқонлари Ўрта Осиё худудларида ҳукмронлик қилсада, бироқ ўзлари бу худудга кўчиб келмадилар. Улар Еттисув ва бошқа худудлардаги марказий қароргоҳларида қолиб, ўзларига бўйсунган худуд-ларни маҳаллий ҳукмдорлар орқали бошқариб, улардан олинадиган солиқ-ўлпонлар ва тўловлар билан кифояланганлар. Бундан кўринадики, Турк хоқонлиги даврида бу худуддаги мавжуд маҳаллий давлат тузилмалари, уларнинг бошқарув тизимлари сақланиб, ички сиёсат бобидаги мустақил фаолиятлари давом этган. Хоқонлик истисно ҳоллардагина ўлканинг ижти-мойи-сиёсий

ҳаётига аралашарди. Бу нарса кўпроқ ташқи сиёсат, халқаро савдо-сотиқ масалаларига дахл этарди. Хитой манбаларида таъкидлангани- дек, Зарафшон, Амударё ва Қашқадарё воҳаларида бу даврда 9 та мустақил ҳокимлик-давлатлар мавжуд бўлган: Самарқанд, Иштихон, Маймурғ, Кеш, Наҳшаб, Кушон, Бухоро, Амул ва Андхой шулар жумласидан дир. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Чоч (Тошкент) ҳокимликлари ўзларига анча мустақил бўлганлар. Бухорхудотлар зарб этган танга пуллар кенг муомалада бўлган.

Турк ҳоконлигининг ғарбий (Ўрта Осиёнинг катта қисмини ўз ичига олган) ва шарқий (Етисув, Шарқий Туркистон, Олтой) ҳудудлари тобора бир-биридан узоклашиб, алоқалари узилиб борганки, Арслон Тўба ҳокон даврида 581 йилда Турк ҳоконлиги икки қисмга-ғарбий ва шарқий Турк ҳоконликларига бўлиниб кетган. Ғарбий ҳоконлик ҳукмдори Қорачуриннинг 588 йилда Эрон билан бошлаган уруши кутилмаганда унинг ўлими ва мағлубияти билан тугайди. Бу ҳол ғарбий Турк ҳоконлигининг кескин заиф-лашувига сабаб бўлади. Фақат VII аср бошларига келибгина ғарбий ҳоконлик яна янгидан ривожланиш сари юз тутди.

Хитойда Тан сулоласи (618-907йил) ҳукмронлиги даврида Турк ҳоконлиги билан Хитой ўртасида фойдали алоқалар кенг йўлга қўйилади. Тан сулоласи 659 йилда Шарқий Турк ҳоконлигини ўзига бўйсундиради.

VII асрнинг иккинчи ярмида анча кучайиб кетган Хитой Ўрта Осиё ҳудудларини ҳам ўз қўл остига киритиш пайига тушади. Бироқ, 670 йилда тибетликлар бош кўтариб, шарқий Турк ҳоконлигини янгидан тиклаган-ларидан сўнг ва бу давлат Хитой учун кутилмаган хавф-хатарни келтириб чиқаргач, эндиликда Хитой Ўрта Осиёга бўлган ўз даъвосидан воз кечиб, бутун диққатини Тибетга қаратади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида Турк ҳоконлиги таъсири тобора заифлашиб боради. Бунга маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ички зиддиятлар, ер-мулк учун ўзаро курашлар ҳам сабаб бўлади. Бу эса пировард оқибатда бу ҳудудларнинг араб истилочилари томонидан босиб олинишига сабаб бўлди.

Ҳоконлик даврида шаҳарлар ҳаёти хийла ривож топган. Хитой манбалари-да тилга олинган Хоразм, Фарғона, Сўғд, Чу водийсида Тупроққалъа, Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Тошкент, Исфара, Кубо (Кува, Косон каби ўша давр-нинг ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ тармоқлари гуркираб ривожланган шаҳарлари бўлган. Буюк ипак йўли бу шаҳарларнинг халқаро савдода фаол иштирок этиши ни таъминлаган.

Бу даврда ҳам юртимизда моддий ва маънавий маданиятнинг янги-янги бетимсол намуналари яратилди. Турли олимлар, мутахассислар баҳсига сабаб бўлган Туркруин, Ўрхун-Энасой ёзуви, Култегин битиклари, Билга ҳокон ёдномаси ва шу сингари ноёб топилмалар турк ёзма маданиятининг қадимий лиги ва ранг-баранглигига гувоҳлик беради.

Турон заминда туркий ёзув билан бир қаторда сўғд ва хоразм ёзувлари ҳам кенг қўлланилган. Сўғд ёзуви 22 та белгидан иборат бўлиб, чапдан ўнгга қараб ёзилган. Шаҳарларда сўғд-турк икки тиллилиги расмий одат бўлган-лиги ҳақида Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” (XI аср) асарида қайд этиб ўтилган. Бу ёзувларда улуғ аждодларимизнинг катта тарихи, бой маданиятига оид мислсиз маълумотлар акс этган.

Турк ҳоконлигида яшаган халқларнинг диний тасаввурлари ҳам турлича бўлган, қўп худоилик ҳукм сурган. Бу эса, уларда турли хил осмоний ва ер жисмларига Қуёш, Ой, Ер-сув, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга сиғиниш-ликни келтириб чиқарган. Осмон худоси Тангри турк қавмларининг энг олий худоси ҳисобланган. Ҳозирги “Тангри” ибораси Оллоҳ номига нисбат сифа-тида қўлланилади. Шу билан бирга ўша даврда яшаган халқлар буддизм, монизм, христианлик динларига ҳам сиғинишган.

4. Ўрта асрлар дунёсида жуда катта из қолдирган, Мағриб ва Машриқнинг кўплаб давлатларини ўзига бўйсундириб, қудратли салтанат даражасига кўтарилган Араб халифалиги ўзининг ижтимоий-тадрижий тараққиёти давомида мураккаб, зиддиятли тарихий жараёнларни босиб ўтган. Ўзида якка худолик ғоясини мужассамлаштирган, ўзаро меҳр-мурувватлик, дўстлик сингари олижаноб фазилатларга даъват этувчи ислом ғоялари ҳар қандай тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф этиб, турли-туман араб қабила қавмлари онги, қалбига йўл топиб, уларни ўзининг яшил байроғи остига бирлаштира борди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570-632) ҳаётининг охирларига келиб кўп сонли араб қабилаларининг ислом байроғи остида бирлашуви негизида Араб халифалигига асос солинди. Муҳаммад ёшлигида етим қолиб бобоси - Қурайш қабиласининг бошлиғи Абдумутолиб қўлида тарбияланади. У даврда қабилавий урушлар, савдо-сотик ишларига катта зарар етказар эди. Бу вазият турли табақа, тоифа кишиларини ягона кучли давлат атрофида бирлашишга чақирар эди. Ўша даврда аҳоли кўп худоликка сиғинишар эди. Ана шундай вазиятда Ислом тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатувчи дин сифатида юзага келди. Ислом-бу Аллоҳ ягона деб эътироф этиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалби билан унга ихлос қилмоқлик, иймон келтирмоқлик демакдир. Бу давлатнинг қудрати Пайғамбаримиз ноиблари чориёрлари- Абу Бакр Сиддик (632-634), Ҳазрати Умар (634-644), Ҳазрати Усмон (644-656) ва Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (656-661) даврида янада ортиб, ҳудудий чегара-лари кенгая борди. Халифалик таркибига Шом, Ироқ, Яман ва бошқа ҳудудлар қўшиб олинди. Уммавийлар даврида (661-750) Араб халифалиги ҳукмронлиги шу қадар катта ҳудудларга ёйилдики, унинг таркибига Ғарбда Миср, шимолий Африка ерлари, Андалузия (ҳозирги Испания), шимоли шарқда Кичик Осиёнинг катта қисми, Эрон ва Ўрта Осиё, шимолий-ғарбий Ҳинд сарҳадлари кирар эди.

Араб халифалигининг истилочилик юришларида Ўрта Осиё ерларини босиб олиш ва унинг халқларини итоатга келтириш, бу ҳудудда ислом динини ёйиш алоҳида ўрин тутди.

VII аср ўрталарига келиб, Эрон ҳудудлари эгаллангач, эндиликда хали-фалик эътибори Хуросон ва Ўрта Осиё ерларини босиб олишга қаратилади. Бунда, Ватанимиз сарҳадларида араблар истилоси жараёни икки босқичда амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Унинг биринчи бос-қичи - VII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу даврда айрим араб лашкарбошилари қўшини Амударё атрофидаги ҳудудларга бир неча бор ҳужумлар уюштириб, бу ерларнинг бойликларини талаб, маълум ўлжаларни қўлга киритиб, ортга қайтганлигини кузатиш мумкин. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад- бу ҳудудларни яқин келажакда босиб олишга тайёргар-лик кўриш бўлган. Масалан, араб лашкарбошилари: Зиёд бин Абу Сўфиён-нинг 666 йилда Марвга юриши, 670 йилда унинг ўғли Убайдулла ибн Зиёд-нинг Амудан ўтиб Бойканд, Ромитан ерларини эгаллаши, сўнгра Бухоро ҳукмдорини енгиб, ўз фойдасига сулҳ тузиб, 675-676 йилларда Саид ибн Усмоннинг янгидан Бухоро ва Самарқанд томон қўшин тортиб келиши ва маҳаллий ҳукмдорларни енгиб, катта бойлик ва кўп сонли асирлар билан Арабистонга қайтиб кетиши - булар Ўрта Осиё ҳудудларини эгаллаш бора-сидаги дастлабки уринишлар эди. Ўлкамизни босиб олишнинг иккинчи, ҳал қилувчи босқичи VIII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Хусусан, 704 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Хуросон ноибни этиб тайинланиши билан унинг зиммасига бутун Ўрта Осиё ҳудудларини узил-кесил босиб олиш вазифаси юкланади. Истеъдодли лашкарбоши Қутайба катта тайёргарлик кўргандан сўнг, 706 йилда Жайхун (Амударё)дан ўтиб Бойкандни эгаллаш сари ҳаракатланади, 707 йилда Кеш, 708-709 йиллари Ромитан, Суғд ер-ларини ишғол қилади. Самарқандни, Бухорони босиб олиб бойликларини талайди. Тошкент, Хўжанд, Шарқий Туркистон ерларини босиб олиб, бу ерларда ўз

хукмронлигини ўрнатади. Араблар маҳаллий халқ қаршилигини енгиб шаҳарни қўлга киритадилар, унинг бойликларини талайдилар. Шу тарика, араблар Мовароуннаҳр (дарё орти) деб ном берган Ўрта Осиё ҳудудлари VIII асрнинг дастлабки ўн йилликлари давомида босиб олинди. Араблар истилочилар сифатида бу ҳудудда маҳаллий аҳолига нисбатан мислсиз зулм ва зўравонлик ўтказдилар. Халқ томонидан асрлар давомида яратилган ноёб моддий ва маънавий бойликлар, осори атиқалар таланди, яксон қилинди. Маҳаллий ёзувларда битилган нодир китоблар, қўл ёзмалар ёндирилди. Зардуштийлик, буддизм динининг кўплаб ибодатхоналари, муқаддас қадамжолари кунпая-кун этилди. Улуғ бобокалонимиз Беруний ўзи-нинг “Ўтмиш аجدодлардан қолган ёдгорликлар” асарида аччиқ алам билан таъкидлаганидек, араблар маҳаллий дин, санъат, адабиёт намояндаларини, олимларни ўлдирдилар, асарларини эса оловда ёндирдилар. Сўнгра улар аجدодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган маҳаллий ёзувлар, тарихий ҳужжатларни йўқ қилдилар. Мусулмончилик динига, ислом ақидаларига зид келадиган жамики нарсалар уларнинг назарида ғайри табиий ҳол ҳисобланиб, улар аёвсиз йўқ қилинди.

Буларнинг ўрнига араблар аҳолидан олинган мўмай даромадлар, тўловлар эвазига ҳашаматли, сервиқор масжиду мадрасалар, хонақолар, мақбаралар барпо этиб, одамларни уларга даъват этдилар. Юртимиз жиловини қўлга олган араб ҳукмдорлари халққа зулму, асоратни кучайтириш мақсадида турли хил солиқ, ўлпонларни жорий этдилар.

Араб халифалиги хазинасига тўланиши мажбур бўлган марказлаштирилган солиқ турлари қуйидагилардан иборат бўлган:

- хирож, даромаднинг учдан бир қисми миқдорида йиғилган;
- ушр, давлат идора ишлари учун даромаднинг 10 фоизи миқдорида олинган;
- жузья-жон солиғи, озиқ-овқат, хомашё ёки пул ҳисобида йиғилган;
- закот, мол-мулкнинг 2,5 фоизи миқдорида олинган.

Ислом дини ва унинг руқнларининг маҳаллий халқ орасида ёйилиши ниҳоятда қийин, мураккаб кечган. Бу жараёнда беҳисоб қурбонлар берилган. Арабларнинг ўзларини хўжалар, саҳобалар, саййидлар, оқ суяклар деб атаб, маҳаллий халққа нисбатан менсимаслик, калондимоғлик билан қарашлари ҳам маҳаллий аҳолида уларга нисбатан нафрат туйғусини кучайтирган.

Сўнгра арабларнинг ўз юртларидан кўп минглаб қабила, уруғларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириб, энг яхши жойларга жойлаштириш, маҳаллий оила-ларни ўз ер-мулкидан маҳрум этилиши ҳам уларга қарши оммавий норози-ликларнинг кучайиб боришига боис бўлди. Масалан, дастлабки пайтлардаёқ, Қурати қабиласининг 5 мингдан зиёд аҳолиси Самарқандга жойлаштирилган. Бухоро, Марв, Пойканд ва бошқа шаҳарларда ҳам масжид ва мадрасалар қуриш баҳонаси билан ерли аҳоли суриб чиқарилиб, уларнинг ерларига ҳам араб қабилалари олиб келиниб жойлаштирилган. Бунинг асл сабаби шундаки, босқинчилар бу бегона ҳудудда кучли ижтимоий таянч нуқта яратиш йўли билан ўз ҳукмронлигини кучайтиришга уринганлар.

Арабларнинг Ватанимиз ҳудудида юргизган зўравонлик ва мустамлака чилик сиёсати, шубҳасиз, ерли аҳолининг турли ижтимоий қатламларининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Бунинг натижасида араблар ҳукмронлиги давомида ўлканинг турли ҳудудларида халқ ғалаёнлари юзага келиб, аланг-ланиб борди. 720-722 йилларда Сўғдиёнада юз берган Ғўрак (Самарқанд ҳукмдори) ва Деваштич (Панжикент ҳокими) бошчилигидаги қўзғолон араб-лар ҳукмронликларига қарши йўналган дастлабки шиддатли халқ ҳаракат-ларидан бўлган. Ватанимиз халқларининг араблар асоратига қарши олиб борган кураши тарихда алоҳида ўрин тутди. 769 йилда бошланган бу қўзғолон ўзининг мақсад, вазифалари, йўналиши, жўғрофий кўлами ва омма-вийлиги билан кескин фарқланиб

туради. Тарихда “оқ кийимлилар” номи билан машҳур бўлган бу қўзғолонга ўз замонасининг ҳар томонлама етук кишиси, халқ дарди, қайғуси ва мақсадларини чуқур тушунган, асл исми Ҳошим ибн Ҳаким, аммо, Муқанна (яъни юзига ниқоб кийган маънода) номи билан танилган буюк шахс раҳнамо бўлди. 776 йилда Марвда бошланган халқ қўзғолонига қадар ҳам Муқанна ҳаётнинг катта машаққатли йўлини босиб ўтган, оддий кир ювувчидан вазирлик даражасига кўтарилган (757-759), уммавийлар сулоласи инқирозига кучли таъсир кўрсатган Абу Муслим қўзғолонида фаол иштирок этган, ижтимоий тенглик, эркин ҳаёт ва адолат ғояларини ўзига сингдирган таниқли сиймо бўлган.

Қўзғолон Марвда бошланган бўлсада, у тез орада Мовароуннахрнинг кенг ҳудудларига ёйилди. Муқанна қўзғолони давомида Самарқанд, Бухоро, Нахшобу, Кеш ҳудудлари аҳолиси ҳам фаол ҳаракатга келди. Уни Илоқ, Шош, Фарғона водийсининг кўпсонли халқи ҳам қувватлаб чиқди. Қўзғолон- нинг бош ғояси-Ватанимиз халқлари, уларнинг асл фарзандларининг муқад-дас юртни ажнабий ҳукмронлардан озод қилиш, унинг мустақил-лигини курашиб қўлга киритиш ғояси тўла куч билан намоён бўлади.

Бир неча йиллар давом этган “Оқ кийимлилар” қўзғолони юртимизнинг озодлик кураши тарихида катта доврў таратди, араб босқинчиларини ларзага солди, уларга сезилари зарбалар берди. Қўзғолон Муқаннага катта мададкор, жанговар сафардош бўлган Ҳаким ибн Аҳмад, Хишрий ва Боғий, Гирдак, Сўғдиёна деган халқ қаҳрамонларини ҳам етиштириб чиқарди. Улар охирги томчи қонлари қолгунга қадар босқинчиларга қарши мардонавор курашди-лар. 780-783 йиллар қўзғолон ҳаракатлари сўнгги ҳал қилувчи паллага киради. Бу даврда Муқанна кучлари Қашқадарёнинг Кеш воҳасида тўплан-ган эди. Қўзғолоннинг бош таянч нуқтаси- Сом қишлоғи ҳам шу жойда бўлган. Албатта, бу вақтга келиб халифалик қўшинлари катта устунликка эга бўлиб, улар маҳаллий аҳолининг юқори табақаларини ўз томонига жалб этиб, қўзғолончиларни табора сиқиб бораётган эди. Муқанна Сомда мустаҳкам-ланиб, ўз тарафдорлари билан сўнгги нафасигача курашди. Пировардида эса, душман қўлида мағлуб бўлмай, ўзини ёниб турган оловга отиб, қаҳрамон-ларча ҳалок бўлади. Бу воқеа Беруний маълумотида кўра, 785 йилда содир бўлган. Гарчанд Муқанна қўзғолони енгилган бўлсада, бироқ у буюк халқ қудратини, агар у бирлашса, уюшса нималарга қодирлигини намоён этди.

Бу қўзғолон халифалик кучини заифлаштирди, бошқа ўлкаларда ҳам озодлик ҳаракатларининг кўтарилишига тўртки бўлади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши туфайли ота-боболари-миз дини-ислом қайта тикланди. Диний арбобларимиз имом ал Бухо-рий, ат-Термизий, ал-Мотрудий, Бурҳониддин, ал-Марғиноний Баҳовуддин Нақш-банд ва бошқаларнинг таваллуд топган кунларининг кенг халқаро миқёсда нишонланиши, зиёратгоҳ жойларга айлантеририлиши, Ислом университети-нинг очилиши, ислом динига нисбатан қанчалик эҳтиром қаратилаёт-ганлигининг исботидир.

Т а я н ч и б о р а л а р и :

Ўзбек давлатчилиги, Кидарийлар, хионийлар, эфталийлар, кашоварлар, Маздак, Варахша, кадиварлар, туркий элатлар, кавмлар, турк ҳоконлиги, бошқарув тартиби, туркий ёзув, суғд ёзуви, Хоразм ёзуви, араблар истилоси, якка худоилик, ислом дини, Қуръон, Ҳадис, солиқлар, миллий озодлик ҳаракати, Муқанна, Қутайба ибн Муслим, Араб халифалиги.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ. 1998 йил.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият- егилмас куч. Т.. Маънавият. 2008 йил
3. Саъдуллаев А, Эшов Б Ўзбекистон тарихи. I қисм. Т., Университет. 1999 йил ., (II нашри).
4. Муртазаева Р.Х Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик Т., Университет. 2003йил

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. Шарқ. 2000 йил.
2. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Т. Фан. 1990 йил .
3. Усмонов Қ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т. 2001 йил.
4. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Лотин алифбосида. Т., 2006й

7 – Мавзу: IX – XII АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ, СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ.

Р е ж а :

1. Тохирийлар ва Сомонийлар давридаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.
2. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар даврида ижтимоий, иқтисодий ҳаёт.
3. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши ва кучайиши.

1. IX аср Ўрта Осиё ҳудудида ҳали ҳам араблар ҳукмронлиги давом этарди. Аммо эрк ва ҳурлик сингари олижаноб тарихий анъаналарга содиқ бўлган бизнинг авлод ва аجدодларимиз араб босқинчиларига қарши курашни бир дақиқа ҳам тўхтатмади ва мустақил марказлашган давлат барпо қилишга интилдilar. Бундай ҳаракат араб истилочиларини ҳам доим таҳлика ва кўркув остида сақлаб турди. Улар жойлардаги ҳатто ўзларидан чиққан ҳукм-дорларга ҳам шубҳа билан қарар эди ва уларга ишонмас ҳам эди.

Ҳатто буни Холид ибн Бармоқ раҳбарлик қилаётган Бармоқийлар мисо-лида ҳам кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бармоқийлар Хуросон ва Мовароуннаҳрни идора қилиш билан чекланиб қолмадилар. Уларнинг таъсири – Марказий араб ҳалифалигида ҳам кучли эди.

Аббосийлар ҳукмронлик қилган даврда қарийб эллик йил давомида давлат идора қилишнинг масъул лавозимлари Балхдан чиққан бармоқийлар қўлида эди.

Аббосийлар бундай масъулиятли лавозимларни бармоқийлар қўлига беришга мажбур бўлсаларда, бироқ уларнинг фаоллашиб бораётганидан кўрқар эдилар. 786-809 йилларда ҳалифалик қилган Хорун ар-Рашид бармоқийлар хонадонига зарба беради. Хорун ар-Рашид ўзига яқин бўлган қишлоқлар аҳолисини ҳам қириб ташлаган. Шу сабабли ҳокимият тепасига бармоқий-лар ўрнига Тохирийлар сулоласи келди.

Ҳақиқатдан ҳам, IX аср бошларига келиб, Араб ҳалифалигида юзага келган бўҳронли вазият, сиёсий танглик, Хуросон ва Мовароуннаҳрда кечаётган зиддиятли жараёнлар, энг муҳими, бу ҳудудда юз берган Рофе ибн Лайс кўзғолони (806-810) мазкур ўлка халқлари учун ҳалифалик тобелигидан қутилиш, юрт мустақиллигини қўлга киритиш йўлида қулай имкониятларни вужудга келтирган эди. Машҳур халифа Хорунар-Рашид (786-809) вафотидан сўнг, ҳалифалик тахтини эгаллаш учун унинг ўғиллари Амин ва Маъмун ўртасида қизгин кураш бошланган эди. Ўртадаги бу можаро фақат тахт ривожига таъсир этмасдан, унга тобе бўлган ўлкаларнинг ривожига ҳам таъсир қилмасдан қолмади.

Хуросон ноиби Маъмун ўз курашида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг нуфузли кучларига таяниб, 813 йилда ҳалифалик ҳокимиятини эгаллади. Ҳатто Маъмун хийла ишлатиб Рофе ибн Лайс кўзғолонини бостиришда маҳаллий феодаллар ҳарбий кучидан фойдаланган эди. Маъмуннинг хали-фалик тахтига чиқишига ҳарбий ёрдам кўрсатган Хуросоннинг нуфузли кишиларидан Тоҳир ибн Хусайн бир неча вақт Бағдод ҳалифалик қўшин-ларига ёрдам қилган эди.

Халифа Маъмун Хуросон ва Мовароуннаҳрда давом этаётган арабларга қарши курашини маҳаллий зодагонлар вакиллари ихтиёрига беришга мажбур бўлди. У шу билан ўлкаларнинг ҳалифаликка тобелигини сақлаб қолмоқчи бўлди.

Шу боис маҳаллий ҳукмдорлар уддабуронлик билан ҳалифалик заифлашганидан фойдаланиб, Хуросонда Тоҳир ибн Хусайн ва унинг авлодлари, Мовароуннаҳрда Сомон Худод ҳокимиятни қўлга олдилар.

Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн 821 йилда Хуросон ноиблигини қўлга киритди. Дастлаб Мовароуннаҳрнинг кўпгина вилоятлари Тоҳир ибн Ҳусайн ихтиёрида эди. Ноиблик маркази Хуросоннинг Нишопур шаҳрида эди. Тоҳир ибн Ҳусайн давлат ишларини мустақил бошқариш мақсадида Халифанинг номини хутба номозидан чиқаришга амр берган эди. Шу боис, унинг сирли ўлими бунга имкон бермади. Унинг ворислари (822-879й) Талҳа, Абул Аббос Абдуллоҳ даврида Тоҳирийлар сулоласининг мустақиллигини таъминлади. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг бир фармонида «деҳқонларни хафа қилмаслик», «деҳқонларсиз хазинага етарли миқдорда солиқ тушмаслиги алоҳида уқтирилган» дейилган. Тоҳирий хукмдорлар йирик мулкдорларни, савдогарларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлар. Биргина 844 йилда солиқни кўпайтириб юборди. Халқ ғалаёнлари бошланиб кетди. Шу боис, 873 йилда касби ҳунарманд мискор бўлган ака-ука Ёқуб ва Амр ибн Лайслар Тоҳирийлар сулоласини ағдариб ташлади. Янги хукмдор Ёқуб шахсий ҳаётда халқ аҳволини яхшилаётган эди. Шунинг учун Саффорийлар сулоласи даврида ҳам солиқ камаймади. Бундай ҳолат Амр ибн Лайс (879-900) даври учун ҳам хос эди. Оқибатда халқ ҳаракати кучайди. Бу ҳаракатлар саффорийлар сулоласини ҳалокатга учратди.

Шу боис, Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласи хукмронлигининг юзага келиши IX аср бошларига тўғри келди. Шу пайтда, халифа Маъмун Мовароуннаҳрни ўзига содик хизмат қилган Сомонхудога топширади. Асад ибн Сомон унинг ўғиллари - Нух Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Яхё Шош ва Устрошонага, Илёс Чоғаниён ва Хиротга ҳокимлик қилади. IX аср ўрталарига келиб Аҳмад ва унинг катта ўғли Наср Сомонийлар Мовароун-наҳрнинг кўпчилик ҳудудларини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Наср Сомоний даврида (865-888) Мовароуннаҳр мавқеи кучаяди. Хуросонда Тоҳирийлар сулоласи ағдарилгач, (873й) унинг таркибига кирган Бухоро ерлари Сомонийлар тасарруфига ўтади. Наср укаси Исмоилни Бухорога (874) ноиб қилиб тайинлайди ва Сомонийлар хукмронлиги Мовароуннаҳрга ёйилади. Бу даврда Исмоил солиқни камайтиради. Ака-ука ўртасида узоқ муддатли уруш бошланади. 888 йилда Исмоил ғолиб келади. Акаси Наср вафот этиб (892) Исмоил Мовароуннаҳрда яна хукмдорга айланади. Шу тариқа ўзбек давлатчилиги қайта тикланади.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилятли, серғайрат ва зукко давлат арбоби эди. У Мовароуннаҳрни мустаҳкамлайди, даштлик қабилаларнинг ҳужумига чек қўяди. 990 йилда Саффорийлар давлатини енгади, Хуросон Сомонийлар қўлига ўтади. Шундай қилиб IX асрнинг охирида Мовароун-наҳрда Араб халифалиги истибдодидан абадий ҳолос бўлган кучли мар-казлашган давлат ташкил топади. Унинг пойтахти Бухоро шаҳри эди. Бу давлатни Сомонийлар хонадонига мансуб бўлган хукмдорлар X асрнинг охириларигача идора қиладилар.

Мовароуннаҳр мустақиллигининг барқарорлиги, авваламбор, марказ-лашган мустаҳкам ҳокимиятнинг қарор топиши билан боғлиқ эди, шунинг учун ҳам Сомоний ихчам давлат маъмуриятини ташкил этади. У подшо ва девонлар-марказий ҳокимиятидан иборат эди. Сомонийлар давлати асосан девони вазир, мустафий, амидал-мулк, соҳиби шурат, соҳиби муаййид, мушриф, мумалликайи хос, мухтасиб, авқоф ва қазо номлари билан юри-тиладиган 10 та девонлар бошқарувида идора этиларди. Улар орасида вазир девони бош бошқарув маҳкамаси ҳисобланар ва давлатнинг маъмурий, сиёсий ва ҳўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб туриларди. Барча девон бошлиқлари вазирга тобе эди. Мустафий девони хазина (молия), қирим-чиқимлар: амидал мулк-давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари: соҳиби шурат-соқчи-боши, сарой навкарлари, унинг таъминоти: соҳиби муаййид-мактубот ва ахборот яъни почта: мушриф-сарой ишини бошқарув чиси: мумалликайи хос-давлат мулклари: мухтасиб-бозор муаммолари: нарх-наво ҳамда фуқароларнинг мафкураси: қазо-адлия: ав-қоф-

масжид ва мадра-саларнинг вақф хўжаликлари билан шуғулланар эди. Вилоятларда мактубот ва ахборот девонидан ташқари, барча девонларнинг вакилликлари бўлган вилоят ҳокимлари баъзан вазир деб юритилган. Ҳар бир шаҳарда раис-шаҳар бошлиғи ҳамда мухтасиб-назоратчиси бўлган.

IX-X асрларда йирик мансабдорларга давлат остидаги хизматлари учун ер ва сувдан иборат бўлган катта-катта мулклар инъом қилина бошлади. Бундай мулклар “Иқто”, унга эга бўлган мулкдорлар “муқто” ёки “иқто-дор” деб юритилган. Сомонийлар даврида Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳарда кўплаб ибодатхона-лар, жомеъ масжиди, хонақоҳ (тартиб хона), намозгоҳлар қурилади. Шарқ-даги илк мадрасалардан бири Бухорода қад кўтарди.

Сомонийлар даврида қишлоқ хўжалиғи, маҳаллий ишлаб чиқариш, хунармандчилик, савдо-сотиқ муносабатлари, шаҳарлар ҳаёти юксалди. Шош, Фарғона ва Хоразм воҳаларида турли хил ғалла экинлари етиштири-ларди, боғдорчилик, соҳибкорлик, полизчилик, пахта етиштириш кўпайиб борди.

Қишлоқ аҳли хом ашёдан ҳар хил ишлов бериш йўли билан турли хил либослар ишлаб чиқара бошлади. Шаҳарларда кўплаб хунармандчилик корхоналари, ўнлаб карвонсаройлар, бозор расталари доимо ишлаб турган.

IX-X асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм ҳудудлари асосан қишлоқ хўжалиғи мамлакати эди. Аҳолисининг асосий қисми суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланар эди. Мовароуннаҳрда кўплаб суғориш иншоотлари, тўғон, дамбалар, каналлар барпо этилади, боғдорчилик маданияти юксалади.

Мовароуннаҳрда мулкнинг қуйидаги шакллари мавжуд эди.

- а) Мулки Султония- давлат тасарруфидаги ерлар.
- б) Вақф ерлари-Масжид, мадраса, хонақоҳ ва мақбараларга вақтинча ва абадий фойдаланиш учун берилган ерлар.
- в) Жамоа ерлари -қишлоқ жамоаларига қарашли ерлар.
- г) Хусусий ерлар.

2. Марказий Осиёнинг ўрта асрлар тарихида муҳим ўрин тутган ва хийла узоқ давр ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, бундан шу нарсани чуқурроқ англамоқ жоизки, ҳозирги Марказий Осиё минтақасининг Еттисув ва Қошғар қисмида янги бир сиёсий сулола кучайиб борди. Булар туркий қабилалар, элатлар орасидан етишиб чиққан Қорахонийлардир, Минтақанинг Шарқий қисмида яшаган бу элат Мовароуннаҳрдаги халқлар билан доимо ёнма-ён яшаб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ва алоқаларида бўлиб, ижтимоий тараққиёт жараёни тезлашувига муносиб таъсир кўрсатганлар. Туркий элатларга мансуб қорлуқлар, чигиллар, яғмолар, тўхсилар, тургаш-лар, арғулар, ябғулар, ўғизлар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқалар нафақат Шарқий Туркистон ва Еттисув кенгликлари бўйлаб, балки шунингдек, Фарғона, Шош воҳаларида, Туркистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам исти-қомат қилганлар. Қорлуқлар тарихига оид “ Худуд ал-олам” китобида нақл қилинишича, туркий элатлар яшаган ҳудудларда гавжум қишлоқлар билан биргаликда, ўзига хос юксак маданий ҳаётга эга бўлган кўплаб шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган. Қорлуқларда ривожланган деҳқончилик билан бирга хунар-мандчилик, чорвачилик, савдо-сотиқ соҳалари ҳам анча тараққий топган.

Бошқа туркий қавмлар ҳам ўзига хос ижтимоий ривожланиш даражасига ва турмуш тарзига эга бўлганлар. Бу эса уларда давлатчилик тизимининг хийла мустаҳкам негизда вужудга келиб, такомиллашиб боришида муҳим аҳамият касб этди. Минтақамизнинг шарқий ҳудудида ҳозирги Етти-сув, Шарқий Туркистон ўлкаларида X аср ўрталарига келиб турли туркий қавм-лар, элатларнинг ўзаро бирикуви ва қўшиливи давомида Қорахонийлар давлати юзага келганлиги бунинг яққол ифодаси бўлди. Бу давлатнинг

таянч негизининг яратилишида айниқса қорлуқ, чигил ва яғмо элатларининг роли ва таъсири катта бўлган. Мазкур (салтанатга) давлатга асос солган сиймо Сотуқ, Абдулкарим Буғрохон (Қорахон) яғмолар қавмига мансуб бўлган, Қорахон сўзининг луғавий маъноси эса туркий қабилаларда “улуғ”, “буюк” деган тушунчаларни англатган.

Бу давлатнинг қудрати юксалиб, у тез орада катта ҳудудларни ўз қўл остига кирита борди. Унинг пойтахти Шарқий Туркистоннинг Боласоғун шаҳри бўлган. Абдулкарим Буғрохон вафотидан кейин (955) унинг ворис-лари даврида Марказий Тянь-Тяньшан ва Еттисув ўлкалари эгалланди. Эндиликда Сомонийлар сулоласи чуқур зиддиятлар гирдобига тушиб қолган эди. Маҳаллий ҳукмдорлар хайрихоҳлигидан фойдаланган Қорахонийлар сулоласининг ҳукмдорлари Хасан ва Наср Буғрохонлар етакчилигидаги қўшин Сомонийлар қаршилигини қийинчилик-ларсиз енгиб, икки бор (992-999) пойтахт Бухорони эгаллайди. Оқибатда, бутун Мовароуннаҳр ҳудудлари Қорахонийлар ҳукмдорлигига ўтади. Бу воқеа XI аср бошларида содир бўлади. Бу жараёни халқ ҳокимият тепасига бир сулола ўрнига иккинчи бир сулоланинг келиши қабилда эътироф этади. Шу тариқа, Қорахонийлар ҳукмронлиги Амударёгача бўлган катта ҳудудларга ёйилади. 1041 йилга келиб Қорахонийлар ҳокимияти иккига: Маркази Бухоро бўлган Ғарбий хонликка ва Маркази Боласоғун бўлган Шарқий хонликка бўлиниб кетади. Кейинчалик хонлик таркибига Талос, Исфи-жоб, Шош, Шарқий Фарғона, Еттисув ва Қошғар ерлари кирган.

Қорахонийлар давлатни эл-юрт ва вилоятларга бўлиб идора қиладилар. Эл-юрт ҳокимлари элоқхон, вилоят ноиблари эса “такин” деб юритилар эди. Улар ҳудудларини мустақил идора қилишга ҳаракат қилардилар. Мовароун-наҳр элоқхони Қорахонийлар элоқхонлари ўртасида катта обрўга эга эди. У одатда Самарқанд тахтида ўтирар эди. Вилоят бошқарув маъмуриятида вазирлар, соҳиб баридлар, мустафийлар хизмат қиларди. Шаҳарлар эса шаҳар ҳокими, раиси ва мухтасиблари томонидан бошқариладди. Элоқхонлар тегишли миқдордаги йиллик хирож ёки тўловларни Марказий ҳокимият ҳукмдори, Тамғачхонга юбориб, амалда ўз мулкини мустақил бошқарганлар.

Қорахонийлар давлатида 4 турдаги ер эгалиги. Мулки султоний- давлат ерлари: иқто-давлат томонидан инъом этилган ерлар: вақф ерлари-масжид ва мадрасаларга тегишли ерлар: мулк ерлари -шахсий ерлар мавжуд бўлган.

IX-XII асрларда шаҳарлар кенгаяди. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент, Боласоғун, Марв каби шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо марказ-ларига айландилар.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда, турли сулолавий урушлар, зиддиятли жараёнларда ўтди.

Салжуқийлар подшоси Султон Санжар (1118-1157) Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмдори Арслонхон (1103-1130) нинг заифлашиб қол-ганлигидан ва маҳаллий рухонийлар фитнасидан фойдаланиб Самарқанд ва унинг атрофини босиб олди. Бироқ, кўп ўтмай, бу ҳудудлар янгидан Шарқдан бостириб келган Қорахитойлар таъсирига тушиб қолди. 1211 йилга келиб, сўнгги Хоразм-шоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200-1220) даврида Қорахонийларнинг Мовароуннаҳраги расмий бошқаруви барҳам топди.

X аср охирларига келиб Мовароуннаҳрда туркий халқлар сулолаларининг мавқеи ортиб борди ва улар бирин-кетин ўз давлатларини ташкил этадилар. Ана шундай давлатлардан бири- Ғазнавийлар давлати эди.

961 йилда Сомоний ҳукмдори Абдулмалик вафотидан кейин ҳокимият-нинг заифлашганидан фойдаланиб, Ғазна мулкини қўлга киритган асли туркий ғуломлардан бўлган салоҳиятли лашкарбоши Алптагиннинг бу ҳудудда янги сулолага асос

солганлиги шундан эди. Бироқ Ғазнавийлар сулоласининг кенг эътироф этилганлиги Сабуқ тегин номи билан боғлиқдир.

Ғоятда салоҳиятли, узоқни кўра билган Сабуқтегин Сомонийлар ичида давом этаётган ўзаро низолардан фойдаланиб, қисқа вақт ичида Қобул дарёси хавзаси ерларини Ғазна вилоятига қўшиб, ўлкада Мустақил ҳукмдорга айланади.

X аср охирида Қорахонийлар ва Сомонийлар уруши кучайгач, сомонийларга мадад бериб, унинг эвазига Хуросонга ҳукмдорлик қилади. Шу тариқа Қорахонийлар ва Сомонийлар ҳукмронлигини йикитади. Мовароуннаҳрни эгаллаган-ларига қадар Амударёнинг Жанубида Сабуқтегин ва ундан кейин ўғли Маҳмуд даврида Ғазнавийлар мавқеи ва давлат бошқаруви тизими кучаяди.

Ғазнавийларнинг энг кучайган даври Султон Маҳмуд (998-1030) вақтига тўғри келади. Ўта истеъдодли саркарда, донишманд ва айёр бўлиб, кўплаб жанглар олиб борди. У қаттиққўл, шафқатсиз бўлиши билан бир қаторда илмли, маърифатли, сифатли қалам тебратувчи шоир ҳам бўлган. Илм фан аҳлига ҳомийлик қилган.

У керак бўлганида юришлар қилди. XI аср бошларида Амударёнинг нариги томонини ўзига олганидан кейин, ўз эътиборини Ҳиндистон, Ғарбда Хуросон ва унинг чегараларига қаратди. У Ҳиндистонга 17 марта юриш қилиб катта миқдорда бойликлар олиб келди. 1019 йилда Кануаджа шаҳрини эгаллаб, ундан катта миқдорда олтин, кумуш ва буюмлардан ташқари, 350 та фил ва 57000 қулни асир олади. Маҳмуд 1008 йилда Қорахонийлар билан тузилган шартномани бузиб, Амударё Шимолидаги Чағониён ва Хутталон вилоят ларини эгаллайди. 1010-1011 йилларда Маҳмуд Ғур вилоятини эгаллайди. Кейин у Хоразмга интилади. У Хоразм шоҳ Маъмуннинг вафотидан фойдаланиб, Хоразмни босиб олади. У Хоразм академиясида ишлаётган Берунийни Ғазнага олиб келади. 1029 йилда Эроннинг Рай шаҳрини эгаллаб, бойликни Ғазнага олиб келади.

Маҳмуд даврида Ғазнада салобатли масжиду мадрасалар, кутубхоналар, шифохоналар, илм масконлари пайдо бўлди. Бу ерда 1011 йилдан бошланган очарчилик аҳволни оғирлаштирди. Мамлакат ичкаридан ҳаробага айлана бошлади. Маҳмуд вафотидан кейин Хоразм ўз мустақиллигини тиклади. Маҳмуд даврида келиб жойлашган Салжукийлар қабиласи Хоразмни ишғол қила бошлади. Маҳаллий аҳоли уларни қўллаб қувватлашди Ғазнавийлар қўшини билан Салжукийлар ўртасидаги биринчи уруш 1035 йилда Нисо шаҳри ёнида бўлиб ўтди. Урушда Салжукийлар ғалаба қилди. Кўп ўтмай, Салжукийлар Нишопурни эгаллади. 1040 йил баҳорида Дан-данакон ёнида (Сарахс билан Марв оралиғи) бўлган Салжукийлар билан бўлган Масъуд Ғазнавий енгилди. Шундай қилиб Ғазнавийлар давлати барҳам топади.

3. Салжукийлар бутун турк дунёсида салмоқли ўрин эгаллайди. Салжукийлар этник ном бўлмасдан туркий ўғиз қабилаларидир. Улар X асрда Сирдарёнинг қуйи этакларида, Орол хавзаси бўйларида яшаган. Улар асосан кўчиб яшашган. “Ўғизнома”да айтилишича, ўғиз уруғлари, қавмлари қадимий тарихга эга бўлиб, уларга илк бор Ўғизхон номи буюк шахс бошчилик қилган. IX аср охири, X аср ўрталарида Орол бўйи ва Каспий денгизи Шимолида ўғиз уруғлари иттифоқи шаклланган. X аср охирида Сирдарё этагида пойтахт Янгикент бўлган Ўғиз давлати ташкил топади. XI асрда улар Шарқдан бостириб келган кипчоқлар зарбасига учради. Шу билан ўғиз уруғларининг бир қисми Шимолга рус даштларига, бир қисми олд Осиё мамлакатларига чекинади. Яна бир қисми эса ҳозирги Туркманлар худудига ўтиб ерли аҳоли билан аралашиб кетди. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотида Ўғизлар 22-34 қабиладан иборат бўлган.

Жумладан: Чавдир, емрели, ичдир, язир, садир, қорадошли, баёт, койи, татурга ва бошқалардан ташкил топган.

Сирдарёнинг қўйи оқимида яшаган ўғиз қабилаларининг дастлабки ёбғуси (сардори) Салжукбек бўлган. Унинг авлодлари Буғрулбек, Довудбек, Чағир-бек ва Шакирбеклар бўлишган.

Ҳозирги Туркия Турклари, Ироқ, Эронда яшовчи Туркманлар, Гагауз, Озарбай жон халқларининг шаклланишида Салжуқий туркларнинг таъсири каттадир.

Сомонийлар ҳукмдорлиги даврида уларнинг рухсати билан Салжуқий қабилалари Зарафшон воҳасидаги Нуротанинг тоғли ерларига келиб ўрнашиб, чорвачилик билан шуғулланишган.

Мовароуннахрни Қорахонийлар сулоласи эгаллаб чорва ерларини банд қилишганидан кейин Салжуқийлар аҳволи оғирлашиб, улар ғарб томонга силжишганлар. XI асрнинг 20-30 йилларида Салжуқий уруғ қабилалари Туркман ерлари орқали Ғазнавийлар ихтиёридаги Хуросон ўлкасига кириб бориши фаоллашади. 1040 йилда Данданақонда бўлган урушда Салжуқий-лар Ғазнавийларни енгиб, бутун Хуросон ерларини эгалайди ва Нишопур шаҳри Салжуқийлар пойтахтига айланади. Туғрулбекнинг 1038-1063 йил-лардаги ҳукмронлик даврида олд Осиё ва Кичик Осиёнинг катта ҳудуд-ларини қўлга киритган.

Бу даврда Салжуқийлар Гургон, Табаристон, Хоразм, Озарбайжон, Қурдистон ҳудудларини, ҳозирги Ғарбий Эрон вилоятларининг бир қисмини, Форс, Кармон вилоятларини эгаллаганлар.

1055 йилда эса халифалик Маркази Бағдод ишғол қилинади. Айни пайтда Византиянинг кавказдаги таъсирига ҳам кучли зарба берилади. Шундай қилиб, Туғрулбек кучли Салжуқий султонлигига асос солади. Унинг вориси Алп Арслон (1063-1072) жаҳонгирликни давом эттиради. Жумладан, у Византия императори Роман IV Диогенни мағлубиятга учратади. У Ўрта денгиз қирғоқларигача бўлган Кичик Осиё ерларини қўлга киритади. Шу тариқа, қудратли Салжуқийлар салтанати Мовароуннахрдан Ўрта ер денгиз-ларигача бўлган бепоён ҳудудларга ёйилади.

Алп Арслон мамлакат пойтахтини Нишопурдан Марвга кўчиради. У ўз подшо-лиги даврининг катта қисмини яна Шарққа-Мовароуннахрнинг Қора-хонийлар таъсирида бўлган жойларни эгаллашга қаратади. Алп Арслон 1072 йилда 200000 кишилиқ қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиш пайтида - ўз чодирда яшаётган маҳаллий қалъа бошлиқларидан Юсуф ал-Хоразмий томонидан кутилмаганда, ўлдирилиб режалари амалга ошмай қолади.

Салжуқийлар қудратининг Мовароуннахр ва Хуросондаги энг кучайган пайти Маликшоҳ (1072-1092) давридир. Маликшоҳнинг тadbиркор, доно вазири Низомул-мулк (асли исми Абу Али ибн Исҳоқ) томонидан жуда кўп ижобий ўзгаришлар амалга ошади. Шу билан Салжуқийларнинг Мовароун-нахрдаги мақоми мустаҳкамланади. Маликшоҳ Балх ва Термиз ҳудудларини Қорахонийлардан қайтариб олади. У Қорахонийлар ҳукмдори Шамсулмулк вафотидан кейин, 1089 йилда Бухоро ва Самарқандни эгаллайди. Янги хон Аҳмадали асир олинади.

Маликшоҳ даврида унинг доно вазири Низомулмулк раҳномолигида ва унинг таъаббуси билан Бағдод, Нишопур, Ҳирот, Балх, Марв каби шаҳар ларда олий мадрасалар очилади. Ёшларнинг таълим тарбияси йўлга қўйи-лади.

Салжуқийларнинг энг сўнгги ҳукмдори Султон Санжар (1118-57) даврида XI асрнинг 40 йилларида Салжуқийлар мавқеига путур кетади.

Шарқдан бостириб келган Қорахитойлар бир вақтнинг ўзида Қорахонийлар ва Салжуқийларга катта ҳавф солади. Султон Санжар 1141 йилда Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида Қорахитойлар билан бўлган жангда қақшатқич зарбага учрайди ва ўзини ўнглаб ололмайди.

4. 1017 йилда Махмуд Ғазнавий томонидан забт этилиб, ўз мустақилли-гидан махрум бўлган Хоразм, кўп вақт ўтмай, Салжукийларга қарам бўлиб қолади. Салжукийлар ҳукмдори Маликшоҳ ўз маъмурларидан Ануштакинни Хоразмга ноиб қилиб тайинлайди.

Унинг вафотидан кейин Кутбиддин Муҳаммад (1097-1127й) ноиблик қилади. Хоразмнинг мустақиллик учун кураши XII асрнинг II ярмидан бошланади. У Кутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Отсиз (1127-1156) номи билан боғлиқдир. У даставвал Отсиз туркман ва қипчоқларни ўзига бўйсиндиради, бир неча бор Султон Санжарга (Салжукийлар ҳукмдори) қарши исён кўта-ради. Шундай қилиб у Каспий денгиздан то Сирдаёнинг ўрта оқимига қадар ерларда кейинчалик буюк давлат сифатида шуҳрат топган Хоразмшоҳлар давлатининг пойдеворини барпо этади.

Отсиз сиёсатини унинг ворислари Элбарсхон (1156-1172й) ва Алоуддин Такаш (1172-1200) давом этдирди. XII аср ўрталарида Ўғизлар исёни нати-жасида Салжукийлар давлати парчаланиб кетади. Натижада Кичик Осиё Форс, Озарбай-жон, Хуросон мустақилликни қўлга киритади. Бу Хоразмнинг ҳукмдорлик доирасининг кенгайишига олиб келади. Алоуддин Такаш 1187-1193 йилларда Нишопур, Рай ва Марв шаҳарларини босиб олади, 1194 йилда Эронни Хоразмга буйсундиради. Шундай қилиб у Хоразмшоҳлар ҳоким лигини барпо этади, Хоразм ҳудудларини икки баро-бар кенгайтиради.

Унинг ўғли Султон Муҳаммад ҳам Хоразмни кенгайтириш сиёсатини давом эттирди. У даставвал Хуросонни тўлиқ эгаллайди. Қорахонийларга зарба бериб Мовароуннахрни улар қўлидан тортиб олишга ҳаракат қилди. Бу даврда Мовароуннахр вилоятларинг турли сулолавий хонадонлар томонидан бошқариладди, меҳнаткашларни аҳволи оғир эди. Султон Муҳаммад 1206 йил Бухородаги кўзғолонни бостиради ва Бухоро Хоразмга бўйсиндирилади. 1210 йил Ўзганни эгаллайди. Самарқанд ҳукмдори Усмон ибн Иброҳим билан биргаликда Еттисувга юриш қилади. Натижада, Еттисувга қадар бўлган ерлар Хоразмга бўйсундирилади. Шундай қилиб XII асрнинг бош-ларига келиб Хоразм буюк давлатга айланади. Унинг шимолий-ғарбий чега-раси Орол ва Каспий денгизи соҳилларидан Жанубий ғарбда Ироққа қадар борар эди. Шимолий чегараси эса Еттисув ва Дашти Қипчоқдан ўтар эди. Ягона марказлашган давлатнингташқил топиши ижобий ҳолат эди. Лекин давлат ҳудудида маҳаллий ҳукмдорлар, йирик мулкдорлар бошбошдоқлик хара-катини давом эттирар эдилар. Халқнинг аҳволи ҳам оғир эди. Шунинг учун ҳам бу давлат кўп яшамади, мўғуллар ҳужумига бардош беролмади.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Араб босқини, Ўрта Осиё ҳудудлари, Ҳукмронлик даври, Эрксевар халқ, Ватан мустақиллиги, Халифалик, Амин ва Маъмун, Ўлка ривож, Удабурон ҳукмдор, Тоҳирийлар сулоласи, Ибн Ҳусайн, Деҳқонсиз хазина, Саффорийлар, Мовароуннахр, Муносабат ўрнатиш, Қишлоқ хўжалиги, Шаҳарлар, Туркий элатлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Туркистон. Хоразмшоҳлар, Отсиз, Эларслон, Алоуддин, Такаш, мулки султония, Сомонийлар, Қорахитой, Исмоил Сомоний, туркий қавмлар, халқ кўзғолонлари, давлат бошқаруви.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

1. Каримов И.А. Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги табрик сўзи. “Халқ сўзи”. 1997 йил 21 октябр
2. Каримов И.А. Истиқол ва маънавият. Т., Ўзбекистон., 1994 йил

- 3.Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008йил
- 4.Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият., Т., Шарқ. 1997 йил
- 5.Ўзбекистон тарихи (дарслик) Т., 2003 йил 165-190 бетлар.
- 6.бекистон тарихи (I қисм) Т. “Университет”. 1999 йил 132-190 бет.
- 7.Наршахий. Бухоро тарихи. Т. “Мерос”. 1991 йил.
- 8.Усмонов К ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (I-қисм). Т. 2002 йил 107-130 бетлар.
- 9.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ. 1998йил

Қўшимча адабиётлар :

- 1.Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. Т. “Ўқитувчи”. 1997 йил 171-234 бетлар
- 2.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи.Дарслик. Лотин алифбосида. Т., 2006 йил
- 3.Абу Наср Форобий Фозил одамлар шахри. Т., 1997 йил
- 4.Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., Ўқитувчи.
- 5.Самарқанд тарихи. I жилд. Т. “Фан”. 1970 йил

8 – Мавзу: ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА IX- XII АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН (РЕНЕССАНС) УЙҒОНИШ ДАВРИ. АЖДОД- ЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.

Р е ж а :

1. Мовароуннаҳрда моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишини таъмин этган тарихий-шарт шароитлар ва илм –фан тараққиёти.
2. Бадиий адабиёт ривож. Меъморчилик, санъат ва мусиқа.
3. Ислом маданияти. Ўрта Осиёлик ҳадисшунос олимларнинг бебаҳо мероси.

1. Араб истилочилари Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмни босиб олгач, ҳамма ерда бўлгани каби ўлкамизни ҳам қаттиққўллик билан бошқаришга киришди-лар. Улар бу борада ислом дини, Қуръони Каримдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Араб тилини, Ислом дини ва Қуръони Каримни яхши эгаллаган киши-ларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошди. Маҳаллий тилда ёзилган китоблар йўқ қилинди, ерли билимдонлар қувғин қилинди. Араб тилига нисбатан ҳаётий эҳтиёжни кучайтирди.

Араб тили ва ислом дини бўйича мукаммал билим ва малакага эга бўлган-лар араб ҳалифалигининг марказий шаҳарларига бориб ўқиш одат тусига кириб борди.

IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий маданият-нинг ривожланишида аввалги даврларга нисбатан юксалиш (уйғониш) даври бўлди. Араб халифалиги Ўрта Осиёни босиб олиб ислом динини кенг ёйиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни халифалик қоидаларига бўйсун-дирган эди. Бундай ҳолат араб тили ва ёзувининг кенг ёйилишига имкон берди. Мовароуннаҳрда мустақил: Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳ-лар давлатларининг ташкил топиши, улардаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва маданий ҳаётга ҳам таъсир кўрсатди. Турон замин улус ва элатлари истиқомат қилган ҳудуднинг араблар истилоси ва асоратидан халос этилиши, ўз мустақиллик мақомига эга бўлиши юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига ижобий таъсир этди. Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳ лар сулоалари ҳукмронлик қилган IX-XII асрларда Мовароуннаҳр сарҳад-ларида яшаган улус-элатлар ўртасида нисбатан осойишталик, тотувлик, яқинлик ва ҳамжиҳатлик вужудга келдики, бунинг орқасида ўлкада моддий ишлаб чиқариш, маданий ривожланиш жараёни анча тезлашди, шаҳарлар ҳаёти юксалди, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ўсди, аҳоли фаровонлиги кўтарилди борди.

Мовароуннаҳр шаҳарларининг жўғрофий нуктаи назардан Буюк ипак йўлининг энг муҳим туташ нукталарида жойлашганлиги, шу боис бу ерда ишлаб чиқарилган, етиштирилган ҳар турли зироатчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари, заргарлик, зеб-зийнат молларининг айирбош қилиб турилганлиги орқасида ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти жиддий юксалишга юз тутди Буюк ипак йўлига туташ аҳоли манзилгоҳларида обод ва кўркем шаҳарлар вужудга келди. Жумладан, биргина Хоразм воҳасида X аср бошларида 10 га яқин шаҳарлар мавжуд бўлса, XI аср ўрталарига келиб бундай шаҳарлар сони 40 тага етди.

Сомонийлар ҳукмронлик қилган IX-XI асрларда ишлаб чиқариш тармоқлари тўхтовсиз кенгайиб борган, кўплаб ирригация иншоотлари, суғориш каналлари, сув айирғичлар қурилиши натижасида деҳқончилик маданияти анча ўсади. Сомонийлар пойтахти Бухорога ҳар томондан олиму дониш-мандлар, сайёҳу тижоратчилар, меъмору

хунармандлар оқиб кела бошлаган. Тарихчи Абу Мансур Ас-Саоли бийнинг (961-1038) ибораси билан айтганда, Бухоро сомонийлар давридан бошлаб “шон-шухрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган (жой) эди”. Маҳаллий ҳукмдорлар амри, фармони билан шаҳарда кўплаб ноёб тарихий обидалар, илмий-маданий масканлар, кутубхоналар, мадрасаю масжидлар, хонақая мавзолейлар барпо этилди.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривож топиб борди. Халқ ичидан чиққан маҳаллий усталар, меъморлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар, мискорлар томонидан юрт довуғини оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, санъат намуналари бунёд топди. Булар жумласига Бухорода қад ростлаган машҳур Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Самарқанд яқинидаги Тим қишлоғи-даги Араб ота мақбараси (977-978 йй), XI асрда Марвда барпо этилган Султон Санжар мақбараси, Ўзгандаги Қорахонийлар мақбараси, Ғазна яқи-нида мармар кошинлардан тикланган ғазнавийларнинг маҳобатли ёзги саройи (1112й), Бухородаги Минораи Калон мақбараси (1127й) сингари ноёб архитектура иншоотларини нисбат бериш мумкин. Ўша замонларда халқаро карвон йўли ўтадиган чўлли, сахроли ҳудудларда маҳаллий ҳукмдорлар фармойиши, саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган, муҳим қулайликларга эга кўркам, обод работлар, сардобалар, карвон-саройлар ва шу сингари масканлар ҳам улуғ аجدодларимиз ижодкорлиги ва бунёдкорлигини ўзида мужассам этади.

Бу даврларда барпо этилган мухташам мадрасаю хонақоҳлар, илм-урфон масканларида юртнинг қанча-қанчалаб иқтидорли фарзандлари олимлар, мудар-рислар, уламолар раҳнамолигида диний ва дунёвий билимларни кунт билан ўрганганлар ва аста-секин фан чўққилари сари кўтарилиб борганлар.

Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар сулоларига мансуб маърифатпарвар ҳукмдорларнинг илм-фан ва маданиятга доимий рағбат бериш-лари орқасида кўплаб истеъдод соҳибларининг салоҳияти, ижоди ўсиб, юксалиб борган. Ўша давр ҳукмдорлари ташаббуси билан бунёд этилган ва фаолият кўрсатган кутубхоналарда сон-саноксиз ноёб, қимматбаҳо китоблар, қўлёзмалар тўпланганки, булардан ҳозирги авлод кишилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг ўсишида ислом мадания тининг аҳамияти катта бўлди. Ислом фақат дингина эмас, балки янги маънавий йўна-лиш сифатида бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий-маданий, маърифий алоқаларнинг кучайишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бу даврда маънавиятда хурфикрлилик, ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устунлик қилди. Диний ва дунёвий илмлар узвий боғлиқ ҳолда ривож топиб борди. Қадимги юнон, ҳинд ва бошқа юртлар анъаналаридан ҳам кенг ижодий фойдаланилди.

X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср бошларида Хоразмда вужудга келиб, кенг фаолият кўрсатган машҳур Маъмун академияси илм-фан равнақига ижобий таъсир этди. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ сингари илм пешволари ҳам дастлаб шу фан масканида улғайиб, камолот босқичига кўтарилганлар.

Хуллас, IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ҳудудларининг иқтисодий ва маданий юксалиши, унинг Буюк ипак йўли орқали хорижий эллар билан алоқаларда бўлиши, илму урфон сарчашмаларига кенг йўл очилиши булар-нинг ҳаммаси, шубҳасиз, жонажон ўлкамиз ҳаётида шундай қулай шарт-шароитларни, омилларни вужудга келтирдикки, бунинг натижасида бу минта-қадан ўз ёрқин ижоди, улкан илмий салоҳияти билан жаҳон цивилизацияси хазинасига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб забардаст олиму

донишмандлар, алломалар, мумтоз адабиёт даҳолари етишиб чикди ва оламга дов-руф таратди.

2. IX-XII аср фан ва маданиятининг равнақини Абу Райхон Берунийсиз (973-1048) тасаввур этиш қийин. У шоҳ Маъмуннинг энг яқин маслаҳатчиси бўлган. Беруний ўзининг асарларида Коперникдан V аср илгари оламнинг маркази Ер эмас Қуёшдир деган хулосани чиқарди, ернинг Қуёш атрофида айланишини биринчи бўлиб ўртага қўйди. Берунийнинг энг йирик шоҳ асари «Ҳиндистон» дир. У Ҳинд маданияти ва фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Оллоҳ назари теккан муборак юрт заминидан етишиб чиққан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Наршахий, Абу Абдулло Хоразмий, Маҳмуд аз-Замах шарий, Бурхониддин Марғиноний каби комусий билим эгалари илм-фаннинг турли соҳаларини бойитдилар.

Буюк математик олим Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-7500 номи фан тарихида алоҳида ўрин тутади.

Олим “Ҳисоб ал-жабр ва ал-Муқобала” “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб”, “Қуёш соатлари ҳақида рисола”, “Астрономик жадваллар” сингари асарлари билан “Алгебра” фанига асос солди. Унинг арифметика рисоласи Ҳинд рақам ларига асосланган бўлиб, ҳозирги пайтда фойдаланаётган ўнлик ҳисоблаш системасининг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Алломанинг “ал-Хоразмий” номи “Алго ритм” шаклида фанда абадий муҳрланиб қолди. Хоразмий яратган Зиж Оврупада, ҳам Шарқда астрономия фанининг ривожланиш йўллари белгилаб берди. Хоразмийнинг фундаментал “Китоб сурат ал-арз” номли географияга оид асари, араб тилида кўплаб географик асарлар яратишга замин яратди. Унинг “Китоб ат-тарих” асари Мовароуннахр, Хуро-сон, Кичик Осиё халқларининг VIII-IX асрларга оид тарихини ўрганишда муҳим манба бўлди. Бағдодда Маъмун академиясини бошқарган даврида унинг истеъдоди ёрқин номоён бўлди.

Туркистонлик буюк алломалар орасида Аҳмад ал- Фарғонийнинг номи алоҳида кўзга ташланиб туради (795-865). У Фарғонанинг Кува шаҳрида туғилган. Илм йўлида юриб кўп мамлакатларда бўлган. Фарғоний Ер шари ҳаритасини тузишда, Сурия шимолида Синжор саҳросида ер меридианининг бир даражасининг узунлигини ўлчашдаги ёхуд Мисрнинг Нил дарёси суви сатҳини ўлчашда улкан хизматлари бор. Унинг “Астрономия асослари ҳақида китоб”, “Устурлаб яшаш ҳақида китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола”, “Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида”, “Ал-Хоразмий”, “Зижининг назарий қараш ларини асослаш” номли китоблари жаҳон фанининг хазинасидир. Шу боис Фарғоний Шарқда ҳам Ғарбда ҳам улуғланиб келади.

Уйғониш даври даҳоларидан бири Абу Наср Форобий (*873-950) дир Юртдошимиз, фалсафа соҳасидаги бетимсол хизматлари билан “Ал- Муал-лим ас - Соний”- “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин) “Шарқ Арас-туси” номи билан машҳурдир.

Илм фанга бўлган ҳавас Форобийни ўз туғилган она юрти Фороб-Ўтрорни ёшлик чоғидан тарқ этиб, илм масканлари ҳисобланган Эрон ва Арабистон шаҳарларига бориб, бир умр илм-фан билан шуғулланишга ундайди.

Унинг табиий ва ижтимоий фанларга оид 160 дан зиёд асарлари мавжуд. Унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар.

2. Фаннинг турли соҳаларига оид асарлар. Форобийнинг “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”, “Фалсафага изоҳ-лар”, “Катталарнинг ақли ҳақида сўз”, “Ёшларнинг ақли ҳақида китоб”, “Жон (рух) нинг моҳияти ҳақида рисола”, “Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз”, “Муסיқа ҳақида китоб”,

“Хаттотлик ҳақида китоб”, Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”, “Фозил одамлар шахри”, “Уруш ва тинч турмуш” сингари асарлари алло-манинг кизиқиш доираси, маънавий оламнинг кенглигидан нишонадир.

Ўрта асрларда Ватанимиз шарафини ўзининг бекиёс дунёвий асарларида улуғлаган, астрономия, физика, математика, геология, геодезия, география, минерология тарих сингари фанлар йўналишида мислсиз кашфиётлар қилган қомусий билим эгаси Абу Райхон Берунийдир. Хоразмлик бўлган бу аллома умр бўйи илм билан машғул бўлиб, бебаҳо асарлар яратди. Жумладан, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хоразмнинг машхур киши-лари”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Минералогия”, “Сайдана”, “Астро-логияга кириш”, “Астрономия қалити”, “Жонни даволовчи Қўёш китоби”, “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар”, “Ибн Сино билан ёзишмалар” сингари тарихий китоблар жаҳон хазинаси дурдонасидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз даврининг етук алломаси ва фан фидойиси сифатида машхурдир. У Бухоронинг Афшона қишлоғида табиб бўлиб, танила бошлайди. Унинг номи Сомонийлар саройида ҳам машхур бўлган. У қайси ерларда яшамасин, табиблик билан шуғулланган. Ибн Сино нинг 450 дан ошиқ асарлари бўлиб, бизгача 160 таси етиб келган. Ибн Синонинг араб тилида ёзилган 5 жилди, “Тиб қонунлари” асари, тиббиётга доир беназир асардир.

Олимнинг тиббиётга доир 22 жилдни ташкил этган “Китоб уш -шифо” (Шифо китоби) асари ҳам мавжуд. У бошқа соҳада ҳам баракали ижод қилган. Унинг “Донишманднома”, “Инсоф китоби”, “Нажот китоби”, “Тайр ҳиссаси”, “Соломон ва Ибсол”, “Ҳай ибн Яқзол” каби фалсафий асарлари, 10 жилдли “Араб тили китоби” ва бошқа китоблари ҳам машхурдир.

Тарих илмининг беназир алломаси Муҳаммад Наршахий (899-950) ўзининг “Бухоро тарихи” асари орқали ўз даврининг илм соҳибидир. Китобда арабларнинг Туркистонни босиб олиши, машхур Муқанна кўзғолони, Сомонийлар давридаги давлат бошқарув тизими, пул муносабатлари, солиқ тизими, Бухоронинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид маълумотлар акс эттирилади. Бухорода суғориш тармоқлари, шаҳарсозлик, ободончилик тўғрисида маълумотлар берилади.

Ўз замонасида тилшунослик, қонуншунослик, ҳадисшунослик, мантиқ соҳаларида асарлар ёзган Қаффол аш-Шоший (903-976) ижоди ҳам кўп қирра-лидир. Алломанинг “Қозининг феъл атвори”, “Баҳс одоби”, “Диалек тика гўзаллиги” каби асарлари унга шон-шухрат келтирган. У шеърят соҳасида ҳам ўз услуби ва йўлига эга бўлган етук ижодкордир. Кўҳна Хоразмлик, Ўрта Осиё уйғониш жараёнига таъсир кўрсатган олим Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144) номи ҳам улуғдир. Унинг “Нотиклик асослари”, “Хутбалар ва ваъзлар” баёнида олтин шодалар”, “Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни”, “Арузда ўлчов” (“Меъзон”, “Ниҳоясига етган масалалар”, “Нозик иборалар”) каби 50 дан ортиқ асарлари шарқда эътироф этилган.

Шундай қилиб Туркистон худудида юз берган уйғониш даврида ажойиб олимлар етишиб чиқдики, улар жаҳон фанининг турли йўналишларида бетакрор кашфиётлар, мўъжизалар яратдилар. Шу сабабли улуғ аجدодлари-мизнинг руҳи, сиймоси ҳамиша қалбимизда.

3. Туркистонда уйғониш даври маданияти хусусида гап борганида, унинг муҳим таркибий қисми халқ даҳоси маҳсули бўлган бадий адабиёт ва унинг ажойиб намояндаларининг серқирра ижоди тўғрисида тўхталиш лозим.

Ўлкамизнинг ноёб тарихий тараққиёти жараёнида бу даврда бир томондан расмий тил мақомига айланган араб тилида, иккинчи томондан форс-тожик тилида ва ниҳоят учинчидан миллий тил сифатида шаклланиб, ривожланиб келаётган туркий (эски ўзбек)

тилда нафис адабий асарлар яратилиб, маънавиятимиз хазинаси бойиб борди. Бу, минтақамизда яшаган халқлар, элатларнинг катта бетакрор ютуғи эди.

IX-XII асрлар адабий жараёнининг ривожига жиддий ҳисса қўшган бадий сўз қадрини юксакка қўтарган даҳо адиблар талайгина. Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Хусрав сингари азим сиймолар номлари беихтиёр кўз ўнгимиздадир. Уларнинг ҳар бирининг мангуликка муҳрланган ҳаётбахш ижоди неча асрлар силсиласидан ўтиб, ҳамон кишилар шукуҳи, қалбига эстетик ҳузур, қувонч бағишлаб, уларни юксак орзу мақсадлар сари илҳомлантириб келади.

Туркий (Эски ўзбек) адабиёт шаклланишининг илк сарчашмаларида турган ўтмишдош адибларимизнинг йирик намоёндаларидан бири Аҳмад Юғнакий дир (VIII аср).

У Самарқанд атрофларидаги қишлоқларнинг бирида туғилган. Адибнинг «Ҳақиқатлар тухфаси» асарида (484 мисрадан иборат) инсон шахсияти, унинг одоби-тарбияси, камолоти билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларнинг ўрин олганлиги, улар тўғри, ҳолис ва эҳтирос билан ёритилган. Аҳмад Юғнакий билимнинг инсон ҳаётидаги бекиёс ўрнини улуғлаш, одамларни билимли, маърифатли бўлишга даъват этади. Билим эгаси вафот этганида ҳам унинг номи қолади, билимсиз киши тиригида ҳам ўликдан фарқи йўқдир. Билим туганмас бойликдир.

Эски ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Маҳмуд Қошғарийдир (XI аср). Унинг ижоди ҳам Туркистонда уйғониш даври маданий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг мероси ўш давр бадий адабиёти ривожига ҳам, туркий халқларнинг этник таркиби, географик жойланиши, уларнинг ранго-ранг урф-одатлари, удумлари, ўзига хос анъаналари, тўй-маъракалари ва бошқа кўплаб ҳаётий жиҳатларини ўрганиш, илмий тадқиқ этишда ҳам катта аҳамият касб этади. Алломадан бизга қадар етиб келган ягона асари “Девону луғатит-турк” (“Турк тилининг луғати”) асарининг бой мазмуни билан танишиш кишини юқоридаги ҳулосага олиб келади. “Девон” да 7500 дан ортиқ туркий сўз ва ибораларнинг изохлари берилган.

Маҳмуд Қошғарийи замондоши Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) ижоди ҳам ўзига хос бадий сайқали, юксак маҳорати билан ажралиб туради. Адиб номини халқаро машҳур қилган нарса, бу унинг туркий тилда битилган “Қутадғу билиг” (“Бахт ва саодатга элтувчи билим”) асаридир. Ушбу китоб туркий халқлар, элатлар ҳаёти ҳақида ёзилган асар бўлиб, унда даврнинг жуда кўп ўта муҳим муаммолари, ахлоқ, одоб ва маърифат масалалари катта маҳорат билан ёритилган.

Бу китоб кўҳна Шарқда “Адабус мулук”, “Зийнатул умаро”, “Шохномаи туркий”, “Пандномаи мулук”, номлари билан машҳурдир. Бу китобни турли номлар билан аташ, унинг ҳаммабоп, ўқимишли, ибратли асар эканлигидан далолат беради. Бу асарда қўтарилган ҳаётий масалалар турли элатлар ва миллатларга мансуб одамлар қалби, дилига яқинлигидан яққол далолат беради.

Туркий адабиётнинг юксак парвозини Аҳмад Яссавий (1041-1107) ижоди-сиз тасаввур этиб бўлмайди.

У тасаввуф илмининг беназир пешвоси, “Яссавия” тариқатининг асос-чиси, чуқур маърифий, дунёқарашлик мазмунига эга бўлган дурдона асар “Ҳикматлар”нинг муаллифидир. Туркий адабиётнинг гўзал намунаси “Ҳик-матлар”да Яссавий таълимотидан поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, Оллоҳ таоло висолига етишиш йўлида инсонни улуғлаш каби умумин-соний қадриятлар ифоланган.

Бу даврда форсийзабон адабиёт ҳам ривожланди. Бу ўринда зукко шоир Абу Абдуллох Рудакий (860-941) ижоди алоҳида кўзга ташланиб туради. Баъзи олимларнинг фикрига кўра форс-тожик тилида 1,3 млн мисра лирик шеър ёзган. Шундан 1000 байт

шеърӣй асарлари бизгача етиб келган. Уйғониш даври адабиётининг даҳо санъаткорларидан Абулқосим Фирдавсий (940-1030) дир. Уни дунёда машхур қилган бетакрор “Шохнома” асаридир. Асар 60000 байтдан иборат. Унда Эрон ва Турон халқларининг минг йилликлар қаърига кириб борган тарихи, тақдир-қисматлари, мислсиз қаҳрамонликлари катта маҳорат билан ёритилган.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда меъморилик санъати юксалди. VIII асрда юз берган тушқунликдан сўнг шаҳарлар кенгайиб ободон-лашди, меъморилик ривожланди, хашаматли бинолар қад кўтарди, уларнинг ташқи қиёфаси ҳам ўзгарди. Баланд пештоқли ёки чортоқли, томи гумбазли хашаматли бинолар ҳамда ўймакор ғиштлардан қурилган миноралар шаҳарларнинг кўркига айланди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган ва Марв шаҳарларда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора хонақоҳ тим ва карвонсаройлар қурилди.

Бухородаги Исмоил Сомоний, Зирабулоқ яқинидаги Аработа, Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбаралари, Бухородаги Намозгоҳ, Минораи Калон, Вобкент ва Жарқўрғон миноралари ўша давр меъморичилигининг намуналаридандир.

X асрдан бошлаб бинокорликда синчори иморатлар кенг тарқалади. Шу даврда наққошлик ва ўймакорлик санъати ҳам ривожланади. Иморатни ўй-макор устун ва тусунлар, дарвозаларни бўёқли ва ганчкорли нақшлар билан безаш кенг тарқалади.

IX-XII асрларда мусиқа санъати ҳам ғоят тараққий этади. Халқ орасида кўшиқ жанри кенг тарқалади. Бу даврда созандалар руд, танбур, кўбуз, рубоб, най, сурнай, карнай, қўшнаи каби чолғу асбоблардан фойдаланганлар. Мусиқа санъати поэзия ҳамда мусиқашунослик илми билан узвий боғланган ҳолда тараққий этади, нодир асарлар яратилади.

4. IX-XII асрлар маънавий ҳаётида ислом дини муҳим роль ўйнайди. Бу даврда мусулмон Шарқда кенг, жаҳон дини даражасига кўтарилган ислом дини ва шариат мусулмон дунёсининг мафқурасига айланади. Араб-лар истилоси ва ҳукмронлиги Ўрта Осиё халқлари учун аввало ҳалокатли оқибатлар, мислсиз вайронагарчилик олиб келди. Шу билан бирга бу юртга ислом дини кириб келди. Ерли халқнинг аста-секин ислом динига кириши, одамзод аҳли учун яқкаю-ягона Оллоҳни таниши, унга, унинг расули (элчи-си) Мухаммад Алайҳи вассалламга эътиқод бўлаши, итоат қилиши, муқад-дас китоб “Қуръони Карим”ни қабул қилиши, унинг илоҳий сўзлари, оятларига, тамойилларига амал қилиши-булар ислом маданиятининг диёри-мизда шаклланишига асос бўлди. Ўша даврда Евроосиё, Африканинг катта ҳудудларига ёйилган ислом ва унинг таълимоти туфайли Ўрта Осиё халқлари ўзларининг тор, биқик ҳолатидан чиқиб, кенг мусулмон дунёси билан туташдилар. Ўлка аҳолиси араб фани, маданияти, маънавияти билан яқиндан танишиш, улардан баҳраманд бўлиш имкониятларига эга бўлди. Бу ҳол, шубҳасиз, ўлканинг кенг оламга юз тутишига боис бўлди. Бунинг орқасида маҳаллий халқ орасидан жуда кўплаб илм фанга иштиёқманд ёшларнинг араб ва ажам мамлакатларига бориб, диний ва дунёвий билимларни эгал-лаши, замонанинг ҳар томонлама етук, билимдон, маърифатли олиму уламолари бўлиб етишишларига кенг йўл очилди. Худди шундай кенг уфқлар, имкониятлар кашф этилганлиги боис ҳам улуғ аждодларимиз: Форобий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари алломалар жаҳон кезиб, машаққатлар билан илм ўрганганлар, етук комил инсонлар бўлиб етишганлар.

Шу билан биргаликда ўлкага исломнинг кириб келиши ва у билан боғлиқ ҳолда яқка ҳудудлик ғояси ғалаба қозониши, ягона Оллоҳ номининг эътироф этилиши, ўз навбатида маҳаллий халқлар, элатлар бирлиги, аҳиллиги ва жипслилигига сезиларли таъсир кўрсатди. Юксак инсонпарварлик, дўстлик, бирдамлик, ўзаро меҳр-оқибатлик, мурувватлик, маънавий поклик ростгўй-лик, бир-бирини қўллаб қувватлаш туйғулари

билан суғорилган Қуръони Карим оятлари, ғоялари руҳи Ўрта Осиё халқларининг маънавий камолотига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Юртимизда исломий маданиятнинг қарор топиб, илдиз отиб бориши унинг улуғвор ғоялари, асл мақсадларини кенг ташвиқот тарғибот қилиш, айниқса, ҳадис илмини тадқиқ этиш кучайиб бордики, бу борада заминимиздан чиққан бир қатор буюк муҳаддис олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳи вассаллом номи ва зоти шарифнинг муборақ сўзлари билан боғлиқ “Қуръони Карим” оятлари, мазмуни, моҳия-тини тушуниш ва англаб етишга муҳим калит бўлиб хизмат қиладиган ҳадисшунослик илми IX асрда жиддий ривож топди. Бутун мусулмон ола-мида энг ишончли манбалар деб тан олинган 6 та ишончли ҳадислар тўплами (ассихоҳ асситта) худди шу даврда яратилди. Улар орасида “Ҳадис илмида амир ал-мўминин” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом Исмоил ал-Бухорий (810-870) номи ёрқин кўзга ташланиб туради. Юксак ақл-заковат соҳиби ал-Бухорий Шарқнинг йирик илмий ва маърифат марказларидан бири Бухорои шарифда туғилиб ёшлигидан диний билимларни чуқур эгаллайди. 16 ёшлик давридан бошлаб, у мусулмон дунёсининг кўплаб шаҳарларини кезиб, ҳадис илмининг сиру-асрорларини билиш, уларни тўплаш ва тадқиқ қилиш учун тинимсиз саъй-ҳаракатларда бўлади. Бу ҳақда унинг ўзи “Миср, Шом, Месопотамияга икки мартадан, Барсага тўрт марта борганман. Хижозда 6 йил яшаганман Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча борганим ҳисобини билмайман “ деган экан.

Имом Бухорий ўз сафарлари давомида турли шаҳарлардаги 90 га яқин устозлардан таълим олган.

Имом Бухорий ҳам сон-саноксиз шогирдларга устозлик қилган. Имом Бухорий гўзал инсонийлик сифатларига эга бўлиши билан бирга унинг хотираси ўткир бўлган. Манбаларда 600.000 яқин ҳадисларни ёд билгани қайд этилган. Ал-Бухорий кейинги насллар учун ўзидан катта бой илмий мерос қолдирган унинг қаламига мансуб асарлар 20 дан ошади. Бу асарлар орасида “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари мукамаллиги, аҳамиятининг бениҳоя-лиги билан ажралиб туради.

Аллома ибн Салоҳнинг ёзишича, ал Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та, такрорланмайдиган ҳолда, эса 4000 ҳадисдан иборат. Энг муҳими бу ишни биринчи ал-Бухорий бошлаган бўлса, кейинчалик бошқа олимлар унга эргашиб, ҳадислар тўплаганлар.

Алломанинг “Ал-жомеъ ас саҳиҳ” асари асрлар давомида бутун мусулмон дунёсида юксак қадрланиб дастуриламал кўлланма бўлиб келмоқда. Унинг 1325 йилда кўчирилган 8 жилддан иборат мукамал нусхаси ҳозир Истанбул (Туркия)да сақланмоқда. Асарда ифодаланган меҳр-муҳаббат, саҳийлик очик-кўнгиллик, катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, бева-бечора ларга ҳиммат, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, покизаликка даъват этувчи юксак инсоний фазилатлар, олий жаноб туйғулар ҳамиша инсонларга маънавий куч қудрат бағишлаб туради.

Унинг бу асари (4жилдда) она тилимизда илк бор нашр этилди. 1998 йил нинг октябрида алломанинг 1225 йиллиги кенг нишонланди. У дафн этилган Ҳартанг қишлоғида унга бағишлаб ёдгорлик мажмуа барпо этилди. Унинг бу асари Қуръони Каримдан кейин иккинчи манбадир. Имом ал-Бухорийнинг замондоши ва шогирди, ўз даврининг машҳур алломаси Абу Исо Муҳаммад-ат Термизий (824-892) ҳам ҳадисшунослик илмини юксак босқичга кўтарган ёрқин сиймодир. У ўрта асрлар даврининг йирик маданий маркази саналган Термиз шаҳри атрофидаги Буғ қишлоғида- (ҳозирги Шеробод тумани) тавал-луд топган, минтақамизнинг Урганч, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида билим олган. У Шарқ мамлакатларига саёҳатга чиқади. Ироқ,

Исфахон, Хуросон, Макка, Мадина каби шаҳарларида илмал-қи-роат, илм албаён, фикх, тарих, айниқса ҳадис илмларидан ўша даврнинг йирик алломаларидан таҳсил олади.

Ат-Термизийнинг бизгача илмий мерос бўлиб, етиб келган "Ал-Жомий", "Жамловчи", "Ҳадислардаги оғишмалар", "Ҳадислардаги ихтилоф ва бахслар ҳақида рисола", "Ат-тарих" каби асарилар мавжуд.

Ат-Термизийнинг Ал-Жомий" асари ҳадис илми бобида бта ишончли тўплам-лардан бири сифатида ниҳоятда ноёб ҳисобланади.

Унинг яна бир асари "Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари" асари бўлиб, бу асар Пайғамбаримизнинг шахсий ҳаётлари бўлиб, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 та ҳадиси шарифни ўз ичига олади. Мазкур асар муста-қиллик йилларида 1991 йили "Шамоиلى Мухаммадий" номи билан ўзбек тилида нашр этилди.

Бу даврда исломда кўплаб йўналиш, мазҳаб ва фирқалар пайдо бўлади. X асрда исломнинг суннийлик, хусусан, Абу Ханифа (Имом Аъзам) томонидан Ироқда асос солинган Ханафия мазҳаби Хуросон ва Мовароуннаҳрда ривожланади. XI-XII асрларда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, ди-ний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар диний- ҳуқуқ тизим сифатида шаклланади. Бу борада Мовароуннаҳр уламолари самарали фаолият кўрса-тадилар. Бурхониддин Марғинонийнинг "Ал-Хидоя" асари бунинг ёрқин мисолидир. Ислом таълимоти, шариат аҳкомлари ва илму маърифатга эътибор янада кучаяди, қатор мадраса ва масжидлар пайдо бўлади. Дастлаб-ки мадраса Бухорода X асрда бино қилинади, XII асрда қонуншунослар учун "Фақихлар мадрасаси" қурилади. Бундай олий илмгоҳларда асосан ислом динининг асосий манбалари - Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва араб тилини мукаммал ўрганишга катта эътибор берилган.

Ислом динининг равнақида Бухоро марказга айланади, кўплаб етук фикх-шунослар, одил қозилар, зоҳид имомлар етишиб чиқади. Бу даврда ислом дини ва мафкурасининг кучайиши кўп жиҳатдан сўфийлик таълимоти-тасаввуф тариқати-нинг кенг ёйилиши билан боғлиқ. Тасаввуфнинг Мова-роуннаҳрда кенг ёйилишида Юсуф Хамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Нақшбандларнинг роли жуда катта. Туркистонда XII асрда тасаввуфнинг Яссавия, XII асрда Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия йўналишлари ривожланган.

IX-XIII аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда содир бўлган ўта мураккаб сиёсий вазиятнинг тадрижий ривож ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мамлакат аҳолисининг маданий ҳаётига ҳам кучли таъсир этди. Мовароуннаҳр ҳудудларини араблар истилоси ва асоратидан халос этилиши, бу ерда яшаётган халқларнинг мустақиллик мақомига эришиши Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразм-шоҳлар давлатларнинг ташкил топиши ва юксалиши натижасида ўлка сарҳадларида яшаган, улус - элатлар осойишта, тотув яшаб, шаҳарлар ҳаёти анча юксалди. Савдо-сотик, хунарманд-чилик ўсди, аҳолининг фаровонлиги юксалди.

Мовароуннаҳр шаҳарларининг жуғрофий нуқта назардан Буюк Ипак йўли-нинг энг муҳим туташ нуқталарида жойлашганлиги боис, бу ерда ишлаб чиқилган, етиштирилган ҳар турли зироатчилик, чорвачилик, хунарманд-чилик маҳсулотлари нинг айрибош қилиб турилганлиги орқасида улканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти жиддий юксалишга юз тутди. Буюк ипак йўлига туташ бўлган аҳоли манзилгоҳларида обод ва кўркем шаҳарлар вужудга келди.

Сомонийлар ҳукмронлик қилган IX-XII асрларда ишлаб чиқариш тармоқ-лари тухтовсиз кенгайиб борган, кўплаб ирригация иншоотлари, суғориш каналлари, сув айирғичлар қўрилиши натижасида деҳқончилик маданияти анча ўсади. Сомоний лар давлатининг пойтахти Бухорога ҳар томондан олиму-донишмандлар, сайёҳу-

тижоратчилар, меъмору-хунармандлар кела бошлаган. Тарихчи Абу Манн-сур Ас - Саолибийнинг (961-1038) айтишича, Бухоро Сомонийлар давридан бошлаб “шон-шухрат” макони, салтанат қаъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган жой эди. Маҳаллий ҳукмдорлар амри, фармони билан шаҳарда ноёб тарихий обидалар, илмий-маданий масканлар, кутубхоналар, мадрасалар масжидлар, мавзалеи-лар барпо этилди.

IX-XII асрларда Мовароуннахрда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривож топиб борди. Халқ орасидан чиққан маҳаллий усталар, меъморлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар, мисгарлар томонидан юрт довуғини оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, санъат намуналари бунёд топди. Жумладан, Бухорода қад кўтарган машҳур Исмоил Сомоний макбараси (Хаср), Самарқанд яқинидаги Тим кишлоғидаги Араб ота макбараси (977-978 йй), XI асрда Марвда барпо этилган Султон Санжар макбараси, Узганддаги Қорахонийлар макбараси, Ғазна яқинидаги Мармар кошинлардан тикланган ғазнавийларнинг ёзги саройи (1127й) сингари ноёб архитектура иншоотларини айтиш мумкин. Уша даврларда ҳукмдорлар фармойиши, саъй ҳаракатлари билан арим қулайликлар яратилган. Йўловчи лар учун кўркем обод работлар, сардобалар, карвонсаройлар бунёд этилган.

Бу даврда барпо этилган мухташам мадрасалар хонақоҳлар, илм-урфон масканларида юртнинг кўплаб иқтидорли ёшлари олимлар, мударислар, уламолар раҳномаслигида диний ва дунёвий билимларни кунт билан ўрга-ниб, аста-секин фан чуққилари сари кўтарилган.

Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар сулолаларига мансуб маърифатпарвар ҳукмдорларнинг илм-фан ва маданиятга доимий рағбат беришлари орқасида кўплаб истеъдод соҳибларининг салоҳияти, ижоди ўсиб, юксалиб борди. Ҳукмдорлар ташаббуси билан бунёд этилган кутубхоналарда сон-саноксиз ноёб китоблар, қўлёзмалар тупланган.

Бу даврда маънавий хурфикрлилик, ҳар қандай билим, илм фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устунлик қилди. Диний ва дунёвий илм-лар ривожланди.

X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср бошларида Хоразмда вужудга келиб, кенг фаолият кўрсатган Маъмун академияси илм-фан равнақиға ижобий таъсир кўрсатди. Беруний, Ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ каби алломалар шу масканда улғайиб камолотға етишган.

Т а я н ч и б о р а л а р и :

Ислом таълимоти, машҳур ҳадисшунослар, (Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий) “Байт-ул-хикма” X-XII асрлар, моддий ва маънавий маданият, илм-фан равнақи, алломалар, жаҳон цивилизацияси, ҳазина, бебаҳо ҳисса, араб ёзуви, турк тили, форс тили, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур, Мотирудий, Рудакий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, М. Замахшарий, Марғиноний, меъморчилик, санъат, мусиқа, наққошлик тасаввуф -суфийлик, кубровия, яссавия.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., “Ўзбекистон”.1994 йил
- 2.Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008 йил
- 3.Азизхужаев А. Давлатчилик ва маънавият. Т. Шарқ. 1997 йил.
- 4.Саъдуллаев А,Эшов Б. Ўзбекистон тарихи (1 қисм) Т., Университет. 1999 йил. 152-162 бетлар.
- 5.Усмонов Қ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 1-Қисм. Т.,2002 йил.133-135 бетлар
- 6.Муртазаева Р. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Т., 2003йил. 191-220 бетлар

9-МАВЗУ: МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ВА ЗУЛМИГА ҚАРШИ КУРАШ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ.

Р е ж а :

1. Мўғуллар босқини арафасида Хоразм шохлар давлати ва унинг мўғул давлати билан муносабатлари.
2. Мўғуллар босқини. Жалолиддин Мангуберди жасорати.
3. Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият, ҳўжалик ҳаёти ва халқ кўзғолонлари.
4. Чиғатой улуси ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

1. Чингизхон лашкарлари томонидан юртимизнинг забт этилиши билан халқимиз тарихида тўртинчи бор қарамлик даври. (XIII аср 20 йилларидан 1370 йилгача) бошланади. Чингизхон ва унинг авлодлари нафақат Туркистонни, балки ўша, замондаги дунёнинг маъмур-ободон ўлкаларининг аксарини босиб олишга муваффақ бўлгандилар. Улар асос солган салтанат Марказий Европадан Япон денгизигача, Ўрта ер денгиздан Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олганди.

Муғуллар ҳақида Хитойнинг Тан сулоласи солномасида илк бор маълумот берилади (618-908). Мўғул атамаси ҳалигача илмий исботга эга эмас. X-XI асрларда Амударё бўйларида яшаган 16 та уруғларга бўлинган (татарларнинг) таркибий қисми сифатида уларнинг бир уруғидан мохэ (муғул) қаби-ласи вужудга келган дейилади.

XII асрлар ўрталарида Байкал кўли, ҳозирги Мўғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва тунгус-манчжур қабилаларининг кўпчилиги муғуллар бош-лиғи Есугай баҳодир таъсирига ўта бошлайдилар. Унинг вафотидан сўнг ўғли Темучиннинг таъсири кучаяди.

У давлатни бошқаришда ҳарбийлашган тизимга асосланди: ўн жангчига бир бошчи, шунингдек 100, 1000 ва туманбошилар бошчилик қиларди. Темучин бу туманларни, вилоятларни бошқаришни ўғиллари: Жўчи, Чиға-той, (Ўқтой) Ўгедей, Тулуйхонларга топширди. Қурултойгача (1203) ҳали бир тизимга эга бўлмаган қонунлар тўплами вужудга келган эди. Унда мўғулларнинг урф-одатлари, анъаналари патриархал ҳарбий тузумни ўзида акс эттирган эди. Унинг асосий йўналишлари:

1. Ҳукмдор (хон) қонунга итоат этиши хусусида қасамёд қилиш.
2. Диний эркинлик берилиши.
3. Аёллар наслини давом эттирувчиси сифатида уруш вақтида уларнинг гуноҳларини кечиши.
4. Ўлим жазосини қўллаш.
5. Босиб олинган халқларга раҳм-шафқат қилмаслик.

Чингизхон 10 та олий ҳокимият лавозимини таъсис этади, 150 кишидан иборат шахсий гвардия (кейинчалик уларнинг сони 10 минг кишигача етказилди). Шарқда у XIII аср бошларига келиб кучли давлат тузди

Ўша даврда Хоразмшоҳ ўзини «Искандари самий», «Худонинг ердаги сояси» деб билар, аммо амалда унинг сулоласи ичидан емирилмоқда эди. Унинг сиёсатидан онаси Туркон Хотун ва қавмлари ҳам норози эди. Махаллий ҳокимлар, амалдорлар ўртасида ҳам сотқинлик авж олиб бора-ётган эди. Бундай вазият Чингизхонга қўл келди. Айни чоғда у баҳона ахтариб ўз савдогарларини (450) кишилик қарвонни совғалар (тилло-кумуш) билан Хоразм шохига юборади. Улар Ўтрорга келиши билан Хоразм-шохнинг буйруғи билан қарвон йўқ қилинади. Бу воқеа Чингизхоннинг ўйлаган мақсадини амалга оширишини тезлаштирди.

1219 йил Ўтрорга хужум бошланди. Мудофаа 5 ой давом этади. Шаҳар ҳокими Инолхон шаҳарни сақлаб қолишга қанчалик уринмасин, Муҳаммад Хоразмшоҳ сиёсатидан норози бўлган химоячиларнинг ярми Қорача Ҳожиб бошчилигида муғулларга таслим бўлди.

1220 йил катта қушин билан Чингизхон Бухорога келади, 12 кун ичида шаҳарни эгаллайди. Шаҳарнинг маданий-меъморчилик ёдгорликлари оёқ ости қилинади, минглаб аҳоли хунарманд-меъмор, фозил-олимлар-Муғулис-тонга олиб кетилади. **Бухородан сўнг Самарқандга юриш бошлайди. 5 кунлик жангдан сўнг ҳукмдорларнинг масъулиятсизлиги, ўзаро идти-фокнинг йўқлиги туфайли Самарқандни ҳам эгаллайдилар, шаҳар тала-нади, 30 мингга яқин аҳоли қул қилиб олиб кетилади.**

Чингизхон ўз нигоҳини Хўжандга қаратди. Хўжанд ҳокими Темур Малик бошчилигидаги мудофаа кучлар 5 ой мобайнида душманга зарба бериб ўз юртини химоя қилдилар, аммо иложсиз ҳолда ёнаётган шаҳар қалъасини тарк этишга мажбур бўладилар. Улар махсус кемаларда Сирдарёдаги оролчага жойлашиб душманга мардларча зарба бериб турди. Темур Малик Хоразм ва она юртининг бошқа ҳудудларини химоя қилишда давом этди. Хоразм пойтахти Гурганж қамали 7 ой давом этди. Мўғуллар бу ерда мислсиз вахшийликларни, яъни болаларни қилич билан йўқ қилди, тўғонни очиб бутун шаҳарни сув остида қолдирди. 1221 йили у бирин-кетин Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Хирот шаҳарларини босиб олди. Бу даврда вазият жуда оғир эди. Ана шундай оғир вазиятда мамлакатнинг катта қисми мўғуллар томонидан истило этилган, Султон мамлакатни ўз ҳолича ташлаб қўйган бир вақтда тарих сахнасида Жалолоддин пайдо бўлди. Бувиси Туркон хотун томонидан ҳокимиятдан четлатилган бўлса ҳам отаси унга алоҳида муҳаббат билан қарар ва ўзидан узоқлашиб кетишини хоҳламас эди. 1220 йил ўзи қувғинликда вақтида Хоразмшоҳ Султон ўлими олдидан Жалолоддинни тахт вориси деб эълон қилиб султонликни унга топширади. Шоҳ шу йили вафот этади.

2.Хоразмшоҳ Муҳаммаддан тахт ворислиги ва валиаҳдликни олган Султон Жалолоддин Темур Малик билан бирга 300 та кишини йиғиб Хуросонга йўл олади ва бутун хайрихоҳларни ўз атрофига тўплаб, Ватанни душмандан озод қилишга киришади. Ниҳоят 1221 йил Синд дарёси бўйида уч кунлик ҳал қилувчи жанг бошланади. Чингизхон Жалолоддинни тириклайин қўлга олишга бўйруқ беради. Жалолоддин қўшинни ёриб чиқиб, Синд дарёси бўйига етиб келишга муваффақ бўлади ва оти билан сувга сакраб, дарёнинг нариги бети -Ҳиндистон томон сузиб ўтади. Тарихчиларнинг (Рашидиддин) ёзишча Жалолоддиннинг жасоратига қойил қолиб, Чингизхон ўз ўғилларига қарата: «Отанинг фақат шундай ўғли бўлиши лозим. У оловли жанг майдонидан ўзини қутқариб, ҳолакатли гирдобдан нажот қирғоғига чиқдим, ундан ҳали улуғ ишлар ва қиёматли исёнлар келади? » - деди ва унинг орқасидан таъқиб этишни таъқиқлади. Дарёнинг у томонига ўтиб олган хоразмликларни маҳаллий Ҳинд Шатрани кириб ташлаш учун етиб келади. Фақат Жалолоддиннинг қаҳрамонона ҳаракати туфайли Шатра ўлдирилади, қўшини орқага чекинади. Тез орада Дехли Султонлари Жалолоддин ҳоки-миятини тан олишади.

1223 йилнинг охиригача Хиндистонда бўлиб, Хоразмийларнинг азалий ери бўлган Ироқ ва Эронни ўзига қаратишга отланади.

У мўғулларга қарши биргаликда кураш олиб бориш мақсадида Бағдод халифалари аз-Зоҳир (1225-1226), Туркистон маликаси Расуда ва бошқа-ларга мурожаат қилади. Лекин уларнинг кўпчилиги Жалолоддин ҳокимияти кучайиб кетишидан қўрқиб, у билан иттифок тузмайдилар. 1227 йилнинг охирларида муғуллар Эронга бостириб киришларига Жалолоддин катта тайёргарлик қўрди. Муғулларнинг 2000 кишилиқ қушинлари тор мор эти-либ, улардан 400 таси Исфаҳонда қатл этилди. 1228 йил 25 августда Тайнал нуён бошчилигидаги муғуллар билан Исфаҳон ёнида ҳал қилувчи жанг бўлиб, у ғолибликни қўлга киритди.

1230 йил 10 августида Кўния Султони, Химс хокими, Ҳалаб хокими ва Байнас хокимларининг бирлашган кучлари Жалолиддинни мағлуб этади. У (Ҳозирги Туркиянинг Сильван вилояти) Айнаддар қишлоғига келади. У ерда у ўзини Султон деб таништиргандан сўнг курдлар уни ўлдирмайдилар. Аммо бошқа бир курд ўлган иниси хуни эвазига Жалолиддинни ўлдиради, бу воқеа тахминан 1231 йилнинг август ойида бўй беради.

Жалолиддиннинг халқ учун, Ватан учун мустақиллик йўлида олиб борган кураши ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эгадир. « Урганчи босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган. Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубҳасиз, албатта, - деганди Президентимиз И.А.Каримов .

3. Муғуллар истилосидан кейинги давр Мовароуннахр ва Хоразм халқи ҳаётини ифодалаш ғоят даражада оғир эди. Гуллаб, яшнаб турган шаҳар ва қишлоқлар ёндирилди, ҳаёт издан чиқди, аҳолиси гавжум бўлган воҳалар, бўш бўлиб қолди. Марвдаги сув билан шаҳарни таъминловчи-Султон банд, Самарқанддаги сув тўғонларининг ҳаммаси Чингизхоннинг буйруғи билан бузиб ташланди. Натижада, деҳқончилик бўлмаган, савдо йўллари издан чиқ- қан, илм-фан, маданият намоёндалари ҳам хор-зорликка маҳкум этилган. Халқдан оладиган ўлпону солиқларнинг миқдори йил сайин ортиб борган, Солиқлар хонлар томонидан зўровонлик билан ундирилар эди. Бу давр ай-ниқса хунармандларнинг ҳаёти оғир бўлган. Тирик қолганлари ўз юртида маҳаллий хонларнинг мулки сифатида ишлатилар эди.

Муғулларнинг Мовароуннахр ҳудудларини босиб олиб халқни талаши, халқдан ҳар хил солиқларнинг олишини, ўлпон ва тўловлар тўлашга мажбур этиши натижасида халқ кўзғолони келиб чиқишига сабаб бўлди. Ана шун-дай кўзғолон 1238 йилда Бухорода Маҳмуд Торобий бошчилигида бошлан-ган. У ўз атрофига минг-минглаб оддий меҳнат аҳлини тўплайди. Улар Бухорога келиб муғул амалдорларини, маҳаллий зодагонларни енгиб шаҳар- ни эгаллайдилар. Кўзғолончилар муғулларни Карманагача қувиб бордилар. Шу жангда 10,000 та муғуллар қириб ташланди. Аммо бу зафар кўзғолончиларга қимматга тушди, чунки шу жангда Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубийлар халок бўлади. Кўзғолонни бостиришда сусткашлик қилган деб Маҳмуд Ялавочни амалидан четлаштириб Мовароуннахрдан чиқариб юбор ди. Мовароуннахрга шундан сўнг унинг ўғли (Маҳмуд Яловоч) Масъудбек тайин этилади, бу кўзғолоннинг муҳим сабоқларидандир. Бу кўзғолон халқимиз тарихида ўзига хос из қолдирди. Бу озодлик кўзғолони босқин- чилар қанчалик шафқатсиз тузум ўрнатмасинлар халқ ҳар доим ўз она Ватанни озодлиги йўлида курашдан қўрқмаслигини кўрсатди, кўзғолондан кейин муғуллар солиқ ва ўлпонларни тартибга солишга ҳара-кат қилдилар.

Масъудбек (1238-1289) Мовароуннахрдаги иқтисодий юксалишни савдо-сотиқнинг жонланишига анча ҳаракат қилди. У ўзининг таъсири билан муғул улуг ҳоконлари Гуяукхон (1246-1248), Мангухон (1251-1260), Олғуйхон (1261-1266) ларни Мовароуннахрга нисбатан тинчлик ўрнатишга кўндира билди. У пул ислохотини ўтказди. Бу эса савдо-сотиқ ва хужалик ишларини юритишда муҳим ўрин эгаллади.

Масъудбек даврида Бухоро, Самарқанд, Хужанд, Тошкент, Термизда савдо-сотиқ, хунармандчилик ривожланиб борди.

4. Чингизхон босиб олган ҳудудларни ҳаётлигидаёқ ўғилларига тақсимлаб берган эди. Иртиш дарёсининг ғарбий ерлари, Сирдарёнинг қуйи оқими, Хоразмнинг шимоли-ғарби тўнғич ўғли Жўжига, Еттисув, Мовароуннахр ерлари 2 чи ўғли Чигатойга, Ғарбий

Муғулистон ва унга туташ ўлкалар 3 чи ўғли Ўқтойга берилди. Кенжа ўғли Тулуй (Туле) га Шимолий Муғулис-тонни мерос қилиб берди.

Шундай қилиб Еттисув, Мовароуннахр ерлари Чигатойга берилиб Чига-той улуси деб аталарди.

Мўғул хукмдорлари Мовароуннахрни бошқаришга киришар экан, улар халқдан кўплаб солиқ ва ўлпонлар олишга ҳаракат қилдилар. Бу мақсад-ларини амалга оширишда улар шу ерлик сотқин, хоинлар хизматидан усталик билан фойдаландилар. Улар қаторига Маҳмуд Яловоч, Хасан Хожа, Али Хужа, Амидларни киритиш мумкин. Улар мўғул хукмдорлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишган. Шу боисдан ҳам Ўгадой (1227-1241), Мова-роуннахр хукмдори Чигатой (1227-1241) бу ҳудудларни йирик савдогар, сотқинлар эвазига муғуллар ишончини қозонган Маҳмуд Яловоч тасар-руфига бергани бежиз эмас. У маҳаллий аҳолидан куйидаги солиқларни олган.

1. Калон ёки ер солиғи.
2. Қопчур-чорвачилик ва мол бошидан олинадиган солиқ.
3. Тарғу-хунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқ.

Мўғуллар, батамом ҳуқуқсиз қуллар меҳнатидан ҳам фойдаланишар эди. Улар хукмронлиги даврида ер эгалиги ҳолати ўзгариб мўғулча суюрғол номини олган. Бу даврда давлат, мулк (хусусий ерлар) вакф (диний идоралар ихтиёридаги ерларда кўпинча чорвакор деҳқонлар меҳнат қилишган. Бир қисми ижарадор ўрта ҳол деҳқонларга берилган. Мовароуннахр ҳудуд-ларида юз берган ўзгаришларда Чигатой улуси ташаббуси билан мўғул шахзода-ларининг 1269 йилда Талас водийсида қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда мўғул хонлари, аслзодаларига қаерда яшашларидан қатъий назар, маҳаллий аҳоли ҳаётига, турмуш тарзига аралашмаслик, белгилаб қуйилган солиқ, тўловлар билан қаноатланиш, экин майдонларини пайхон қилмаслик мажбуриятини юклади. Уларни Мовароуннахр ерларига кўчиб, аста-секин ўтроқ ҳаётга ўта бошлашга даъват этди. XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб муғулларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан муносабатлари кескин ўзгариб борди.

Бундай ҳолат туркий уруғ-қавмларнинг Мовароуннахрга келиб жойла-шишига сабаб бўлди. XIV асрдан бошлаб Чигатой улусида муғл хонлари бошқарувида муҳим ўзгаришлар бўлди, Чигатой хонларидан бири Кебекхон (1309, 1318-1326) Мовароуннахрга кўчиб келиб қароргоҳини Насаф шаҳри ёнида барпо этди. Кейинчилик бу сарой ўрнида Қарши шаҳри юзага келди. Кебекхоннинг укаси Оловиддин Тармаширин (1326-1334) Кебекхоннинг сиёсатини давом эттириб, ташқи ва ички савдонинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиб берди. У исломни қабул қилиб, уни давлат дини дара-жасига кўтарди.

Чигатой хонларининг сўнгги вакилларида бири Қозонхон (1334-1346) Мовароуннахр ҳудудларининг бирлигини сақлаш, тубжой аҳоли манфаат-ларини ҳимоя қилиш учун курашди. У мўғул амирларининг фитнаси оқиба-тида 1346 йил қатл этилади. Хокимият тепасига келган амир Қозоғон (1347-1358) аввалги хонлардан фарқ қилиб мўғул зодагонларининг манфаатларини кўзлаб сиёсат юргизади. Бундай ҳолат сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келади. XIV асрнинг 40 йилларида Чигатой улуси икки қисмга: Еттисув, Фарғонанинг шарқий қисми, шарқий Туркистон Мўғулистонга, Фарбий улус яъни Мовароуннахрга бўлиниб кетди.

Босқинчилар азалдан цивилизация ўчоғи бўлган, аجدодларимизнинг ақл-заковати билан бунёд этилган бетакрор обидаларни қанчалик йўқотмасинлар бари бир халқнинг ижодкорлик салоҳиятини синдира олмадилар. Олдинги мавқеини тиклаган Самарқанд, Бухоро, Шош, Термиз шаҳарларида илм-фан, айниқса тарихшунослик соҳасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Ўрта Осиё халқлари орасидан бадиий адабиётнинг юксак намоёндалари етишиб чикди. XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган

Жалолиддин Румий, (1207-1272), Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1219-1293), Хусров Дехлавий ларнинг (1253-1325) жаҳон адабиётида ўрни муҳимдир. Ж.Румий ўзининг 36 минг байтдан иборат «Маснавий-маънавий» достонини яратади. У ўз асарининг қаҳрамонларини ҳайвонлар номи билан атаб, реал ғояларни илгари суради. Саъдий эса Ислом оламида ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, ғазаллари билан шуҳрат қозонади. У ўз асарларида инсонларни ҳамжиҳатликка, тотувликка ундайди. она-Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат ғояларини илгари суради.

Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) шоир, мутафаккир бўлибгина қолмай, Ҳиндистон, Румда елкаси ерга тегмаган курашчи полвон ҳам эди. У бағри кенг саҳоватли инсон эди. Ғолибликдан тушган муқофотларини етим-есир-ларга, ногиронларга улашар эди. У ғазал, рубоий жанрларида ижод қилади.

Бу даврда тасаввуф илмининг машҳур намоёндаси, Нақшбандий тариқа-тининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриш ғоясини ёқлайди. У «дил ба ёру, даст ба қор» (яъни дилинг худога бўлсин, қўлинг меҳнатда бўлсин) шиорини илгари суради. Мустақиллик туфайли Бухоро яқинидаги қабри қайта тикланди ва халқимизнинг зиёратгоҳ жой-ларидан бирига айланган.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Чигатой улуси, бошқарув тизими, Маҳмуд Торобий қўзғолони, Масъуд-бек, Кебекхон, Қозоғон, маданий ҳаёт, Баҳовуддин Нақшбанд, Хоразмшоҳ давлати, Чингизхон (Темучин), «Ясо» қонунлари, Маҳмуд Ялавоч, Ўттор фожияси, Чингизхоннинг Ўрта Осиёга юришлари, Хўжанд, Бухоро, Самар-қанд, Темур Малик, Жалолиддин

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008йил
- 2.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ . Т., Шарқ, 1998 йил.
- 3.Ўзбекистон тарихи. I қисм.(А.Саъдуллаев ва бошқалар таҳрири остида). Т., Университет., 1999 йил (II нашри).
- 4.Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т. Ўзбекистон. 1992 йил.
- 5.Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. 11 китоб. Т., 1997 йил.
- 6.Усмонов Ўзбекистон тарихидан муаммоли маърузалар матни. Т., 1996йил
- 7.Ватан туйғуси. Т., 1996 йил.
- 8.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Лотин алифбосида. Т., 2006йил

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р

- 1.Азамат Зиё.Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. Шарқ. 2000йил.
- 2.Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар., Т., Ўқитувчи., 1994 йил
- 3.Бартолед В.В. Туркестан в эпоху монгольского ношества. Часть 2 С.П. 1990 год.
- 4.Иваник М.Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур. Т., Хазина., 1994 йил.
- 5.Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., Чўлпон. 1994йил
- 6.Наршахий. Бухоро тарихи. Т., Камалак., 1991 йил

10 - М А В З У : АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ЮКСАЛИШИ, ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.

Р е ж а

1. XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темурнинг сиёсий кураш майдонига кириб келиши.
2. Амир Темур-буюк давлат арбоби ва саркарда, унинг ҳарбий юришлари ва сиёсий фаолияти таҳлили. Унинг мамлакатни бирлаштириш ва марказлашган давлат тузишдаги тарихий хизматлари.
3. “Темур тузуклари” ва унинг аҳамияти. Мамлакатнинг бошқарув тизими.
4. Амир Темур вафотидан сўнг Темурий шахзодалар ўртасида тожу тахт учун курашнинг авж олиши. Шохрух ҳокимиятининг ўрнатилиши. Мовароуннаҳрда Улуғбек ҳукмронлиги.
5. Амир Темур ва темурийлар даврида фан ва маданиятнинг равнақи.

1. Илк бор сохта хонларни эълон қилиш анъанаси Амир Қазоғон даврида юз берган. Аммо амалда бутун ҳокимият унинг қўлида бўлган. Амир Қазоғондан сўнг унинг ўғли Абдулла отаси каби сиёсат юргиза олмади ва натижада ўзи сиёсий кураш қурбони бўлди. Ундан кейин амирликни қўлга олган Баён сулдуз қатъиятсиз эди. Шу сабабдан ҳам XIV асрнинг 50-60 йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ўзаро ички кураш янада кескинлашади. Мамлакатдаги ҳар бир вилоят алоҳида ҳукмдорликка ажралиб, улар ўртасида низо кучайиб кетади ва қонли урушларга айланади. Хондамирнинг ёзишича, улус ўнга яқин мустақил бекларга бўли-ниб кетади. Самарқанд вилоятида Амир Баён Сулдуз, Кешда Амир Хожа Барлос, Хўжандда Амир Боязид Жалоир, Балхда Улжайду Сулдуз, Шибурғонда Муҳаммад Хожа Яздий, Кўхистонда Амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхус-рав, Ҳисори Шодман чегарасида Амир Хусайн ва Амир Хизир Ясовурийлар ўзларини ҳокими мутлақ деб эълон қиладилар. Мана шундай ички ўзаро урушлар қизиган, мўғуллар зулмига қарши меҳнаткаш халқ ҳаракатлари бошланган бир даврда қисқа вақт ичида ўрта асрларнинг йирик давлатини вужудга келтирган соҳибқирон Амир Темур сиёсат майдонига дастлабки қадамларини қўймоқда эди.

Амир Темур (1336-1405) Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжаилғор қишлоғи (ҳозирги Яқкабоғ)да 1336 йил 9 апрель куни таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми Амир Темур Кўрагоний ибн Амир Тарағай ибн Амир Буркул.

Амир Темур Ватанимиз тарихида, ўзбек давлатчилиги тараққиётида бекиёс хизмат кўрсатган шахс. Амир Темур жаҳон халқлари тарихида буюк давлат арбоби, машҳур саркарда сифатида эътироф этилган ёрқин сиймодир.

Темур Тарағайбек ўғли сиёсий кураш майдонига кириб келган мўғулларнинг Чиғатой улусида бир ярим асрлик ҳукмронлиги давом этаётган, уларнинг маҳаллий халқларга зулми, зуғуми туфайли тушқунлик, парокандалик жараёни юз бераётган эди. Ўлканинг турли ҳудудларида мустақиллик даъво-си билан иш кўраётган маҳаллий сулолалар, чунончи, Хоразмда сўфийлар, Қашқадарёда барлослар, Оҳангарон водийсида жалоирлар, Бухорода садрлар, Термиз атрофида сайидлар ва ҳоказо кучларнинг ажратувчилик ҳара-катлари юрт бутунлигига жиддий хавф туғдираётганди. Бунинг устига ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1360 йилда катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб келган Мўғулистон хони Туғлуқ Темур хуружи ҳам дард устига чипқон бўлган эди.

Темурбек уддабуронлик билан ўзига хос тактика қўллаб, ўзининг бош орзу-мақсадларидан воз кечмаган ҳолда, вазият тақозоси билан, вақтдан ютиш, ишончли куч топиш учун вақтинча 1361 йилда Туғлуқ Темур хизматиغا киради. Бироқ, бир йил муддат ўтар-ўтмай, Балх ҳокими Амир Ҳасуйн билан дўстлашиб, у билан биргаликда мўғуллардан она юртни озод қилиш-га киришади ва 1362-1364 йилларда мўғул қўшинларига бир неча марта зарба беради.

Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхўжа 1365 йил баҳорида Мовароуннахрга юриш қилади. Чиноз атрофида, Сирдарё бўйидаги “Лой жанги” да Амир Темур ва Амир Ҳусайн қўшинининг Илёсхўжа бошлиқ мўғул қўшинидан енгилиши Амир Темур учун жуда катта сабоқ бўлди. Илёсхўжа қўшинлари Самарқандга томон юрди. Ҳокимиятсиз қолган маҳаллий аҳоли мудофаага кўтарилди, бу ҳаракат “Сарбадорлар” ҳаракати номи билан машҳурдир. Самарқанд бу ҳаракатнинг марказига айланди. Ҳаракатга толиби илм Мавлонзода Самарқандий, ип йигирувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавий ва моҳир мерган Хўрдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Жоме масжидида тўпланган 10 мингга яқин аҳоли Мавлонзода даъвати билан мўғулларга қарши курашда фаол қатнашадилар. Илёсхўжа Самарқандда катта зарбага учраб, Мовароуннахрдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Самарқандда ҳокимият сарбадорлар қўлига ўтади. Улар халқ турмушини яхшилашга қаратилган тадбирлар кўради, мўғулларга тарафдорлик қилганларнинг ер ва мулклари мусодара этилади.

Самарқанд сарбадорлари ғалабасидан хабар топган Амир Ҳусайн ва Амир Темур 1366 йил баҳорида Самарқандга келадилар. Амир Ҳусайн хийла билан сарбадорлар бошлиқларини қўлга олиб ўлдиртиради. Вазият тақозоси билан Амир Темур Амир Ҳусайн ўрнашиб олган Балхга 1370 йилнинг баҳорида қўшин тортиб борди ва уни маҳв этди. Шундан сўнг Амир Темур Мовароун-нахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди. Самарқанд мамлакат пойтахтига айланди. Эндиликда юртни бошқариш жиловини қўлга киритган Амир Темур олдида ҳали ғоятда катта, мураккаб вазифалар кўндаланг бўлиб турарди. Энг асосийси, мамлакат ҳудудларини бирлаштириш, ягона марказлашган давлат тузишдан иборат бош вазифани ҳал этиш керак эди. Бунингсиз мамлакат тараққиётини олға бостириш, унинг довуғини жаҳон микёсида кўтариш мумкин эмасди.

2.XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннахрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни талаб қилмоқда эди. Амир Ҳусайндан кўра Амир Темур замоннинг бундай талабини яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам у ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннахрда мар-казлашган давлат тузишга қаратади. Бундай мақсадни амалга оширишда у руҳонийлар, ҳарбийлар, савдогарлар ва шаҳар хунармандлари табақаларига суянади. Амир Темур тарқоқ мамлакатни бирлаштиришга киришар экан, курашни аввало ички ва ўзига яқин ғанимларидан бошлайди.

У даставвал, шарқий ҳудудларни мўғуллар таъсиридан озод этиш учун 1370 йил охири ва 1371 йил бошида Шарқий Туркистон томон юриш қилди. Мўғулхони Кепак Темурга қақшатқич зарба берилиши орқасида Фарғона мулки ва бошқа бир қатор ҳудудлар эгалланди. Шундан сўнг Афғонистон шимолидаги Шибирғон вилояти ҳам унинг тасарруфига олинди.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг Мўғулистон томон 7 марта ҳарбий юришлар қилгани тилга олинади. Гарчанд улар ҳарбий юришлар деб атал-сада, аслида мамлакатнинг шарқий ва шимолий ҳудудларини мўғуллар ҳужумларидан қутқаришга қаратилган урушлар эди. Амир Темур мана шу тинимсиз жангу жадаллар давомида ўз мамлакатининг шарқий ҳудудларини мўғуллар асоратидан халос қилиш, юрт тинчлиги, осойишталигини қарор топтиришга муваффақ бўлди.

Унинг кудратли мўғул ҳукмдорларидан саналган амир Қамариддин билан олиб борган кўп йиллик урушлари ҳам мана шу юксак мақсадга қаратилган эди. Ўз тасарруфида Қошғар, Иссиқкўл ва Еттисув воҳасини бирлаштирган ҳамда 1369 йили Илёсхўжани тахтдан ағдариб, Мўғулистон хони бўлиб кўтарилган Қамариддин билан 1370-1389 йиллар давомида Амир Темур ҳаёт-мамот жанглари олиб борди. Бу жангу жадаллар оқибатида Мовароуннаҳрга қарашли асосий шарқий ҳудудлар унинг таркибига қўшиб олиндики, бу ўзбек давлатчилигини қайта тиклаш ва марказлашган давлатнинг вужудга келиши-да ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Амир Темур Хоразм ерини қайтариб олиш бобида ҳам катта саъй-ҳаракатда бўлди.

Амир Темур 5 маротаба (1371, 1373, 1379, 1388й.) Хоразм ҳукмдорларига қарши ҳарбий юриш уюштиришга мажбур бўлган.

Фақатгина 1388 йилги сўнги Хоразм юриши натижасида Сулаймон Сўфий ҳукмронлиги ағдарилиб, бу ўлка салтанат таркибига узил-кесил қўшиб олинди. Бунга қадар Шош, Термиз, Ҳисор, Бадахшон, Қундуз сингари ҳудудлар ҳукмдорлари Амир Темур ҳокимиятини эътироф этиб, унинг итоатига бўйсунгандилар.

Шундай қилиб, Амир Темур неча йиллар давом этган қонли ва қонсиз курашлар, муҳим тадбирлар, кези келганда, дипломатик алоқаларни муваффақиятли қўллаши натижасида мамлакатни мўғуллар зулмидан озод этди, сиёсий тарқоқлик, ўзаро низоларни бартараф қилди, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудлари бирлаштирилиб, ягона марказлашган давлат барпо этишга муваффақ бўлди. Шу нарса диққатга сазоворки, улуғ Амир кейинча-лик ўзининг кўплаб жаҳонгирлик юришлари оқибатида эгаллаган юртларни, айрим-айрим ҳудудларни ўз авлодларига суюрғол мулк қилиб бўлиб берган бўлса-да, бироқ у ҳеч қачон Мовароуннаҳрни бирор-бир ўғли ёки авлодига мулк қилиб бермаган, унинг яхлитлиги, бутунлигини кўз қорачиғидек асра-ган. Бунинг боиси, шуки улуғ бобомиз Ватан ягоналиги, бўлинмаслиги, муқаддаслигини ҳар нарсадан аъло билган.

Амир Темур кучли, марказлашган давлат барпо этиш баробарида ўз кудратини жаҳонга машҳур қилиш, ҳудудларини кенгайтириш, жўғрофий кенгликларга чиқиш мақсадида XIV асрнинг 80-йилларидан эътиборан хори жий юртлар томон кўплаб ҳарбий юришлар уюштиради. Унинг 1386-1388 йиллардаги “уч йиллик”, 1392-1396 йиллардаги “беш йиллик” ва нихоят 1398-1404 йиллардаги “етти йиллик” юришлари худди шу мақсадларга қаратилганди. Бу ҳарбий юришлар давомида Эрон, Кавказorti ҳудудлари, шимолий Ҳиндистон, Сурия, Ироқ ерлари, Кичик Осиёнинг талай қисми эгалланди. Шу тариқа, кудратли салтанат вужудга келдики, унинг довуғи бутун оламни тутди. Бироқ кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Соҳиб-қироннинг кўплаб ҳарбий жаҳонгирлик юришларига фақат бир ёқлама нуқтаи назардан баҳо бериб бўлмайди. Негаки, бу юришлар гоҳо мамлакат ҳудудларга тажовуз қилган ажнабий кучларга зарба бериш, гоҳо муқаддас ислом таълимоти ғояларини уларнинг таҳқирловчиларидан ҳимоя қилиш ёхуд соҳибқирон Ватанига муттасил душманлик қилиб келган хорижий давлатларга нисбатан сўнги чора сифатида амалга оширилган. Жумладан, Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши бир неча марта (1389, 1391, 1394-1395й) олиб борган жангу жадаллари, энг аввало, юрт осойиш-талиги, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мақсадига йўналтирилган эди. Айниқса, Тўхтамишнинг Хоразм ерларига даъвоси бунда муҳим сабаб-лардан бири бўлганди. Амир Темур томонидан Олтин Ўрданинг маҳв этилиши эса, табиийки, унинг таркибига кирган ҳудудларнинг, чунончи, рус князликларининг мустақилликка эришувида айрича аҳамиятга эга бўлган-лиги тарихий фактдир.

Шунингдек, Соҳибқирон қўшинининг Туркия султони Боязид кучлари билан 1402 йилда Анқара яқинида бўлиб ўтган ҳаёт-мамот уруши ҳам, аввало, турк султонининг

қайсарлиги, манманлиги, мурасасизлиги, адолат талабига қўл силтаганлиги орқасида юз берган. Бу беомон жангни ўз фой-дасига ҳал этган Амир Темур эса айна пайтда ўз қудратини нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам намоиш этишга мушарраф бўлди. Шу буюк ғалабадан сўнг Ғарбий Оврупанинг Англия, Франция, Испания сингари нуфузли давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан яқиндан алоқа боғлаш, ҳамкорлик қилиш, айниқса, савдо-сотик муносабатларини ўрна-тишга-фаол йўл тутганликлари шундан яққол далолатдир.

3. Президентимиз И.Каримовнинг куйидаги фикрларини келтириш аҳа-миятлидир. «Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо, буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Амир Темур қудратли салтанатни вужудга келтирар экан, уни омилкорлик билан идора қилиш, бошқарув тизимини янада такомиллаштириб боришга ҳам катта аҳамият берди. У ўзбек давлатчилигининг сомонийлар, қорахонийлар, ғазна-вийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар даврида таркиб топиб, ривожланиб борган тизими, тартиб-қоидалари, ҳуқуқий асосларини янги тарихий даврнинг талаб, эҳтиёжларига мослаб янада такомиллаштирди, уларга янгича рух, мазмун ва сайқал берди.

Амир Темур ўзигача шаклланган ўзбек давлатчилигининг куйидаги 8 та асосларига изчил амал қилиш билан бирга уларни мазмунан бойитишга жиддий улуш қўшди:

1. Давлат ўз ваколатини бажармоғи учун энг аввало, сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши зарур.

2. Давлат ва жамиятнинг яхлитлиги бузилмаслиги керак.

3. Давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар ғоялар асосида бошқа-рилмоғи лозим.

4. Бошқарувнинг турли бўғинлари, йўналишлари, соҳаларини мувофиқ-лаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланган бўлиши даркор.

5. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи (таракқиёти) давлатнинг диққат-марказида турмоғи керак.

6. Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш давлат аҳамия-тига молик қатъий сиёсат сифатида қаралмоғи лозим.

7. Ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички таракқиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда ҳал этиб бориши даркор.

8. Давлатни бошқарувчи кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам имон, ғоят юксак маънавиятпарварлик ва миллат-парварлик ила англамоғи керак.

Амир Темур бу миллий давлатчилик асосларини ривожлантириш билан бирга янгидан қўшган муҳим тўққизинчи асос, у ҳам бўлса, жамият ривож-жида барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва уларнинг манфаатларини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, Амир Темур дунё тарихида биринчи бўлиб жамият ижтимоий таркибини 12 табақага ажратиб, уларнинг ҳар бирининг алоҳида мавқеи, манфаатларини, шунга мувофиқ келадиган давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берган.

Унинг даврида бошқарув икки идорадан, яъни даргоҳ ва вазирликлардан иборат бўлган. Даргоҳ тепасида олий ҳукмдорнинг ўзи турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятига молик масалалар унинг кўрсатмаси билан ҳал этилган.

Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлари, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечаётган жараёнлар билан боғлиқ ишлар олий девон зиммасида бўлган. Олий девонда ҳар куни 4 вазир, яъни ижроия идоралардан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб, ўзига хос равишда ҳисоб бериб турган.

Шайхулислам, Қозийи ал-қуззат (Олий судя), қозийи аҳдас (ахлоқ-одоб бўйича), қозийи аскар (ҳарбий судя), Садри аъзам (вақф мулклари вазири), Мухтасиб (шариат қоидалари, бозорлардаги нарх-наволар назорати билан шуғулланувчи вазир), сарой вазири, Ясовул, Эшик оға сингари юқори лаво-зимлар ҳам давлат ҳокимияти тизимининг энг асосий бўғинлари ҳисоб-ланган. Амир Темурнинг давлат бошқарувига хос энг муҳим устунликлари-дан бири унда адолат мезонига, қонун устуворлигига алоҳида аҳамият берилганлигидир. У ҳар доим “Куч-адолатда” деб таъкидлар ва унга амал қиларди. Унинг давлат бошқаруви тизими масалаларига бағишланган маш-хур “Тузук” ларида ҳам ҳар бир ишда адолат мезонига амал қилишлик, ноҳақлик, адолатсизликка нисбатан муросасизлик ғояси чуқур ифодалан-ганлиги бежиз эмасдир.

Амир Темур тузуқларига асос қилиб олинган давлатчилик сиёсатининг муҳим жиҳати яна шундан иборатки, унинг даврида ҳар бир соҳага кадрлар танлаш, лавозимларга тайинлашда уларнинг иқтидору қобилиятига, билиму истеъдодига, насл-насабига алоҳида эътибор берилган. Давлатга садоқат билан хизмат қилган ходимлар доимо рағбатлантирилиб, мартабалари оши-риб борилган.

«Шахсан мен «Темур тузуқлари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор –такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман», -деб айтганди Президентмиз И.Каримов.

4. Гарчанд Амир Темур қудратли салтанат барпо этиб, унинг ҳудудлари- ни Шарқу Ғарбга, Шимолу Жанубга кенгайтириб, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатлардан юксалтириб, довруғини оламга машҳур қилган бўлса-да, бироқ унинг вафотидан кейин мамлакат таназзулга учраб борди. Бунинг асосий боиси аввало шундаки, Амир Темур тасарруфига кирган эллар ва юртлар шу қадар хилма-хил, узоқ масофаларга чўзилган бўлиб, уларни ягона бир марказдан туриб бошқариш мураккаб эди. Бунинг устига улардаги мавжуд турли-туман муҳолифатчи кучлар эртами-кеч ўз ҳудудий муста-қиллиги учун ҳаракат этишлари табиий эди.

Амир Темур вафотидан сўнг кўп сонли ворислари унинг доно васиятлари, ўғитларига қулоқ осмай, асосий ҳокимиятни эгаллаш йўлида жангу-жадалга киришадилар.

Амир Темур Хитой юришига отланган бир пайтда Ўтрорда 1405 йил 18 февралда касалланиб, вафот этган пайтда, унинг 4 ўғлидан 2 таси (Мирон-шоҳ ва Шохрух Мирзолар) ва 19 та неvara, 15 чевара, шунингдек, қизлари Оға бегим, Султон Бахтбегим ва Оға бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзо лар қолган эди.

Амир Темур васиятига кўра, унинг ўрнини Қобул, Қандаҳор ва Шимолий Ҳинд ерларини бошқариб турган набираси Пирмуҳаммад (Жаҳонгир Мирзо ўғли) эгаллаши керак эди. Бироқ шахзода Ҳалил Султон (Мироншоҳ ўғли) нинг ўзбошимчалик билан Самарқандни эгаллаб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилиши, табиийки, бошқа шахзодаларнинг ҳам кўзғалишига, салтанатнинг дарз кетишига олиб келди. Бунинг оқибатида тез орада ғарбий ҳудудлар- нинг анча қисми мустақил бўлиб ажралиб кетди. Озарбайжон томонда туркманларнинг Оқ қуюнли ва Қора қуюнли сулолаларининг Темурийларга бўйсунмаслик ва уларга қаршилиқ ҳаракати кучаяди. Амир Худойдод ва Шайх Нуриддинлар эса Мовароуннаҳрнинг турли ҳудудларида бош кўтарадилар. Фақат

қатъиятли, шижоатли Шохрух Мирзо бу қонли низолар, урушларга барҳам бериб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳокимият жиловини қўлга киритишга муваффақ бўлади.

Темур вафотидан кейин қарийб 5 йил давом этган сулолавий ўзаро кураш ва исёнлар, шубҳасиз, мамлакат аҳолисининг иқтисодий аҳволига кескин таъсир этиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам темурийзодалар ва амирлар ўртасидаги курашга хотима бериш мақсади-да Шохрух бошлаган ҳаракат мамлакат фуқаросининг кўпгина табақалари томонидан қувватланади. Шу боисдан Шохрух Темур ҳукмронлиги ўрнатил-ган вилоятларни ўз қўл остига олишга ҳамда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга бир умр ҳаракат қилади. XV асрнинг 20-йилларига келиб, у Темур меросининг Сурия ва Арабистондан ташқари, асосий қисмини ўз тасарруфига олади ҳам. Шу билан бирга Шохрух мамлакатни бошқаришда темурийзода ва нуфузли амирлардан иборат ҳокимларнинг аксариятини ўзи учун ишончсиз деб ҳисоблайди. Уларнинг ўрнига деярли ҳамма вилоятларда ўз ўғиллари ва набираларини ҳамда ўзига яқин тутган қариндошларини ноибликка тайинлайди. Шохрух Балх билан Бадахшон вилоятларини Ибро-ҳим султонга: Қобул, Ғазна ва Қандаҳорни Қайду Мирзога: Хуросоннинг бир қисмини ҳамда Ҳабушон, Нисо, Обивард вилоятларини Бойсунғур Мирзога: Эроннинг Ғарбий ўлкаларини ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Муҳаммадга: Форс вилоятини Абдулла Мирзога суюрғол тариқасида инъом қилади. У 1409 йилда Моваро-уннаҳрдаги вазиятни ўз фойдасига ҳал этиб, уни катта ўғли Улуғбекка топширади. Ўзи эса Хуросон ҳукмдори бўлиб қолади (1407-1447).

Шохрухнинг узоқ ҳукмронлик даврида Темур давлатининг асосий қисми унинг қўл остида сақланиб қолсада, аммо бу улкан мамлакат икки давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жанубда жойлашган Шохрух давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот шаҳри эди. Иккинчиси эса, Амударёдан шимолда-Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улуғбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди. **Мирзо Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағай бўлиб, у 1394 йилда Султонияда таваллуд топган.** Бобоси Амир Темур унга катта меҳр билан қараб ёшлигидан ўз тарбиясига олган. Улкан туғма истеъдод, ақл-заковат соҳиби бўлган Улуғбек (Соҳиб-кирон хонадонида уни шундай ном билан эркалашганлар) давлат бошқарувини пухта эгаллашдан ташқари, диний ва дунёвий билимларни ҳам етук даражада ўзлаштирган. У Мовароуннаҳр тахтини эгаллаганида энди 15 ёшга тўлган эди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги (1409-1449) салтанатнинг анъана-вий ривож ва муҳим ижтимоий ўзгаришлар йўлидан илгарилаб беришида алоҳида даврни ташкил этади. Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса, унинг ташқи сиёсатида Улуғбек, айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, аммо аслида у Шохрухнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва итоаткор ноиби бўлиб қолади. Ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг рози-ризолиги билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Вақти-вақти билан у Ҳиротга бориб унга ҳисоб бериб, Мовароуннаҳр хирожининг бир қисмини унинг хазинасига жўнатиб туришга, Шохрухнинг ҳарбий юришлари вақтида унга маълум миқдорда аскар, от-улов, озик-овқат ва қурол-аслаҳа юборишга мажбур эди.

Улуғбек бобоси давридаги бошқарув тизимини, барча тартиб-қоидаларни тўла сақлашга ҳаракат қилган. Солиқ ва молия сиёсатида ҳам бунга амал қилган. Тўғри, Улуғбек Амир Темур сингари жангу жадалларга қизиқмади. Бу соҳага унинг ортиқча рағбати ҳам бўлмаган. Фақат зарурият тақозо қилгандигина у ҳарбий юришларга отланган. Масалан, 1414 йилда Фарғона ҳукмдори шаҳзода Аҳмад итоатдан бош тортишга уринган пайтда у катта қўшин тортган ва бу юриш билан нафақат Аҳмадни итоатга келтириб қол-май, айти чоғда шарқий Туркистон ерларини ҳам ўз тасарруфига олишга муваффақ бўлган. 1425 йилга келиб Улуғбек Мирзо Иссиқкўл тарафга юриш

қилиб, у ердаги исён кўтарган маҳаллий муҳолифатчи кучларни бартараф этиб, мамлакатнинг шарқий чегараларини анча мустаҳкамлашга эришади. Бироқ ҳукмдорнинг 1427 йилда Сирдарёнинг куйи оқимидаги Сигноқ ва унинг атрофида ҳудудий даъволар билан бош кўтарган Дашти қипчоқ аслзодаларидан бўлган Бароқхонга қарши юриши унинг учун кутилмаганда муваффақиятсиз якун топади.

Шундан сўнг Улуғбек Мирзо уруш ҳаракатларидан кўра, кўпроқ ўз фаолиятини мамлакат ишлари, ички сиёсат масалалари билан шуғулланишга қаратади. Шу боисдан ҳам эндиликда унинг фаолиятида мамлакат ободончилиги, юрт тинчлиги, фаровонлиги, илм-фан равнақиға оид масалалар асосий ўрин эгаллайди. Мамлакатда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва зироатчилик аввалгидек ривожланишда давом этади. Кўплаб сунъий суғориш иншоотлари барпо этилади. Мамлакат Буюк ипак йўли орқали халқаро қарвон савдосида фаол иштирок этади. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Шош ва бошқа шаҳарларда кўплаб ҳашаматли мадрасалар, масжиду мақбаралар, қарвон саройлар қад ростлайди. Унинг бевосита раҳнамолигида қурилган тенгги йўқ меъморий иншоот-расадхона ўша давр илм-фани ва техникаси-нинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган эди.

Улуғбекнинг 1428 йилда ўтказган пул ислоҳоти ҳам мамлакатда савдо-сотиқ ва пул муомаласини, молия сиёсатини йўлга қўйишда муҳим воқеа бўлган.

Улуғбек ўз давлат сиёсатида қанчалик оқил ва изчил сиёсат юритишга, илм-фан аҳлига, дин пешволарига ҳомийлик қилиш, савдо, тижорат ва ҳунарманд аҳлига кўп рағбат кўрсатишга ҳаракат қилмасин, унга қарши жиддий муҳолифатчи кучлар ҳам бор эди. Улуғбек заминдор феодалларнинг оддий фуқароларга нисбатан суиистеъмолчиликларини чеклаш тадбирларини кўрганда, улар “тахтдаги олим” га қарши чиқадилар. Руҳонийлар орасидаги жаҳолатпараст унсурлар Улуғбек ислом динига зарар келтирувчи “бетавфиқ ҳукмдор” деб ташвиқот юритдилар. Шу тариқа, жаҳолатпарастлик илмга, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўювчилар тараққиётга қарши чикдилар. Улуғбек мамлакатдаги турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ички зиддиятларни, мутаассиб, реакцион кучлар муҳолифатчилигини охиригача бартараф эта олмади. Шунингдек, қора кучлар иғвоси туфайли ўз ўғли Абдуллатиф билан бошланган низонинг катта жангга айланиб, унда Улуғбек-нинг мағлуб бўлиши унинг фожиаи ўлими билан якун топиб қолмай, айнаи пайтда, Темурийлар сулоласи инқирозининг янада чуқурлашишига олиб келди. Илм-фанга катта зарар етказилди, Улуғбек академияси тарқалиб кетди, кутубхонадаги китоблар ёндирилди, олимлар боши оққан томонга кетишга мажбур бўлдилар.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай зади. «Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир алло-ма Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасо-рати бугунги кун олимларини ҳам хайратга солмасдан қўймайди. Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси- тинчлик, тотувлик илм - фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида ўлкан шижоат ва матонат кўрсатди.

Улуғбек ўлиmidан сўнг тез орада оқпадар Абдуллатифнинг ўлдирилиши, ундан кейин Самарқанд ҳокимияти тепасига келган Абусаид Мирзо (1451-1468) нинг давлатни бошқариш ўрнига асосий вақтини Эрон ва Хуросон ҳудудларида ҳарбий юришлар билан ўтказиши, унинг вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган авлодлари. Султон Аҳмад (1468-1493), Султон Маҳмуд (1493-1494) ва Султон Али Мирзо (1494-1501) даврида юртнинг янада ички зиддиятлару таназзулликка юз тутиши пировард оқи-

батда, Темурийлар ҳукмронлигининг барҳам топишига олиб келди. XV аср-нинг 90-йиллари бошларида Фарғона мулкида отаси Умаршайх Мирзо (1494) вафотидан сўнг ҳокимият жиловини қўлга олган Бобур Мирзо (1494-1530) нинг Темурийлар салтанатини сақлаб қолиш йўлида Муҳаммад Шайбо-нийхонга қарши олиб борган бир неча йиллик жангу жадал ҳаракатлари ҳам натижасиз тугади.

5. XV аср бошларида темурий шахзодалар ўртасида авж олиб кетган ўзаро курашлар ва вақти-вақти билан содир бўлиб турган ҳарбий юришлар мамлакатнинг ички ҳаётига салбий таъсир этсада, бироқ Шохрух (1405-1447), Улуғбек (1409-1449), Абдусайд (1451-1469) ва Султон Ҳусайн (1469-1506) ҳукмронлик қилган даврларда мамлакатда маълум даражада қарор топган осойишталик туфайли замонлар ошиб давом этиб келаётган анъаналар асосида илм-фан ва маданият янада жонланади. Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукм сурган тарихий даврни назардан ўтказар эканмиз, бунда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксак марралари сари кўтарилган Мовароуннахр ва Хуросоннинг бутун таровати, ёрқин манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Она тарихимизнинг мана шу муҳим босқичида халқ даҳоси, қудрати билан бетимсол моддий ва маънавий маданият намуналари, мислсиз осори атиқалару монументал меъморий обидалар бунёд этилди, илм-фан юксалди. Бундай юксалиш Амир Темур ва унинг авлодларининг донолиги, илм-фан, маърифат равнақи рағбат, катта саъй-ҳаракат боғланганликлари натижа-сидир, албатта.

Хусусан, Амир Темур сиймосига тўхталадиган бўлсак, унинг ўзи юк-сак маърифатпарвар ҳукмдор сифатида халқ ичидан чиққан қанчадан-қанча ноёб истеъдодлар, илму урфон ва дин аҳллари, меъмору ҳунармандларни парваришлаб ўстириш баробарида, мамлакат ободонлиги, равнақи учун ҳам доимий ҳаракатда, изланишда бўлди. Унинг даврида Самарқандда ва юрт-нинг бошқа ҳудудларида қад ростлаган серхашам саройлар, боғ-роғлар, масжиду мадрасалар, равогу карвонсаройлар, кўприклар, сув ҳавзалари ва бошқа иншоотлар соҳиб-қирон салоҳияти ва фаолиятининг нечоғлик кўп қирралилигидан далолат беради. Амир Темур даврида Самарқандда бунёд этилиб, теварак-атрофга ҳусну латофат бағишлаган, бир-биридан кўркем ўнлаб боғлар, чунончи, “Боғи Дилкушо”, “Боғи Жаҳоноро”, “Боғи Давлат-обод”, “Боғи Нав”, “Боғи Зоғон”, шунингдек, ўз даврининг тенгсиз меъморий обидалари- “Кўксарой”, “Бўстон-сарой”, Гўри Амир макбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Бибихоним масжиди ва мадрасаси, Шаҳрисабздаги машҳур Оқсарой, Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий макбараси ва шу сингари ноёб иншоотлар Амир Темур давридан моддий гувоҳдир. Мирзо Улуғбек замонида (1409-1449) Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон ва бошқа шаҳарларда қурилган мухташам масжиду мадрасалар, илм-урфон маскан-лари, сайлгоҳлар ва бошқа ноёб иншоотлар бунёд этилган. Унинг раҳна-молигида 1420-1428 йиллар мобайнида қурилган расадхона ўша даврнинг тенгги йўқ олий иншооти бўлган. Бу маҳобатли бино цилиндр шаклида, уч ошиёнли бўлиб, айланаси 47, баландлиги эса 31 м атрофида эди. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан безатилган. Олимлар ва ходимлар учун расадхона атрофида кўплаб ҳужралар барпо қилинган. Расадхонанинг бой кутубхонаси бўлиб, унинг китоб фонди 160 мингдан ошар эди.

Расадхона этагида Улуғбек бобоси Амир Темур анъанасини давом эттириб, иккита чорбоғ қурдирди. Уларнинг бири “Боғи майдон”, иккинчиси эса “Чиннихона” номи билан аталди. Боғи майдон ўртасида бунёд этилган икки оши-ёнли бинонинг девор ва устунлари оқ мармар билан қопланган эди. Чиннихонадаги биноларнинг бири тошдан, иккинчиси эса чиннидан бўлган.

Хуросоннинг обод ўлка сифатида гуллаб-яшнаши ҳам Темурийлар даврига тўғри келади. Шохрух Мирзо ва унинг ворислари томонидан барпо этилган 150 дан зиёд машҳур обидалар, жумладан, “Боғи Зоғон”, “Боғи жаҳон” қалъа масканлари,

“Гавҳаршодбегим” мадрасаси, Бойсунқур “Нигористони” (кутуб хонаси), ёхуд Хусайн Бойқаро даврида (1469-1506) унинг дўсти, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳирот ва унинг атрофида қурилган 300 дан зиё ноёб бино ва иншоотлар: масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ, ғаммом, шифохона, саройлар, истироҳат боғлари, работ, қарвон саройлар, сув ҳавзалари, кўприк, булар ҳаммаси Темурийлар замонаси маданий юксалишининг ишончли тасдиғидир.

Илм-фан равнақи. Темурийлар маънавий маданияти тўғрисида гап бор-ганда, даставвал, она юртимизда Уйғониш даврининг иккинчи босқичи бўлган бу олтин асрда илм-фаннинг нечоғлиқ равнақ топганлиги ҳамда унинг жа-ҳон илму урфони тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Улуғбек илмий мактабининг катта ютуғи, аввало, астрономия ва математика фанлари соҳасида яратилган муҳим кашфиётлардир. Масалан, Улуғбек қаламига мансуб “Зижи жадиди Қўрагоний” асари ўзининг бекиёс тўғри илмий ечимлари, ҳулосалари билан ҳозирга қадар ҳам олимлар эътиборини қозониб келмоқда. Асрда 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берил-ган. Шунингдек, бу илмий мактаб олимларининг учинчи даражали алгеб-раик тенгламаларини ечиб, бир даражали ёйнинг синусини аниқлаш бора-сидаги тадқиқотлари ҳам математик тафаккурнинг катта ютуғидир. Улуғбек даврининг фан пешволаридан Қозизода Румийнинг “Рисола фил ҳисоб” (“Ҳисобга доир рисола”, “Шарҳи мулаххас” фил-хайъат (Астрономия асос-ларида шарҳ), “Рисолатул жайб”(“Синус ҳақида рисола”): Ғиёсиддин Жам-шиднинг қомусий мазмунга молик беш китобдан иборат йирик математик асари -”Мифтоҳил ҳисоб” («Ҳисоб илми қалити»), Али Қўшчининг “Рисола-дар илми ҳисоб”, “Рисоладар ҳандаса”, “Рисоладар фалаки-ёт”, “Рисолаи мантиқ” сингари асарлари ўз даври илмий тафаккурининг бебаҳо ютуғигина бўлиб қолмай, улар айнаи чоғда, илм-фаннинг кейинги ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Бу даврнинг яна бир муҳим ютуғи-бу ижтимоий фанлар, хусусан тарихшунослик соҳасида ҳам катта тадқиқотларнинг яра-тилганлиғидир. Бу хайрли ишнинг қушойиш топишида ҳам Темурий ҳукм-дорлар ташаббуси ва раҳнамолиги бекиёс бўлган. Жумладан, Амир Темур-нинг “Тузуқлари”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Бобир Мирзо-нинг “Бобурнома”си ижтимоий фанлар ривожига айримча таъсир кўрсат- ганлиги шубҳасиздир. Темурийлар даврида салмоқли из қолдирган аллома олимлардан Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафар нома”, Хофиз Абрунинг “Зубдат ат-таворих”, Абдураззоқ Самарқандий- нинг “Матла ус-саъдаин ва мажмаъ ул-баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ўрни ва икки азим дарёнинг қуйилиш жойи”), Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, Мирхонднинг етти жилдли “Равзат ус-сафо”(“Поклик боғи”) Хондамирнинг “Мақоримул ахлоқ” (Яхши фазилатлар”) асарлари ўша замон тарихшунослик илмининг юксаклик даражасини ўзида ифода этади. Уларнинг ҳар бирида нафақат у ёки бу ҳукмдорларнинг давлат сиёсати ёхуд ҳарбий юришлари ёхуд шахсиятларига оид маълумотлар акс этиб қолмай, балки, шу билан бирга тилга олинаётган даврнинг барча мураккаб, зиддиятли жараёнлари, тарихий воқеалар, ҳодисалар силсиласи ҳам ишонарли тарзда ёритилганлигига амин бўламиз.

Темурийлар даврида ҳаттотлик, тасвирий санъат ва мусиқа маданияти ривож топди. Бу соҳада Мирали Табризий, Шайх Муҳаммад, Жунаид Наққош, Темурийлар даври ҳаттотлиги ва наққошлиги мактаби атоқли вакиллари: Султон али Машҳадий, Абдужамил Котиб, Мирали Қилқалам, Султон Муҳаммад Нур ва бошқаларнинг ижоди беназирдир.

Тасвирий санъатда Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдулхай, Шайх Туроний, Абдулла Хиравий, Устоз Гунг, Устоз Жаҳонгир номлари алоҳида кўзга ташланиб туради. Улар

чизган ёрқин тасвирлар, портретлар, табиат манза-ралари ёхуд жанг тафсилотлари ўзининг табиийлиги, тиниқлиги ва ориги-наллиги билан кишини ҳайратга солади.

Амир Темур набираси (Шохрух Мирзо ўғли) Бойсунқур Мирзо ҳомий-лигида бунёд топган ўзига хос бадиий академия ролини ўйнаган унинг Нигористонида ижод қилган кўплаб мўйқалам соҳиблари томонидан мукам-мал тарзда ишланган сон-саноксиз рангли тасвирлар, миниатюра намуна-лари китоб безаклари, чунончи, ҳинд ҳалқи эпоси “Қалила ва Димна”, Саъдийнинг “Ўлистон”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомийнинг “Хамса” ва бошқа асарларга ишланган тасвиру безаклар ҳанузга қадар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Мусаввирлик санъатининг тенги йўқ юлдузи Қамолiddин Бехзод (1455-1537) ижоди ҳам Темурийлар даври санъатининг юқори чўққиси ҳисоб-ланади. Унинг мўйқаламига оид ҳадсиз-ҳисобсиз рангли тасвирлар, чунончи, Яздийнинг “Зафарнома”, Жомийнинг “Соломон ва Ибсол”, Саъдийнинг “Бўс-тон” ва “Ўлистон”, Низомийнинг “Хамса” асарларига ишланган миниатюра намуналари ёхуд Ҳиротдаги “Боғи Беҳишт”, “Ов қилаётган Баҳром Гўр”, “Туялар жанги” тасвирлари ва шунга ўхшаш рассомлик асарлари бу туғма ижодкор истеъдодининг юксак маҳоратидан шаҳодат беради.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Ўрта Осиё халқлари адабиёти тараққиётида янги ва жуда сермахсул давр бўлди. Бу даврда адабиёт бадиий услуб жихатидан такомиллашди, янги поғонага кўтарилди. Бу даврда замона сининг истеъдодли ва етук шоирлари ва адиблари Қутб, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қиладилар. Амир Темур ва Темурийлар даври маданий муҳитининг ёрқин саҳифасини туркий (эски ўзбек) адабиётининг равнақисиз тасаввур этиб бўлмайди. Гап шундаки, сарчашмалари анча олисдан бошланган бу адабиёт бу даврга келиб янада сайқал топиб, унинг бадиий имкониятлари янги уфқлар кашф этиб, ўзининг юксак ривожланишига эришди. Бунинг натижасида янги- янги номдор шоиру адиблар ижод майдонига кириб келиб, ўз бетакрор, умрбоқий асарлари билан бадиий тафаккур хазинасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошини қўйган Мавлоно Лутфий (1366-1465) дан бошлаб Ҳайдар Хоразмий (XIV аср охири, XV аср бошлари), унинг замондошлари Дурбек, Гадоий, Атоий, Саккокий сингари забардаст туркигўй шоирлар ижоди равнақи туфайли мумтоз адабиётимиз янги марраларга кўтарилди ва унинг хилма-хил жанрларида бир-биридан гўзал, нафис ва бакувват бадиий асарлар дунё юзини кўрди.

Бу давр бадиий адабиёти тараққиётида буюк тожик шоири Абдурахмон Жомий (1414-1492) ҳамда ўзбек адабий тилининг асосчиси ва ўзбек классик адабиётининг сардори Алишер Навоийларнинг ҳиссаси ғоят буюқдир. Лирика соҳасида Саъдий, Ҳофиз ва Қамол Хўжандий каторида турган Жомий жуда сермахсул олим ва истеъдодли адиб эди. Қарийб ярим аср давом этган ижодиётида у фан ва адабиётнинг турли масалаларига оид 99 та китоб ёзди. У XV аср адабиётида мавжуд бўлган деярли барча жанрлар- да асарлар яратди. Абдурахмон Жомий улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг замондоши, устози, дўсти эди. Бу икки маданият раҳнамосининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги ва ҳамкорли-гининг ёрқин тимсолидир.

XV аср бадиий адабиёти равнақида ўзбек халқининг гениал фарзанди, улуғ шоири, олим, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси ғоят буюқдир.

Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, обо-дончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. У улуғ инсонпарвар, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тили ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъат-кори, истеъдодли қомусий олим бўлиб етишади. У

даврнинг маданий ҳаётига раҳбар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомий, кўплаб шоғирдлар етиштирган устоз бўлди. Навоий тил, адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астро-номия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп қимматли илмий асарлар, ўттиздан ортиқ йирик бадиий асар ёзди. «Хамса», «Ҳазойин – ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр» шулар жумласидандир. Навоий «Ғо-ний» таҳаллуси остида тожик тилида ҳам ижод қилиб, «Девони ғоний», «Ҳасби ҳол», «Тухфатул афкор» каби лирик асарлар яратди. Алишер Навоий “Хамса”сига кирган “Ҳайратул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажмун”, “Сабаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларининг ҳар бири ўзининг бебаҳо маънавий қудрати, бадиий юксаклиги, тил бойлигининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, ўзбек тилида илк бор “Хамса” битишдек ғоятда машаққатли вазифани шараф билан адо этган Навоий даҳоси ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Шу билан биргаликда, Амир Темур ва Темурийлар даври маданий ҳаёти-нинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бу даврда ислом ва унинг диний аҳкомларининг нурли таровати, зиёси тўла куч билан намоён бўлди. Бундан эса улуғ аجدодларимизнинг маънавий олами янада оройиш топди. Бунда айниқса, инсонлар икки дунёси саодатини улуғловчи, уни эзгуликка, мукам-малликка даъват этувчи илғор тасаввуф ғояларини илгари сурган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Ҳожа Аҳрор Валий (1404-1490) сингари буюк аллома сиймоларимиз таълимотининг кенг ёйилиши, оммалашуви муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиз.

Шундай қилиб, Амир Темур ва Темурийлар даври Ватанимиз халқлари нинг ҳаётий тақдирида, уларнинг ижтимоий тараққиётнинг юксак марра-ларига кўтарилиб боришлари давомида ўчмас из қолдирган алоҳида бир тарихий босқич бўлди. Энг муҳими, бу давр Амир Темурдек буюк сиймони тарих майдонига чиқардики, бу зоти шариф ва унинг авлодларининг мисл-сиз саъй-ҳаракатлари, бунёдкорликлик фаолиятлари туфайли Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари улкан ўзгаришларга юз тутди. Мўғулларнинг бир ярим асрлик босқини ва зулм-асоратидан бутунлай халос бўлган она юртимиз қудратли салтанатга айланибгина қолмай, айна чоғда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатлардан юксалиб, жаҳонга довуғ таратди. Улуғ аجدодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг юк-сак намуналари, дуру жавоҳирлари мана неча асрлардирки, жаҳон аҳлини ҳайратга солиб, миннатдор авлодлар ардоғида эъзозланиб келмоқда.

Т а я н ч и б о р а л а р и :

Илм фан равнақи, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Инкироз, китобат, тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт, меъморчилик, амалий санъат. Амир Темур давлати, Амир Ҳусайн, Лой жанги, Сарбадорлар, Самарқанд, Марказлашган давлат, Темур-ҳарбий саркарда, Ҳарбий юришлар, Темур тузуклари, Суюр-ғол усули, Диний муносабатлар, Бошқарув тизими, Тахт учун курашлар, Шохрух, Улуғбек ҳукмронлиги, Фан - маданиятга ҳомийлик,

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият.,2008йил
- 2.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 йил.

- 3.Ўзбекистон тарихи. 1 қисм (А.Саъдуллаев ва бошқалар таҳрири остида). Т. Университет. 1999й. (II нашри).
- 4.Усмонов Қ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т. 2001 йил
- 5.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик).Лотин алифбосида. Т., 2006 й
- 6.Муртазаева Р. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). Т., Университет. 2003йил
- 7.Мухаммаджонов А.. Ўзбекистон тарихи., Т., Ўқитувчи., 1994 йил

Қўшимча адабиётлар :

- 1.Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. Шарқ. 2000 йил.
- 2.Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Т., 1992 йил
- 3.Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. Т., 1996 йил
- 4.Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. Т., 1994 йил.
- 5.Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Таржимон ва нашрга тайёрловчи У. Уватов. Т., Меҳнат 1982 йил
- 6.Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., Фан., 1968 йил.
- 7.Файзиев Турғун. Темурийлар шажараси. Т., Ёзувчи., 1996 йил
- 8.Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома., Т., Камалак. 1994 йил

11 – М а в з у : ТУРКИСТОННИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.

Р е ж а

1. Мовароуннахрнинг Шайбонийлар томонидан босиб олиниши.
2. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниши.
3. Хонликларда ўзаро ва ички курашларнинг авж олиши, унинг оқибатлари.
4. XIX асрнинг I ярмида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти.

1. Ўзбек давлатчилигининг Россия босқинидан олдинги сўнгги босқичи, XVI асрдан, яъни, ҳокимият, Шайбонийлар қўлига ўтишидан бошланади. Зеро, айнан мазкур асрдан бошлаб давлат бошқарувида то шу чоққача шакл-ланиб, келган анъаналардан чекиниб бориш ҳолати кўзга ташланади.

Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараққиёти бир текисда кечма-ганлиги, унинг силсиласида зафарли ва инқирозли даврлар бўлганидан гувоҳ-лик беради. Соҳибқирон Амир Темур асос солган салтанат энг йирик ва қудратли давлат бўлганлиги жаҳонга маълум. Амир Темур ўзидан қудратли давлатни, салтанат куриш ва давлатни бошқариш қонун-қоидалари баён этилган машҳур қўлланма (дастур ул-амал) ни қолдирган эди. Аммо, унинг дастури ва васиятларига амал қилинмади. Тахт, ҳокимият илдинжида авж олган ихтилоф ва ички курашлар, жангу жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатни инқирозга ва парокандаликка олиб келди.

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Қипчок томондан кўчманчи ўзбеклар давлати хукмдори Муҳаммад Шохбахт Шайбоний хужуми бошланди. Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Хисор вилоятини, 1504-1505 йилларда Урганч, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балх, шунингдек, Марв, Машҳад, Нишопур Тошкент, Фарғона ва Сирдарё ерларини забт этди. Соҳибқирон Амир Темур асос солган қудратли давлат шуқуҳини янада тиклаш ўрнига, ўзаро кураш, уни эгаллаш билан банд бўлишди. Натижада, Мовароуннахр ва Хуросон ягона давлат таркибидан ажралиб кетди. Эронда кучайиб бораётган сафавийлар вазиятдан фойдаланиб, бу икки саркарда курашига аралашди. Мамлакатда парокандалик авжга миниб, аввалги қудрат-дан путур кетди. Бобо юртидан ажралган, охир-оқибатда Ҳиндистонни забт этган Бобур ва унинг авлодлари уч аср мобайнида бу мамлакатни идора қилдилар.

Мовароуннахрда шайбонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Қарийб, бир асрга яқин давом этган шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинбарот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. Шайбонийхон жанубда Эрон шоҳи Исмоил шоҳ билан тўқнашди. 1510 йилда Марв яқинида бўлган жангда Шайбонийхон қўшинлари енгилди, хоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Исмоилшоҳ тез орада Хуросон ва Хоразм ўлкаларини, Шимолий Афғонистонни босиб олди. Пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннахрда эса Шайбонийлар ҳукмронлиги сақланиб қолди.

Хоразмда Исмоилшоҳ ҳукмронлигига, унинг шиалик диний мазҳабига қарши ҳаракат бошланди. Бу ҳаракатга Вазир шаҳри қозиси Умар қори ва Сайид Ҳисомиддин етакчилик қилди. Улар Шайбонийлар авлодидан бўлган Берка султоннинг ўғли Элбарсхонга мурожаат қилиб, хон бўлишини таклиф қилдилар. Элбарсхон 1511 йилда қўшин билан келиб Вазир, Урганч, Хива, Хазораспни Исмоил шоҳ қўшинларидан тозалади. Шундай қилиб, 1511 йилда мустақил Хива хонлиги ташкил топди, Элбарсхон унинг биринчи хони бўлди. Хивада Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги 1770 йилгача

давом этди. Бироқ, хонликда тинчлик бўлмади. Узоқ йиллар давомида хонлик тепасида турган ўзбек қабилалари билан туркман қабилалари ўртасида, шунингдек, шахзодалар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турди. Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида Мурғоб дарёси бўйлари учун, Марв учун қирғинбарот урушлари бўлиб турар, бу ҳудудлар қўлдан-қўлга ўтарди. Хонликка шимолдан қалмоқлар, қозоқлар, Ўрал казаклари тез-тез ҳужум қилиб фалокатлар келтирарди.

XVIII аср 40-йилларида Эрон шоҳи Нодиршоҳ, унинг ўғли Насрулло Хива хонлигини босиб олиб, ўз бошқарувини ўрнатди. Шундай вазиятда хонлик-даги ўзбек қабилаларидан қўнғирот уруғининг бошлиғи Муҳаммад Амир Иноқ 1770 йилда ҳокимиятни қўлга олди ва Хива хонлигида янги сулола-қўнғирот сулоласига асос солди ва бу сулола 1920 йилгача ҳукм сурди. Муҳаммад Амин Иноқ туркманлар қўзғолонини бостирди.

Мовароуннаҳрда 100 йилгача давом этган Шайбонийлар даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинбарот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. 1512 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ноиби бўлиб келган Убайдулло султон 1533 йилда Шайбонийлар сулоласининг олий ҳукмдори этиб кўтарилди. Убайдулла султон Самарқанддаги Кўчкинчихон авлодлари қаршилиги сабаб ли олий ҳокимиятни Бухорода туриб бошқарарди. Шайбоний Убайдуллахон (1557-1539) даврида Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳат-дан кучайди ва Мовароуннаҳрнинг сиёсий-маъмурий марказига айлан-тирилди. Абдуллахон II даврида (1557-1561 йилларда амакиси Пирмуҳаммад, 1561-1583 йилларда отаси Искандархон олий ҳукмдор деб эълон қилинган бўлсада, амалда ҳукмдор Абдуллахон II эди) 1557 йилдан бошлаб, пойтахт расман Бухоро бўлиб қолади ва бу сана тарихга Бухоро хонлиги ташкил топган йил бўлиб кирди.

Абдуллахон II сиёсий тарқоқликка қарши узоқ йиллар уруш олиб бориб, 1573 йилда Фарғонани, 1574 йилда Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятларини, 1578 йилда Самарқандни, 1582 йилда Тошкент, Шохруҳия, Оҳангарон ва Сайрамни, 1583 йилда Фарғонани, 1584 йилда Бадахшонни, 1588 йилда Ҳиротни, 1595 йилда Хоразмни забт этиб, минтақани бирлаштириш ишини уддалади, Бухоро хонлигини кучли ва марказлашган давлатга айлантирди.

Шайбонийлар сулоласи (1500-1601), Муҳаммад Шайбонийхон-1500-1510, Кўчкинчихон-1510-1531, Абу Саидхон-1531-1533, Убайдуллахон-1533-1539, Абдулаҳон I-1539-1540, Абдулазизхон (Бухорода)-1540-1550, Абду-латиф (Самарқандда)-1540-1550, Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон)-1551-1556, Пирмуҳаммадхон I- 1557-1561, Искандархон-1561-1583, Абдуллахон II -1583-1598, Абдулмўминхон -1598-1599, Пирмуҳаммадхон - 1599-1601.

1601 йилдан эътиборан, Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи қўлига ўтади. 150 йилча (1601-1753) ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида тинчлик, осойиш- талик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амирлар ва бекларнинг ўзбошимчалиги, марказий ҳокимиятдаги амалдорлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, ур-йикитлар мамлакат тинқасини қуришиб борди. Буни аштархонийлар сулоласидан Бухоро тахтига кўтарилган ўн нафар хондан иккитасининг тахтдан ағдарилгани, тўрттасининг тахт устида ўлдирилгани ҳам яққол кўрсатади.

Бухоро хонлигида катта нуфузга эга бўлган манғит уруғининг вакили Муҳаммад Раҳим 1747 йилда ичкиликбозлик ва маишатбозликка берилиб кетган Абдул-файзхонни, сўнгра расман хон деб (сохта хон) эълон қилинган унинг ўғиллари: Абдулмўмин ва Убайдулло султонларни ўлдириб, ҳоки-миятни ўз қўлига олади. Муҳаммад Раҳим 1753 йилда ўзини Бухоро амири деб эълон қилади. Шундан эътиборан, Бухоро хонлиги

Бухоро амирлиги деб атала бошланди. Амирликда ҳокимият 1920 йилгача манғитлар сулоласи қўлида бўлди.

Аштархонийлар сулоласи (1601-1752), Боқимуҳаммад-1601-1605, Вали- муҳаммад - 1605-1611, Имомқулихон -1611-1642, Нодирмуҳаммадхон-1642-1645, Абдулазизхон-1645-1681, Субҳонқулихон-1681-1702, Убайдуллахон II- 1702-1711, Абулфайзхон-1711-1747, Абдулмўмин (сохта хон)-1747-1748, Убайдулла султон (сохта хон)- 1748-1752.

Амир манғитларга таяниб ҳокимиятни марказлаштиришга интилни. Барча қабилаларнинг ҳукмдорларини Бухорога йиғиб, улардан марказий ҳоки-миятга бўйсунганини талаб қилди, акс ҳолда, қаттиқ жазоланиши ҳақида огоҳлантирди. Тарқоқликни бартараф этиш мақсадида кўпгина бекликларга -Самарқанд, Жиззах, Ўратепа, Ҳисор, Бойсун, Шаҳрисабзга қарши қонли урушлар қилди, кўпгина вилоятлар вайрон бўлди. Муҳаммад Раҳим Нуротада истиқомат қилувчи буртут қабиласи кўзғолонини бостириб, уларнинг ҳарбий истехкомларини бузиб ташлаб, ўзларини Бухоро туманига кўчирди. Миён-қалъа қипчоқларига ҳужум қилиб, истехкомларини бузиб ташлайди, йўлбошчиларини қатл этиб, қолганларини кўчириб юборади.

Муҳаммад Раҳим вафотидан кейин ўзаро урушлар янада кучайди. Вилоят ҳукмдорлари манғитларнинг марказий ҳокимиятига қарши кўзғолонлар кўтарди. Кенагас, юз, баҳрин, бургут, сарой қабилаларининг кўзғолонлари, ҳокимиятга ўтирган Дониёлбийнинг уларни бостириш учун қилган уруш-лари минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Дониёлбий кўшинлар хара-жати учун кўшимча солиқлар жорий этиб аҳоли норозилигини оширди. Бухоро ҳунармандлари ва тижорат аҳли 1784 йилда кўзғолон кўтарди. Кўзғолонни бостириш жараёнида минглаб одамлар қурбон бўлди.

Бухоро хонлигидаги ички курашлар, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви сабабли у XVIII аср бошларида иккига бўлиниб кетди. Аштархонийлар ҳукмрон лигининг заифлашуви оқибатида Фарғона водийсига унинг шимоли-да ташкил топган Жунғорлар давлати тез-тез бостириб қирадиган, талон-тарож қиладиган бўлиб қолди. Бундай вазият Фарғонадаги ички кучларнинг бирлашувига, мустақил давлат тузишга интилишини кучайтирди.

Чуст яқинидаги Чодак қишлоғида яшовчи дин пешволарининг мавқеи XVIII аср бошларидаёқ Фарғонада анча кучайиб, ҳокимиятни қўлга олишга интилдилар. Бироқ, уларнинг ҳокимияти бошқа қабилалар томонидан тан олинмади. Бир гуруҳ ҳарбий зодагонлар Риштонда кўзғолон кўтариб Фарғона ҳокими Хўжа Аширқулни ўлдирадилар. 1710 йилда Қўқон атрофида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири-минглар ўз етакчиси Шохруҳбийни ҳокимият тепасига кўтарадилар. Шу тариқа, Қўқон хонлиги ташкил топади, ўзаро ички курашлар ботқоқига ботиб қолган Бухоро хони Убайдуллахон ўзига қарашли ҳудуднинг ажралиб чиқиб, алоҳида давлат тузишига қарши-лик кўрсата олмади. Қўқон хонлигида минг қабиласи сулоалари 1876 йилгача ҳукмронлик қилди.

Қўқон хонлари Фарғона водийсини, Хўжанд, Ўратепани бирлаштиргач, Қўқон хонлигининг мустақиллиги XVIII аср ўрталарида Бухоро давлати томонидан тан олинди. XVIII аср охирида Қўқон хонлари Тошкентни бўйсундиришга киришадилар.

1799 йилда Қўқон хони Норбўтабий Тошкентга юриш қилди, аммо, Чирчиқ бўйидаги жангда мағлубиятга учради. Юнусхўжа вафотидан кейин Қўқон хони Олимхон кўшинлари юриш қилиб, 1809 йилда Тошкентни ва унга қарашли ҳудудларни Қўқон хонлигига бўйсундиради.

Хонликлар тарихи иқтисодий ва маданий ҳаётнинг бир текисда борма- ганлигидан, айрим даврларда силжиш кузатилсада, хонликлар ўртасидаги ўзаро кураш авж олган йилларда эса таназзуллик ҳоллари юз берганлигидан гувоҳлик беради.

Шайбонийлар, хусусан Абдуллахон II даврида деҳқончилик ишларини ривожлантиришга аҳамият берилди. Зарафшон, Сирдарё, Амударё, Чирчиқ, Вахш, Мурғоб дарёлари бўйларида кўплаб каналлар, анҳорлар, ариқлар қазилиб, атрофдаги ерларга сув чиқарилган, янги экинзорлар ва боғлар барпо этилган. Биргина Қашқадарё бўйларидаги ерларга сув чиқарувчи ўндан ортиқ каналлар қазилганлиги ва ишлаб турганлиги маълум. Абдуллахон II даврида қурилган Зарафшон дарёсидаги Кармана, Мехтар Қосим, Чаҳор-минор, Жондор кўприк-сув айирғичлари, Санғзар дарёсидаги Туятортар канали, Амударё-Чоржўй канали, Тошкент вилоятидаги Заҳариқ, Нурота тоғлари сувларини тўпловчи Оқчоб ва Банд сув омборлари йирик иншоотлардан эди. Бу тадбирлар ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик каби соҳаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хива хонлигида ҳам сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган. 1681 йилда барпо этилган, узунлиги 143 км бўлган Шоҳобод, хон Али Султон (1558-1567) даврида қурилган узунлиги 96 км бўлган Ёрмиш, Янги-ариқ ва бошқа ўнлаб каналлар деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Хонликларда пахта, ипак ва жун газламалари етиштириш, тикувчилик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, кўнчилик, дурадгорлик асосий ҳунар-мандчилик тармоқлари ҳисобланарди. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари Эрон, Ҳиндистон ва бошқа қўшни мамлакатлар бозорларида ҳам сотилар эди.

Маданий-маърифий ҳаётда бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Бу йирик шаҳарларда бунёд этилган масжид, мадраса, работ, карвонсарой, ҳам-мом, бозор ва бошқа қурилиш мажмуаларида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги кунгача қад кўтариб келаётган Бухородаги Мир Араб, Абдуллахон, Қулбобо, Кўкалдош, Калон Абдулазизхон, Убайдуллахон мадраса ва мас-жидлари, Тошкентдаги Кўкалдош, Каффоли Шоший, Барокхон мадраса-лари, Самарқанддаги Шердор ва Тиллақори мадрасалари, Хивадаги Араб Муҳаммад-мадхон, Шерғозихон, Муҳаммад Амин Инок мадраса ва масжидлари хонлик лар даврида қурилган ва юксак маҳорат билан безатилган меъморчилик ёдгорликларидир.

Маданий ҳаётга назар ташлар эканмиз, хонликларнинг ижтимоий-сиёсий иқтисодий ҳаётини тасвирловчи кўплаб китоблар ёзилганлигининг гувоҳи бўламиз. XVI асрда ёзилган **Мулла Шодийнинг “Фотиҳнома”**, **Бинойининг “Шайбо-нийнома”**, **Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”**, **Абдуллоҳ ибн Насруллоҳийнинг “Зубдат ул-осор”**, **Фазлуллоҳ ибн Рўзбе-хоннинг “Мехмонно-майн Бухоро”**, **Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома”** каби асарлари хонликлар тарихини ўрганишда муҳим манбалардир.

Бухоро хонлиги тарихини ўрганишда ўша замонда ёзилган **Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор”**, **Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ал-мулук”**, **Муҳаммад Юсуф Мупшийнинг “Муқимхон тарихи”**, **“Абдурахмон Толенинг “Абдулфайзхон тарихи”**, **Хожамқулихон Балхийнинг “Қипчоқ-хон тарихи”**, **“Тарихи амир Ҳайдар”**, **“Фатхномаи султоний”**, **“Манғитлар хонадони салтанати қисқача тарихи”** каби асарлар муҳим ўринга эга.

Хива хонлиги тарихига доир кўпгина асарлар ҳам бизгача етиб келган. Улар орасида **Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”** ва **“Шажарайи тарокима”**, **Шермуҳаммад Мунис Хоразмийнинг “Фирдавс ул-иқбол ёки Иқболнома”**, **Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Риёз ад-давла”**, **“Иқболи Ферузий”** ва бошқалар шулар жумласидандир. Араб ва форс тилларида ёзилган бир қатор асарлар ҳам ўзбек тилига таржима қилинган.

Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда Мирза Қаландар Мушрифнинг **“Шоҳномаи Умархон”**, Мулла Ниёз Муҳаммад ибн Мулла Ашур Муҳаммад Хўқандийнинг **“Тарихи**

Шохрухий”, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий-нинг “Тарихи жаҳонна-мойи”, Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидайн Тошканд” каби асарлар ҳам муҳим манбалар ҳисобланади.

Хонликларда шоиру фозиллар адабиёт соҳасида ижод қилганлар. Бухорода ижод этган **Мирза Содик Мунший** 15 минг ғазал ва маснавий-лардан иборат “Девон” китобини яратди. **Фазлий, Мушриф, Махмур, Гулҳаний** ва бошқа кўплаб қалам соҳиблари XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда ижод этдилар. Қўқонда адабий муҳитнинг ривожига Умархон ва унинг хотини Нодира бегим катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таклифи билан сарой шоир-лари Фазлий ва Мушриф Қўқон шоирларининг “Мажмуат уш-шуаро” номли тазкирасини яратдилар, унга кўплаб ижодкорларнинг шеърлари киритилган эди. Қўқон хони Умархоннинг “Амирий” таҳаллуси билан гўзал ва нафис шеър уш-шуаро битганлиги ҳам маълумдир.

3. XVIII асрга келиб, бу вақтгача 2400 йиллик улкан тарихий тараққиёт йўли га эга ўзбек давлатчилигида бўлиниш, тарқоқлик ҳолати кўзга яққол ташланади. Бир сўз билан айтганда, миллат ва жамият бошқарувига даъво-гар ҳокимият уч ерда – Бухоро, Хива, Қўқонда алоҳида- алоҳида мужас-самлашганди.

Бухоро амирлиги. Бухоро амирлиги ўзбек хонликлари орасида ўзининг худо дий ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари жиҳатидан муҳим мавқеига эга эди.

XIX асрга келиб, Бухоро амирлигининг ҳудуди қарийб 200 минг квад-рат километрни ташкил этди. Бухоро амирлигининг пойтахти Шарқда энг нуфузли шаҳар сифатида эътироф этилган Бухорои шариф эди. Йирик шаҳар-лардан: Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Термиз, Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Қўлоб ва бошқалар амирлик тасарруфида эди. Марв ва Чоржўй шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги ўртасида, Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида тез-тез урушлар бўлиб, бу шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турарди.

XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 миллионча аҳоли яшарди. Аҳоли амирликнинг серсув воҳаларида яшаб, жазирама иссиқ, сувсизлик ҳукмронлик қилувчи Қизилқум саҳролари ва чўллари кимсасиз ястаниб ётарди. Аҳоли этник жиҳатдан кўпгина элатлардан иборат бўлиб, уларнинг кўпгина қисми, қарийб 57 фоизи ўзбеклар эди. Ўзбеклар бир қанча қабилалардан ташкил топган бўлиб, улар орасида манғит, сарой, қўнғирот, жаб-ғу, қорлуқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз қабилалари кўпчиликини ташкил этарди. Улар, асосан, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари-даги шаҳар ва қишлоқларда яшарди.

Бухоро амирлигининг Ҳисор, Душанбе, Шарқий Бухородаги Вахш, Ко-фирниҳон ва Панж дарёлари водийларида, асосан, тожиклар яшар эди.

Амирликнинг жанубий ва ғарбий қисмида туркманлар, шимолий- шарқий томонида қозоқ ва қирғизлар яшарди. Шунингдек, амирлик ҳудудида афғонлар, эронлар, араблар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқа этник гуруҳлар ҳам мавжуд эди. Аҳолининг аксарият кўпчилиги қишлоқларда истиқомат қиларди. Улар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланарди.

Амирликнинг иқтисодий ҳаётида қолоқлик, турғунлик ҳоллари мавжуд эди, аҳолининг турмуши паст даражада эди. Ерга эғалик шакли минг йиллар давомида ўзгармай келмоқда эди, аҳолига солинадиган ўлпон ва солиқлар ҳаддан ташқари кўп эди. Аҳолининг сотиб олиш қобилиятининг пастлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қиларди.

Бухоро амирлиги монархия туридаги давлат бўлиб, унинг ҳукмдори чек-ланмаган ҳокимиятга эга эди.

Манғитлар сулоласи (1753-1920), Мухаммад Раҳим-1753-1758, Дониёлбий-1758-1785, Шоҳмурод- 1785-1800, Ҳайдар- 1800-1825, Насрулло-1826-1860, Музаффар-1860-1885, Абдулаҳад-1885-1910, Олимхон-1910-1920.

Амирликда энг катта давлат лавозими-кушбеги-даргоҳ вазири, яъни бош вазир лавозими эди. Давлатнинг барча бошқарув идоралари унга итоат этар эди. Бир сўз билан айтганда, барча ижроия ҳокимият кушбегининг қўлида эди. Вилоят ва туман ҳокимлари ҳам кушбеги тавсиясига биноан тайинланар эди. Кушбеги хон истиқомат қилиб турган арки олийда турар эди.

Девонбеги- хонлиқнинг молия-хазина ишларини бошқарган. Солиқ ва жарима ларнинг ундирилиши устидан назоратни ҳам девонбеги амалга оширган. Давонбеги арки олийнинг бир четида яшаган.

Кўкалдош- (хон билан бир онадан сут эмган киши) бутун амирлик ҳудудида амирга ва амирликка нисбатан дўстона ёки душманлик муноса-батида бўлувчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаб ҳукмдорга етказиб турган.

Мушриф лавозимида ишлаган амалдорлар хонга инъом этилган буюмларни ҳамда ҳарбий анжомларни рўйхатга олиш билан машғул бўлган. Солиқ тушум ларини ҳам махсус дафтарга ёзиб борган.

Яна бир лавозим **Миршаб** бўлиб, тунги қоровуллар бошлиғи вазифасини бажарган.

Додхоҳ- фуқароларнинг арз ва шикоятларини тингловчи, ҳал этувчи мансабдор бўлган, буларни керак бўлса хон ёки кушбегига етказиб турган.

Иноқ- бу лавозимда ишлаган амалдорларнинг вазифаси амир фармойишларини бек ва бошқа табақадаги маҳаллий мансабдорларга етказишдан иборат бўлган.

Мирохур- амирнинг овчи кушларини тасарруф қилувчилар устида турган, хон овларини уюштириш ишига мутасадди бўлган.

Дастурхончи- амир ҳузурида уюштириладиган зиёфатлар учун масъул амалдор.

Китобдор- амир кутубхонаси бошлиғи.

Тўқсобо- - амир туғи соҳиби бўлган ҳарбий мансабдор.

Парвоначи- бирор шахснинг бирор лавозимига тайинланганлиги ҳақидаги ёрликни ўша шахсга етказувчи амалдор.

Садрлар- вақф мулкларини бошқарувчи мансабдорлар. Вақф муассасасининг бошлиқлари бўлган мутаваллилар садрларга бўйсунганлар. Садрлар-нинг вазифа ва ҳуқуқлари вақф ёрлиғи шартларида қайд этиб қўйилган. Садрлар вақф хўжалиги даромадининг маълум қисмини олардилар.

Шайхулислом- мусулмон жамоаси бошлиғи. Қозилик ишларида ҳамда кундалик ҳаётда қонунларга риоя этилишини таъминловчи амалдор. Бу лавозим авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган.

Катта қози (Қози калон)- давлатнинг олий қозиси (судяси). Амир аралашмай диган барча қозилик ишларига раҳбарлик қилувчи олий давлат лавозими. Қози калон “Шариат паноҳ” деб аталарди. Қози калон ҳузурида аълам ва 12 муфтийдан иборат девон тузилган. Унинг вазифаси жинойи ишларни ҳар томонлама кўриб чиқишдан иборат бўлган.

Муфтий- Қози калон мураккаб деб ҳисоблаган турли диний-ҳуқуқий масалалар бўйича, шариат қонунларига асосланиб фатво чиқарган. Бу фатво унинг ёки бир неча муфтийнинг муҳри билан тасдиқлангач, қозига берилар эди. Қози бу фатвога асосланган ҳолда ҳукм чиқарарди.

Амирликда амалдорлардан ташқари диний уламолар ҳам ҳукмрон мавқега эга эди. Улар ўзларини Мухаммад пайғамбарнинг авлодларимиз деб ҳисобловчи саййидлар ҳамда чорёр ҳалифалар- Абубакр, Умар, Усмон ва Али авлодлариданмиз дейувчи хўжалардан иборат эди. Улар катта ер-сувга, савдо дўконларига, хунарамандчилик

устахоналарига эга эдилар. Амирликда жўйбар шайхлари алоҳида мавқега эга бўлиб, XIX асрда улар Бухорода 16 маҳалла бўлиб яшарди.

Судлов ишларида шариат қонун-қоидаларига риоя этилишини таъмин-лашда Шайхулислом, Аълам ва қозилар амирнинг энг яқин ёрдамчилари эди. Амирликда энг катта мансабдорлардан бири Қози калон ҳисобланарди. Унинг маҳкамасида ҳар бир вилоятдан биттадан қози иш олиб борарди. Уларни амирнинг ўзи тайинларди. Қози дин масалалари, оила, мерос, жиноий ишларга оид масалалар бўйича ҳукмлар қабул қиларди.

Бухоро амирлиги бекликларидан иборат эди. Ҳар бир бекликни амир томонидан тайинлаб қўйиладиган ҳокимлар-беклар идора қиларди. Ҳоким ҳузурида юзлаб маҳаллий маъмурлар хизмат қиларди.

Амир қўшинининг жанговарлик даражаси паст эди. Аскарлар ҳарбий машқларга нисбатан кўпроқ меҳнат билан банд бўларди. Сипоҳликка 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркаклар олинарди, қўшин сафида кексайиб қол-ганлар анчагина бўларди. Амирликнинг йиллик даромади 2 миллион 300 минг сўм бўлгани ҳолда, улардан 1 миллион 300 минг сўми қўшинни сақ-лашга сарфланарди.

Хива хонлиги. Манбаларда кўрсатилишича, XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигининг ҳудуди 19 минг квадрат милни ташкил этган. Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Қиёт, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (Ҳозирги Чимбой) шаҳарлари хонликнинг йирик шаҳарлари эди. Ўрта Осиёнинг энг бой савдо марказларидан бири бўлган Хива шаҳри хонликнинг пойтахти ҳисобланарди. Шаҳар икки қисмдан Ичан қалъа (шаҳар нинг ички қисми) ва Дишон қалъа (шаҳарнинг ташқи қисми) дан иборат эди. Ичан қалъада хон қароргоҳи ва ҳарами, 17 та масжид, 22 та мадраса, карвон-сарой ва бозор жойлашган бўлиб улар асосан, XIX асрда барпо этилган. 1842 йилда Дишон қалъа қурилиб, девор билан ўраб олинади. Дишон қалъада хунарамандлар, савдогарлар, мардикорлар, қисман деҳқонлар ҳам истиқомат қилганлар.

Хива хонлигида тахминан 800 мингга яқин аҳоли яшарди. Аҳолининг кўпчилиқ қисми ўзбеклар бўлиб, улардан энг кучли ва кўп сонлилари қўн-ғирот, найман, қиёт, уйғур, нукуз, қангли, хитой, қипчоқ қабилалари эди. Ўзбек қабилалари асосан Амударё тармоқ ёйган қисмида, канал бўйларида жойлашган эди.

Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 йиллар) даврида хонликдаги ўзаро урушлар бироз тинчиди, хонликни бирлаштириш ниҳоясига етди. Қорақал-поқлар ҳамда туркманларнинг чарвадор қабилалари ҳам бўйсундирилди. Мамлакатда ўтказилган солиқ ислоҳоти, божхона жорий этилиши, олтин пул зарб қилиниши хўжалиқ ишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз вақтида йиғиб олинган солиқлар хонлик даромадини оширди.

Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлар сингари Хива хонлиги ҳам монархия туридаги давлат эди. Давлат тузуми Бухоро амирлигига ўхшарди. Олий ҳо-кимият хон қўлида бўлиб, унинг ҳуқуқи чегараланмаган -ҳокими мутлақ эди. Хива хонлигида кулчилик расмий жиҳатдан ҳамон мавжуд эди. Дишон қалъада кул бозори бўлиб, сотилгунча кулларни ушлаб турувчи махсус бино мавжуд эди. Кул савдоси айрим тоифадаги одамлар учун даромадли эди, кул сотиш билан кўпроқ туркманлар шуғулланарди. Улар Эрон, Афғонистон, Бадахшонга ҳужум қилиб, қишлоқ аҳолисини кул қилар, бозорда сотарди.

Хива қўнғиротлари сулоласи 1770-1920

Муҳаммад Амин-1770-1790, Авазхон -1790-1804, Элтузархон- 1804-1806, Муҳаммад Раҳимхон I -1806-1825, Оллоқулихон -1825-1842, Раҳимқули хон- 1842-1845, Муҳаммад Аминхон- 1845-1855, Абдуллахон -1855-1856, Қутлуқ муродхон-1856, Саййид Муҳаммадхон- 1856-1864, Муҳаммад Раҳим хон II -1864-1910, Исфандиёрхон-1910-1918, Саййид Абдулла-1918-1920

Хонликда энг нуфузли лавозим бош вазир ёки кушбеги бўлиб, у со-ликларни тўплаш ва хоннинг топшириқларини бажариш билан шуғуллан- ган.

Саройда Оталиқ, Раис, Қози калон, Ясовулбоши каби амалдорлар хон хизматида бўларди. Девонбеги хон девонини бошқарарди. Хазиначи хон-ликнинг кирим ва чиқим ҳамда сарф-харажатларини юритар, бу ҳақда хон ёки бош вазирга ҳисоб берар эди.

Хива хонлигида тахминан 40 минг отликдан иборат қўшин бўлиб, қўшинга Лашкарбоши қўмондонлик қилган. Аскарлик хизматида бўлганлар солиқлар- дан озод этилган. Юришда қатнашган ҳар бир суворий 5 олтин танга олган.

Қўқон хонлиги. XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги худудий жиҳатдан Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди. Қўқон хонлиги Шарқда Шарқий Туркистон, Ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош эди. Хонлик худуди шимолда учала қозок жузларини батамом ўзига бўйсун- дириб олган Россия билан чегараланарди. Хонликнинг жанубий чегаралари Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Шўғнон сингари тоғли худудларни ўз ичига олар, бу худудлар учун Бухоро амирлиги билан қонли урушлар бўлар, улар қўлдан-қўлга ўтарди.

Қўқон хонлиги худуди Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқли ўлароқ, серсув дарёлари, сўлим водийлари, серҳосил, саҳоватли ерлари кўп эди. Хонлик нинг маркази Қўқон, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар жойлашган Фарғона водийси эди. Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиё-Ота, Пишпак, Сўзак, Оқ мачит каби йирик шаҳарлар ҳам Қўқон хонлиги тасарруфида эди.

Қўқон хонлигида аҳоли нисбатан зич жойлашган бўлиб, тахминан 3 миллионча киши яшарди. Хонликнинг пойтахти Қўқонда 80000, Тошкент шаҳрида 60000 аҳоли яшаган.

Қўқон хонлигида давлат бошқаруви Бухоро ва Хиваникига ўхшарди. Хон ҳуқуқи ҳеч нима билан чегараланмаган, ҳокими мутлақ эди. Хондан кейинги иккинчи шахс вазир ҳисобланиб, муҳим давлат масалаларини хон билан келишган ҳолда ҳал этарди. Марказий давлат бошқарувида Кушбеги, Оталиқ, Девонбеги, Мингбоши, Шайхулисом, Қозикалон, Парвоначи, Шиғовул, Саркор, Иноқ, Дастурхончи, Амин, Ясовулбоши каби амалдорлар хизмат қиларди. Сарой қошида махсус кенгаш тузилган бўлиб, унинг таркибига энг олий мансабдор шахслар кирган. Хон кенгашнинг раиси ва масалани ҳал қилувчи шахс эди.

Қўқонда минглар сулоласи (1710-1875)

Шохруҳ -1710-1721, Абдурахим -1721-1733, Абдулкарим- 1733-1750, Абдурахмон -1750 (9ой), Эрдона -1751-1752, Бобобек -1752-1753, Эрдона (ик-кинчи марта) -1753 -1762, Сулаймон -1762-1763, Норбўта -1763-1798, Олимжон-1798-1810, Умархон-1810-1822, Муҳаммадалихон-1822-1842, Шералихон-1842-1844, Мурод-хон 1844, Худоёрхон -1845-1858, Маллахон -1858-1862, Худоёрхон (иккинчи марта) -1862-1863, Султон Саййидхон -1863-1865, Худоёрхон (учинчи марта) -1865-1875.

Қўқон хонлиги 15 беклик, ҳарбий округга бўлинган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпига хоннинг ўғиллари ёки қариндошлари ҳокимлик қиларди. Ҳокимлар ўз худудидаги ҳарбий кучлар қўмондони ҳамда фуқаролик бош-қарувининг бошлиғи эди.

4. Темурийлар ҳукмронлигидан сўнг- яъни XVIII асрдан XX асрнинг бош-ларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик жаҳолат ва қолоқликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган, минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама – қаршилиқлар, уруш жанжаллар гирдобидида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан, балки, ижтимоий маънавий фикр ривожидида ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум» - деб Президентимиз Ислоҳ Каримов ўз асарида бу давр ҳақида ҳаққоний фикрни билдирган эди.

Чор Россияси бутун Сибирни босиб олиб қозоқ ва қирғизлар яшовчи ҳудудлар - кичик жуз, ўрта жуз ва катта жузни ўзига бўйсундириб, энди Ўрта Осиёга силжиб келмоқда эди. Россия билан Қўқон хонлиги бевосита чегара-дош бўлиб қолган эди.

Вазият учала хонликнинг бирлашиб, душманни даф этиш йўлидан бори-шини талаб қиларди. Амалда эса бунинг акси бўлди. Улар бирлашиш ўрнига ўзаро курашни авж олдирдилар. Хусусан, Қўқон хонлигида нотинч-лик, ҳокимият учун ички кураш авж олиб кетди.

Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822-1841) тахтга ўтиргандан бошлаб, 1834 йилгача Қоратегин, Қўлоб, Дарвоз вилоятига тўхтовсиз юришлар қилиб, уларни Қўқон хонлигига бўйсундиради. 1826-1831 йиллар давомида эса бир неча марта Қашқарга бостириб борди, хитойликлар билан уруш қилди, минг-минглаб кишиларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлди.

Хондан норози бўлганлар 1839 йилда ўз элчиларини Бухоро амири Насрулло ҳузурига юбориб, ёрдам сўрайди. Бу вақтда Бухоро амири билан Қўқон хони ўртасида Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд учун уруш бораётган эди. Амир Насрулло Қўқон қўшинини тор-мор этиб, Жиззах, Ўратепа ва Хужандни ўз тасарруфига киритди. Энди Қўқон сари отланди. Айни пайтда, 1841 йилда Муҳаммада лихоннинг зулмига қарши Қўқон шахри аҳолиси қўзғолон кўтарди. Хон ўрдадан қочиб кетди. Қўзғолончилар талабига бино-ан бир неча айбдор шахслар қатл этилди.

Халқ Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга Хужум қилмоқчи бўлган-лигини эшитгач, қўзғолонни тўхтатдилар. Бухоро амири ўз қўшинлари билан Қўқонга яқин жойлашган Бешарикқа келганда Муҳаммадалихон элчи лар орқали амир Насруллога қимматбаҳо совғалар юбориб, Хўжандни амир га топширди ва ўзини Бухоро амирининг ноиби деб тан олди. 1842 йили Бухоро амири Насрулло Қўқонга қарши ўз қўшинларини сафарбар этади. Қўқон қўшинлари тор-мор этилди. Қўқон хонлиги Бухоро амирлигига бўйсундирилди.

Қўқон хонлигининг мустақиллиги тикланди. Тахтга Норбўтабийнинг укаси Шерали ўтказилди. Қўқон хонлиги мустақиллигини тиклашда минг қабиласига катта мадад берган кипчоқлар хонлик сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб олдилар. Кипчоқлар йўлбошчиси Мусулмонқул қўшин бошлиғи, бош вазир, бош маслаҳатчи этиб тайинланди. Амалда давлат бошқаруви ишлари унинг қўлида тўпланган эди. Энг масъулиятли давлат ишлари лавозимларига ҳам кипчоқ зодагонлари тайинланди.

Қўқондаги мағлубиятга чидай олмаган амир Насрулло яна Қўқонга юриш қилди. У Қўқон шахрини 40 кун қамалда тутди. Айни пайтда Хива хони Оллоқулихон Бухоро амирлигига қарашли Чоржўйга хужум бошлайди. Амир Насрулло Бухорога қайтишга мажбур бўлади. 1843 йилда Хазорасп яқинида Бухоро ва Хива қўшинлари ўртасида катта жанг бўлди. Амир Насрулло мағлубиятга учрайди. Бундан фойдаланган Қўқон хонлиги Хўжанд билан Тошкентни яна ўз тасарруфига киритди.

Шералихон ҳукмронлиги даври аҳолидан солиқ ундиришнинг кучайиши билан ажралиб туради. Бу ҳол меҳнаткаш аҳолининг норозилигини келтириб чиқарди. Бундан ташқари, давлат ишларида муҳим лавозимларни эгаллаб олган кипчоқлар давлат ҳаётининг ҳар бир соҳасида ўз ҳукмрон-ликларини ўтказишга, бошқа ўзбек қавмлари, қирғиз ва тожикларнинг мамлакат ҳаётидаги таъсирини камайитиришга уриндилар. Муродхон Исфара ҳокими-нинг таклифига кўра, Қўқонга келади ва тахтга даъво қилади. Бу бўлаётган катта “сиёсий ўйин” нинг тагида нима ётганини тушуниб етган Шералихон Муродхон фойдасига тахтдан воз кечади. Тез орада Муродхон буйруғи билан Шералихон ўлдирилади. Мусулмонқулга эса ўз лавозимларида қолганлиги ҳақидаги фармон жўнатилади. Машғум нияти амалга оша бошлаган Мусулмонқул ўз қўшинлари билан Наманганга келади. Аввал ишни ўзининг 12 яшар қизини марҳум

Шералихоннинг ўғли Худоёрхонга никоҳлаб беради. 13 ёшли Худоёрхон бу даврда Наманган ҳокими эди. Шундан сўнг Қўқонга келиб, Муродхон ва уни қўллаб қувватлаганларни фитначи сифатида айблаб, уларни қатл эттиради. Куёви Худоёрхонни тахтга ўтказди. Худоёрхон ёш бўлганлиги туфайли амалда хонликни қайнотаси Мусулмонкул бошқаради. Шундай қилиб, хонликда амалда қипчоқлар ҳукм ронлиги даври бошланади.

Эндиликда қипчоқлар Қўқонга ёппасига кўчиб кела бошладилар, маҳал-лий аҳолини шаҳардан ҳайдаб чиқардилар. Уларнинг уй-жойларига эгалик қилиб олдилар. Суғориш иншоотларини қўлга киритдилар, аҳоли энди сув учун қипчоқларга солиқ тўлайдиган бўлдилар. Буларнинг бари ўз навбатида хонликда ҳукмронларга қарши кўзғолон кўтариш хавфини туғдирди. Бундай вазиятда Мусулмонкул ўз мавқеини йўқотмаслик йўлида руслар билан алоқа ўрнатишга интилади ва рус кўмондонлиги вакили В.В. Вельяминов-Зернов билан махфий равишда учрашади. Бу ҳол Худоёрхонни қаттиқ чўчитиб қўйди. Ана шундай шароитда хон бирдан-бир тўғри йўлни танлади. Бу йўл-қайнатаси Мусулмонкул ва қипчоқлар ҳукмронлигига хотима бериш йўли эди. У шундай қилди ҳам. Бироқ, бу ният жуда шафқатсизлик билан амалга оширилди. 1852 йил 9 октябр-Қурбон ҳайити куни у Тошкентдан чақирилган кўшин билан қипчоқлар қирғинини уюштирди. Унинг бу йўлини маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлади. Қайнотаси Мусулмонкул асир олинди, Қўқонга келтирилди ва қатл этилди. Қипчоқларнинг мол-мулклари мусодара қилинди, улар маҳаллий аҳолига сотилди. 1854 йилда қипчоқлар Андижон ва Марғи-лонда кўзғолон кўтарди. Бухоро амири кўзғолончиларга мадад берди. 1855 йилда яна кўзғолон кўтарилди. Тошкент, Чимкент, Туркистон шаҳарларида ҳам кўзғолонлар бўлди.

Халқнинг норозилигидан фойдаланиб, хоннинг укаси Маллабек кўшин тўплаб, 1858 йилда хон тарафдорларини тор-мор келтирди ва Қўқонни эгаллади. Худоёрхон Бухорога қочиб кетди. Маллахонга ҳам фитна тайёр-ланди ва 1862 йилда Маллахон ўлдирилди. Шохмурод хон деб эълон қилинди. Маллахоннинг тарафдорлари қатл этилди.

Худоёрхон Тошкентга келди ва Бухоро амири ёрдамида 1863 йилда яна Қўқон тахтини эгаллади. Бироқ лашкарбоши Алимкул Худоёрхонга қарши уруш бошлади. Худоёрхон яна Бухорога қочишга мажбур бўлди. Алимкул Маллахоннинг ўғли Султон Саййидхонни Қўқонхони деб эълон қилди. Аммо, бу билан Қўқон хонлигида сиёсий барқарорлик таркиб топмади. Худоёрхон 1865 йилда учинчи марта тахтни эгаллайди. Тахт учун ўзаро ички курашлар авж олиб борарди.

Чор Россияси босқини арафасида Бухоро амирлигида ҳам зодагонлар ва бекларнинг мол-мулк, тахт, амал талашиб ўзаро зиддиятлари кучайди, қирғин барот урушлар бўлди. 1826-1860 йилларда амирлик қилган Насрулло шафқатсиз ҳукмрон эди. Амир Насрулло амирликдаги парокандаликни тўхта-тиш учун шафқатсиз урушлар қиларди, бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқ аҳолисини қиличдан ўтказарди. Бунга ўзини мустақил деб ҳисобловчи Шаҳрисабз беклигига қарши олиб борилган қонли урушлар мисол бўла олади. Амир Насрулло Шаҳрисабзга қарши 32 марта ҳужум қилиб, охири 1856 йилда уни забт этди.

Ўзбек хонликларининг ҳукмдорлари Рус давлати тажовузларига эъти-борсизлик, масъулиятсизлик қилди. Ўзаро урушлар гирдобига ботиб, катта кучларини беҳуда қурбон қилди, мамлакат бойлигини бесамар ишларга совурди. Вақтини айши-ишрат, кайфу сафода ўтказди.

Дарҳақиқат, XVII-XIX асрлар жаҳон тарихига моддий ва маданий юксалиш даври бўлиб кирганлиги маълум. Хусусан, Европадаги бир қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди, завод-фабрикалар қурилиб, янги техник ускуналар

билан жиҳозланди, темир йўллар курилди, қитъалараро денгиз йўллари очилди, меҳнат унумдорлиги ошди, одамлар- нинг моддий ва маданий турмуш даражаси кўтарилди. Ўрта Осиё хонлик-лари ана шундай ижобий жараёнлардан четда қолди, қолоқликка юз тутди.

Ўзбек хонликлари ҳаётидаги қолоқликнинг илдизи, сабаблари нималардан иборат? Бизнингча, бундай қолоқликка бир қатор омиллар сабаб бўлганди.

Хонликларнинг асрлар давомида ўзгармай келаётган давлат идора усули, тор доирадаги ҳукмдорлар зулми тараққиётга ғов бўлиб қолган эди.

Асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, бир иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган аҳолининг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги парокандалик, бош-бошдоқлик ва ўзаро ҳокимият учун тинимсиз давом этган ички кураш, иғво-фасоднинг авж олиши, ўзаро низо-жанжаллар, урушлар вилоят ва туманларни, қола-верса, бутун мамлакатни хонавайрон қиларди.

Аҳоли хон ва бекларнинг, лавозимдаги амалдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан, суистеъмолчиликларидан, ғайри қонуний солиқ ва тўлов-лардан азоб чекарди. Турмуш даражаси паст бўлиб, аҳоли истеъмол учун энг зарур бўлган тор доирадаги оддий буюмлар ва маҳсулотлар билан қаноат-ланарди. Ишлаб чиқаришнинг фақат истеъмолга йўналтирилганлиги иқтисо-диётнинг ўсиши учун туртки беролмасди.

Дехқончилик ночор аҳволда эди. Ерга ишлов бериш ўша-ўша бир жуфт хўкиз, сўқа-омоч даражасида қолиб кетган эди. Ирригация иншоотларига аҳамият пасайиб, суғориладиган ер майдонлари қисқариб борарди.

Хонликларда саноат ишлари ривожланмади. Олтингугурт, рангли ме-таллар, мармар, тошқўмир, нефт каби табиий бойликлар тўла бўлган конлар бўлсада, уларни қазиб олиш, кон-тоғ ишларини йўлга қўйишга бефарқлик қилинди. Ўлкада етарли даражада йирик дарёлар бўлсада, уларда балиқчи ликни ривожлантириш, кemasозликни йўлга қўйиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди.

Ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий бекарорлик, иқтисодий ва ҳар-бий ночорлик кўшни мамлакатларни ўз тасарруфига киритиб олиш сиё-сатини жадаллаштираётган Чор Россиясига қўл келди. Хонликлардаги паро-кандалик, ўзаро низо ва урушлар, охир-оқибат, уларнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва мустамлакага айланишига олиб келди.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Бухоро хонлиги, Хива хонлиги, Қуқон хонлиги, Шайбонийлар сулоласи Шайбонийхон, Дашти Қипчоқ, Исмоилшоҳ ҳукмронлиги, 1557 йил, Абдулла хон II, Аштархонийлар, Мухаммад Раҳимхон, деҳқончилик, маданий ҳаёт, Бухоро амирлиги, хонликлар аҳолиси, Манғитлар сулоласи, бошқарув тизими, Қўнғиротлар сулоласи, Минглар сулоласи, ўзаро ва ички курашлар, ўзаро урушлар, Насруллохон, Худоёрхон, хонликлар ҳаётидаги қолоқлик.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., 1998 йил.
- 2.Каримов И.А. Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлан-ган тантанали маросимлардаги табрик сўзи. Халқ сўзи. 1994 йил 21 октябрь.
- 3.Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Шарқ. Т., 2000 йил.
- 4.Муртазаева Р. Ўзбекистон тарихи. Т, 2003 йил. 239-334 бетлар
- 5.Усмонов Қ, М.Содиқов, Н.Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. Т.,2002 йил. 194-220 бетлар
- 6.Ўзбекистоннинг янги тарихи. I китоб. Туркистон Чор Россияси мустамла-қачилиги даврида. Т., 2000 йил.
- 7.Ўзбекистон тарихи. I қисм. Т., 1999 йил 95-323 бетлар

**12 – М А В З У : ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОННИ БОСИБ
ОЛИШИ, ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ
ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК
КУРАШИ.ЖАДИДЧИЛИК**

Р е ж а :

1. Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик идора усулининг жорий этилиши.
2. Мустамлакачиларнинг иқтисодий, маънавий-маданий сиёсати ва амалиёти
3. Чоризм мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракати. 1916 йил халқ қўзғолони.
4. Туркистонда жадиждлар ҳаракатининг вужудга келиши. Жадиждларнинг маданий оқартувчилик ва истиқлолчилик фаолияти.

1. “Тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирламлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъий билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўкотадиган бўлса, охир-оқибатда, ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигини жудл бўлиши шубҳасиз. Минг афсуски, ана шундай машъум қисмат Туркистон халқларини ҳам четлаб утмади: XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир қаторда авваламбор, ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоқлик, хукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги, маънавий заифлиги оқибатида рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди..” – деганди Президентимиз Ислом Каримов, бу аччиқ ҳақиқатни бугун ҳаётга ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга сабоқ бўлсин деб уқтирганди.

Россия подшоҳи Пётр I замонида “Шарқни эгалла” сиёсати юритилди. Бу сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири Туркистонни эгаллаш эди. Туркис-тонни босиб олиш режаси тузилди. Хива, Бухоро, Қўқон хонликларининг Ғарбий, Шимолий, Шарқий чегараларида ҳарбий истеҳкомлар куриш, хонликларни Россия тобелигига олиш мақсадида катта ҳарбий экспедициялар уюштирди. 1715 йилда Шарқий чегараларда Бухгольц раҳбарлигида, 1716-1717 йилларда Хива хонлигида Бекович-Черкасский раҳбарлигида ҳарбий экспедициялар тажовузқорона ҳаракат қилдилар. 1721-1724 йиллар да Флорио Беневени бошлиқ элчилар Бухорода жосуслик фаолиятини юритди. XVIII аср давомида Рус давлати қозоқ ва қирғизларнинг Кичик Жуз, Катта Жуз худудларини ўзига бўйсундириб, уларнинг худудида ўзбек хонлик-ларига бостириб боришда фойдаланиш мақсадида 46 та катта ва 96 та кичикроқ ҳарбий қалъа ва истеҳкомлар қурдиради, уларга қўшинларини жойлаштиради.

XIX аср ўрталарида икки йирик мустамлакачи империя-Буюк Британия ва Россия давлатлари манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Уларнинг ҳар бири ўзбек хонликларини ўз таъсир доирасига олиш, ўз манфаатлари йўлида хонликларнинг бойликлари, табиий ресурсларидан фойдаланиш, ўз мустам-лакасига айлантиришга интиларди. Шу боисдан инглиз-рус рақобати кундан-кунга кучайиб борди.

Буюк Британиянинг Ўрта Осиёга кириш ва уни эгаллашга интилиши чор Россиясини ташвишга солди. У хонликларга бевосита чегарадош бўлганидан фойдаланиб, ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди.

Хонликларнинг Шимолий-Ғарбий худудида Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский катта қўшин билан ҳужумга шайланиб турарди. У 1834 йилда Каспий денгизи қирғоғидаги Манғишлоқда ҳарбий истеҳком куриб, унга Ново-Александровская деб ном берди. 1845 йилда Оренбург ва Ёйиқ, 1847йилда Сирдарёнинг Орол денгизига

куйилиш жойида Раим (Орал) ҳар-бий истехкомлари стратегик аҳамиятга молик бўлган Оқмасжид қалъасини босиб олади ва у ерда мустаҳкам ўрнашади.

Хонликларнинг Шимолий-Шарқий томонида эса Ғарбий Сибир генерал-губернатори Г. Госфорд ҳужумга тайёрланиш учун 1847йилда Еттисувдаги Улутов яқинида иккита ҳарбий истехком, 1848йилда Қорабулоқ қалъасини, 1854 йилда Олмота овули ёнида Верний истехкомини қуриб, ҳарбий кучларни жойлаштиради. 1860 йилда Қўқон хонлиги ҳудудига қарашли ҳар-бий истехкомларга ҳужум қилиб, Тўқмоқ, Пишпак ва бошқа қалъаларни бирин-кетин босиб ола бошлади.

Перовский ва Госфордларнинг ҳарбий ҳаракатлари амалда Россиянинг Ўрта Осиёга эълон қилинмаган босқинчилик юришининг бошланиши эди.

Туркистонни босиб олиш масаласи подшоҳ Александр II томонидан 1859 ва 1861 йилларда ўтказилган сарой кенгашида муҳокама қилинади ва биринчи навбатда Қўқон хонлигини бир ёқли қилиш, унга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилинади. 1864 йил май ойида Қўқон хонлиги ҳудудига Шарқ томондан полковник Черняев қўмондонлигидаги Россия қўшинлари, Ғарбдан полковник Веревкин қўшинлари бостириб кирди. Улар томонидан Қўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарлари Авлиёта, Сўзак, Туркистон шаҳарлари эгалланди. Босқинчилар 1864 йил 14 июлда Чимкентга юриш бош-ладилар. Бу орада Қўқон хони Султон Мурод ва лашкарбоши Мулла Алим-кул бор кучларини тўплаб Чимкент атрофида жангга тайёрландилар. Уч кун давомида қаттиқ жанг бўлди. Манбаларда ёзилишича, жангда шундай қирғин бўлдики, ўликлардан тепалар ҳосил бўлди. Жангда Мулла Алимкул қўшин-лари ғолиб чиқди, Черняев қўшинлари жангда енгилиб орқага чекинишга мажбур бўлди.

Мулла Алимкул ўз қўшинлари билан Қўқонга кетди. Вазият Черняевга қўл келди, унинг қўшинлари Оренбург отрядлари билан Сайрамда қўшилиб 1864 йил 14 сентябрда Чимкентга янгидан юриш уюштирди ва шаҳарни босиб олди.

Черняев 1864-1865 йил кишини тайёргарлик билан ўтказди, унинг қўшин-лари Сибир ва Оренбургдан етиб келган қурол-яроқ, янги батальонлар, сапёрлар роталари билан тўлдирилди. Маҳаллий аҳоли орасида ўз Ватанига хиёнат қилувчи, душмандан паноҳ изловчилар ҳам топилди. Абдурахмонбек, Саидазимбой, Соатбой каби сотқинлар Тошкентни эгаллашда Черняевга қўмаклашдилар. 17 июнда Черняев Тошкентнинг нуфузли кишилари билан музокара олиб боради ва зўравонлик билан шаҳарнинг ўз ихтиёри билан рус қўшинларига таслим бўлгани, шаҳар аҳолиси ўз динида қолиши, ишлар шариат асосида олиб борилиши, ҳовли ва боғлар ўз эгалари қўлида қолиши тўғрисида икки томонлама аҳднома имзолатади. Тошкент Россия империяси нинг таркибий қисмига айлантирилди. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон вилояти тузилди, унинг ҳарбий губернатори этиб М. Черняев тайинланади.

Черняев 1866 йил январида Жиззахга ҳужум қилади ва мағлубиятга учрайди. Ўзбошимчалиги учун Черняев Санкт -Петербургга чақириб олина ди, ўрнига генерал Д. Романовский тайинланади.

Романовский Сибир ва Оренбургдан ёрдам олиб Бухоро амирлигига қарши юриш бошлади. Чор Россияси қўшинлари томонидан Қўқон хонлиги ҳудудлари босиб олинаётган пайтда Бухоро амири тамошабин бўлиб турган бўлса, энди Бухоро амирлиги ҳудудларига ҳужум бошланган пайтда Қўқон хони Худоёрхон сукут сақлаб турди, модомики, у амир Музаффар хомий-лигида Қўқон тахтини учинчи марта эгаллаган эди. 1866 йил май ойида Ержарда бўлган жангда амир Музаффар қўшинлари енгилди, амир Жиззахга қочди. Романовский юришни Хўжанд томонга йўналтирди, 1866 йил 19-22 май кунлари бўлган қаттиқ жанглар натижасида Хўжандни эгаллади.

Александр II 1867 йил 14 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги ва Туркистон ҳарбий округини тузиш тўғрисида фармон берди. Генерал-губернатор ва округ қўмондони этиб генерал-адъютант К.П. Фон Кауфман тайинланди. Унга бирор давлатга уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, ҳарбий-маъмурий, молиявий-иқтисодий, фуқаролик ишларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқлари берилган, шу боисдан у “Ярим подшоҳ” деб аталарди. Бу тадбир Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш йўлидаги ҳаракатида янги босқич бўлди.

Фон Кауфман Самарқандга томон юриш бошлади. 1868 йил 1 май куни шаҳар яқинидаги Чўпонота тепалигида Бухоро амири қўшинлари би-лан жанг қилиб, уларни осонгина мағлубиятга учратди, бир пайтлар доғруғи оламини тутган Самарқанд 2 май куниёқ деярли жангсиз душманга таслим бўлди.

Бухоро амири ўз қўшинларини тўплаб душманни даф этиш учун Самарқанд томон юрди. Фон Кауфман бу хабарни эшитиб, Бухоро томон юрди. Икки томон қўшинлари Зирабулоқда 1868 йил 2 июнда тўқнашди, қаттиқ жанг бўлди, амир қўшинлари тор-мор этилди. Бу орада Самарқандда исти-лочиларга қарши қўзғолон кўтарилди. Шахрисабз, Китоб беклари Жўрабек ва Бобобек ҳамда амирнинг ўғли Абдумалик Тўра 27 май куни Самарқандга қўшин билан етиб келиб, қўзғолончилар билан биргаликда Фон Кауфман томонидан Самарқандда қолдирилган полковник Назаров ва майор Штемпел бошлиқ ҳарбий қисмлар билан қаттиқ жанг қилдилар. Жанг 8 кун давом этди. 500 кишидан иборат душман кучларидан 275 таси ўлдирилди ва ярадор қилинди. Самарқандаги воқеалардан хабар топган Фон Кауфман зудлик билан Самарқандга қайтиб келади ва 8 июн куни шаҳарни тўплардан ёппа-сига ўққа тутишга, аҳолини беомон отиш, шаҳарни ёндиришга буйруқ беради. Аҳоли қирғин қилинди, масжидлар ва тарихий ёдгорликлар ёндирилди, қадимий ноёб моддий ва маънавий обидалар Петербургга олиб кетилди.

1968 йил 23 июнда Кауфман билан амир Музаффар ўртасида сулҳ битими имзоланди. Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига, яъни хорижий мамлакат лар билан мустақил алоқалар қила олмайдиган давлатга айлантирилди. Сулҳга биноан Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон, Россия империяси таркибига киритилди, амир 125 минг тилла (500 минг сўм) товон тўлаш мажбуриятини олди. Бундай босқинчилик, талончилик сулҳи аҳоли юқори табақа вакилларининг нафратини кучайтирди.

1873 йил 12 августда Хивага яқин Гандимиён қишлоғида Кауфман билан Раҳимхон учрашуви бўлди, тарихда Гандимиён шартномаси деб ном олган шартнома имзоланди. Шартномага мувофиқ, Хива хонлиги Россиянинг вассалига айлантирилди. Амударё куйи оқимининг ўнг томонидаги ерлар Россия империяси таркибига киритилди, хонликка 2 миллион 200 минг сўм товон тўлатиш юклатилди, Россия савдо-саноатчилари Хива хонлигида бож ва мажбуриятларни бажаришдан озод этилди. Хон ўзини Россия подшоҳи-нинг итоаткор хизматкори деб тан олишга мажбур бўлди.

Кауфман Хива хонлиги тақдирини ҳал қилгач, Қўқон хонлигини туга-тишга киришди. Бу вақтда Қўқон хонлигида ҳокимият учун ички кураш авжга чиққан эди. 1868 йил 13 февралда Кауфман ва Қўқон хони Худоёрхон ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, хонлиқнинг истилочилар босиб олган ҳудудлари Россия тасарруфига ўтганлиги эътироф этилган эди.

Кауфман хонликдаги ички келишмовчиликдан фойдаланиб, уни батамом босиб олиш учун 1875 йил августда катта қўшинларни урушга сафарбар этди. Хонлиқни босиб олишда генераллар М.Д.Скобелев, Головачев ва бошқа Рус зобитлари “жонбозлик” кўрсатдилар. Насридденбек, лашкарбоши Абдурахмон офтобачи босқинчиларга таслим бўлиб улар томонига ўтди. 1876 йил февралда халқ қўзғолонлари қон билан бостирилди. Пўлатхон 1876йил 1 мартда дорга осилди, унинг сафдошлари аёвсиз жазоланди. 1873-

1876 йиллардаги Фарғона водийсидаги кўзғолонлар халқнинг озодлик ҳаракати эди. Буни ўша даврда Кауфман ҳам халқ кўзғолони деб эътироф этган.

Кауфман буйруғига биноан, Қўқон хонлиги тугатилди, ўрнига Фарғона вилояти тузилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Вилоятга С.Д. Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланди. У тез орада Олой водийсини ҳам ўз тасарруфига киритди.

Энди босқинчилар туркманлар яшайдиган ҳудудларни истило қилишга киришдилар. 1877 йилда Қизил Арвот, 1881 йилда Ашхобод, 1884 йилда Марв босиб олинди. Босиб олинган ерларда Каспийorti вилояти тузилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди.

Шундай қилиб, Россия империяси 20 йил давом этган қонли уруш билан бутун Ўрта Осиёни босиб олди. Босиб олинган ўлкада мустаҳкам ва батамом ўрнашиб олиш мақсадида чет мамлакатлар билан чегараларни аниқлаш чораларини кўрди. 1881 йилда Россия-Эрон чегара конвенцияси имзоланиб, янги Россия мулклари ва Россия-Эрон ўртасидаги чегара белгиланди.

Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларга, вилоятлар уездларга, уездлар участкаларга бўлинган. Вилоят ҳарбий-губернаторлигига генерал даражасидаги, уезд бошлиғига полковник даражасидаги, участка бошлиғига капитан даражасидаги зобитлар тайинланган. Мазкур маъмурий тузулманинг ўзаги уезд бўлиб, унинг бошлиғи генерал-губернатор томонидан тасдиқланган ва катта ваколатга эга бўлган. Уезд бошлиғи маъмурий, полиция, ҳарбий ҳокимиятларни ўзида бирлаштирган, одамларга жарима солиш, 7 кунгача ҳибсда сақлаш мумкин бўлган, шу боисдан уни “ҳоким тўра” деб ҳам аташган. Участка бошлиқлари ҳам одамларга жарима солиш, 3 кунгача ҳибс да сақлаб туриши мумкин бўлган.

2. Мустамлакачилар ўлкада, хусусан, Фарғона вилоятида пахта плантациялари ташкил этди, суғориладиган экин майдонларини кенгайтди. 1885-1916 йилларда пахта экиладиган ер майдони 40 минг танобдан 550 минг танобга кўпайди. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида 1884 йилда тажриба уруғчилик станцияси очилди. Толаси сифатли уруғлик чигити яратилди. Пахтачиликда пишиқ толали ва ҳосилдор “Америка” навини экиш кенг тарқалди, бошқа экин майдонлари йилдан йилга қисқартириб борилди. Қишлоқ хўжалигида пилла етиштириш кўпайтирилди, қанд-лавлаг, кар-тошка, қарам экинларини экиш ўзлаштирилди. Виночилик, асаларичилик пайдо бўлди. 1867-1896 йилларда Россия империяси хазинасига 150 мил-лион сўм соф даромад тушди.

Подшоҳ маъмурияти Туркистонни Россиянинг бир қисмига айлантириш, унинг Жанубий чегараларида ҳарбий истехкомлар қуриш, бойликларни ва етиштирилаётган хом ашёни ташиб кетиш мақсадида Темир йўл қурилиши-ни бошлаб юборди. 1880-1889 йилларда зудлик билан Красноводск, Ашхобад, Марв, Чоржўй, Кушка, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Андижон шаҳарларини боғловчи Ўрта Осиё темир йўли қурилди. 1890-1905 йилларда Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиб Туркистон Россиянинг маркази билан боғланди. 1915 йилда Бухоро-Қарши ва Термиз-Қарши-Шаҳрисабз-Китоб темир йўли қурилди. Темир йўллар қурилиши муносабати билан Россиядан кўплаб ишчилар, инженер-техник ходимлар кўчиб келишди ва улар қадимий Туркистон шаҳарларига жойлаштирилди, улар жойлаш тирилган қисм янги шаҳар, ерли аҳоли яшайдиган қисм эски шаҳар деб аталадиган бўлди. Янги шаҳарлар, жумладан, Скобелев (Ҳозирги Фарғона) шаҳри вужудга келди.

Туркистон Россиянинг маркази билан темир йўл орқали боғлангач, рус капитали (сармоялари) ўлкага оқиб келабошлади. Туркистон хом ашё базасида савдо-саноат юритиш, завод-фабрикалар қуришга интилувчиларга Рус-Осиё банки, Москва савдогарлари банки, Россия давлат банки пул қарз бериб турди. Айниқса, пахта ва уни

харид қилиш билан шуғулланувчи 30 та савдо шоҳобчаси вужудга келди. 1913 йилда тузилган “Бешбош” деган пахта-ёғ ширкати Туркистонда 29 пахта заводи қурди, ўлкада етиштирилган пахтанинг 30 фоизини харид қиларди, 80 минг тонна пахта толасини ташиб кетар, 160 минг тонна чигит таёрларди. Катта сармоядор Водьяевлар Туркистонда “Водьяевлар савдо уйи” ни ташкил этиб, 30 та пахта заводи қурди. Фарғона водийсидаги катта-катта пахта далалари, темир йўллар, пахта тозалаш заводлари ва Иванова тўқимачилик корхоналари Водьяевлар назорат қилувчи катта комбинат таркибига киритилган эди. Улар йилига Фарғона водийсида етиштирилган 7-8 миллион пуд пахтани Ивановога ташиб ке-тарди.

Туркистоннинг ноёб тарихий, маънавий, маданий бойликлари талон-тарож қилинди. 1870 йилда Тошкентда очилган кутубхона ва 1876 йилда ташкил этилган музейда ўлканинг маънавий-маданий ҳаётини акс эттирувчи олтин, кумуш, мисдан ясалган қимматбаҳо буюмлар, гиламлар, амалий санъат намуналари, тарихий ёдгорликлар, архив ҳужжатлари, қўлёзма ки-тоблар ва бошқа осори-атиқалар тўпланди. Улар кўриқдан ўтказилиб, қимматбаҳо ва нодир деб баҳоланганлари Петербург ва Москвага ташиб кетилди. Санъат даражасида ишланган Муҳаммад Раҳим тахти, Амир Темур мақбарасининг нақшинкор дарвозаси, ундаги битиклар, ойналар, олтин кошинлар, Аҳмад Яссавий мақбарасидаги нақшинлар, катта қозон (“Назир-ниёз қозони”), турли тарихий буюмлар, китоблар ва бошқалар шулар жум-ласидандир.

Маориф ва маданият соҳасида руслаштириш сиёсати юритилди. Туркистонлик болаларни руслар билан аралаштириб ўқитиш ва тарбиялаш ғояси илгари сурилди ва 1884 йилда Тошкентда дастлабки “рус-тузем мактаби” очилди. XIX аср охирида уларнинг сони юзтадан ошиб кетди. Бундай мактабларда рус ва ўзбек муаллимлари дарс машғулотларини ўтадиган бўл-ди. Мақсад ўзбек ёшларига рус тилини ўргатиш ва рус турмуш тарзини сингдириш эди.

3.Туркистонда чоризмнинг сиёсий ва иқтисодий зулмига қарши ҳаракат-лар XIX асрнинг 70 йилларидан бошланди. 1879 йилда 600 нафарга яқин аломон ҳарбий губернатордан Марғилон туманидан олинаётган солиқларни камайтиришни талаб қилди. Ўшанда вилоят ҳарбий губернатори бевосита қуролли куч ишлатишдан чўчиган. Чунки, 1875-1876 йилларда айни шу вилоятда бошланган Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолон ҳамда Мингтепадаги 1878 йилги Етимхон бошчилигидаги ғалаён русларни чинакамига ташвишга солгани эсидан чиқмаган эди.

1880-1883 йилларда мустамлакачилик зулмига қарши қатор чиқишлар бўлиб ўтди. Хўжанд, Ўратепа, Наманган, Ўш ва Чустда кўтарилган қўзғолон лар бунга мисол бўла олади. Манбаларда 1885-1892 йилларда Фарғона вилоятида халқнинг 205 марта сиёсий чиқишлари, ҳаракатлари кўтарилгани қайд этилган.

1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда рус мустамлакачи-ларини талвасага солган ва тарихга “вабо исёни” ёки “ тошотар воқеаси” сифатида кирган қўзғолон бўлди. Июнь ойида Тошкентда вабо тарқалди. Шаҳар маъмурияти шошилинич чоралар кўрди. Вабо касали билан ўлган-ларни шаҳар ичкарасидаги 12та қабристонга кўмиш ман этилди, шаҳар ташқарисида 4 та янги қабристон очилади, деб эълон қилинди. Шаҳардан чиқиш ва кириш назорат остига олинди. Шаҳарда вабо касалига чалинганлар йўқ қилинар экан, деган миш-мишлар тарқалди. Мустамлака маъмурияти тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган бу тадбирлар ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормади, мусулмончилик одатлари, маросим, қонун-қоидаларини ҳисобга олмади. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилди. Бошқа касаллик билан ўлганларни шаҳар ичкарасидаги қабристонларга кўмиш ишларини расмийлаштириш ҳам чўзилиб кетди, суиистеъмолликлар кучайди. Одамлар ноилож ўликни эски қабристонларга олиб бориб кўмишга мажбур бўлди. Полиция

бундайларни топиб ҳибсга ола бошлади. Қабристонни очиб, ўлганларнинг руҳи ҳақорат қилинди. Шаҳарнинг энг таниқли кишиларидан ҳисобланмиш Азизёр Эшон, Абулқосим-хўжа, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад ва бошқа кишилар бошчилигидаги мингга яқин киши шаҳар бошлиғи маҳкамаси томон йўл олдилар. Уларга ҳоким тўра-шаҳар бошлиғи полковник С.Р. Путинцев ва эски шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Ёқуб тўқнаш келишди. Қамчисини ўйнатиб келган оқсоқол халқнинг сўзларини, арз додини тинглаш ўрнига унга дағдаға қила бошлади. Халқ унинг бошига тошлар ёғдирди. Машҳур “Тошотар” воқеаси бошланиб кетди.

Қуролланган солдатлар етиб келгач, халқ аямай ўққа тутилди. Натижада, кўп киши ҳалок бўлди ва яраланди. Ўлганлар ва ярадорларнинг миқдори ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Чунки халқнинг ўзи жасадларни ва ярадорларни ўзлари билан олиб кетишди. Кейинги кунлари Анҳордан топилган майитлар сони 80 тага етган. Қўлга олинган 60 киши турли муддатларга қамоқ жазоси ва сургунга ҳукм қилиндилар. Мустамлакачилар-нинг зўравонлиги халқнинг озодлик ҳаракатини тўхтатиб қололмади.

Туркистонда кўтарилган озодлик ҳаракатининг энг йириги 1898 йилги Андижон кўзғолонидир. Кўзғолонга Андижон яқинидаги Мингтепа қишлоғида яшовчи Муҳаммад Али Эшон бошчилик қилди. 1898 йил 17 май куни бир гуруҳ кишилар Муҳаммад Али Эшонни оқ кигизга ўтқазиб, хон деб кўтардилар, халойикни кўзғолонга даъват қилдилар. Шу куни хуфтон пай-тида ҳар ким қўлига тушган нарсани олиб Андижон шаҳрига жўнадилар.

Кўзғолончилар Андижондаги мустамлакачиларнинг ҳарбий гарнизонига бостириб киради ва казарманинг пирамидаларида турган 30 га яқин милтиқ-ни ўлжа қилиб олиб, биринчи қатордаги солдатлар устига ташланишади. Уларга ичкаридаги солдатлар қаршилик кўрсатадилар. Чорак соат давом эт-ган отишмадан сўнг кўзғолончилар тўрт ўлган шерикларини ташлаб чекина-дилар. Ҳарбий гарнизондагилардан 23 киши ҳалок бўлади, 24 таси ярадор бўлади.

Ҳарбий қўшинлар шаҳарни ўраб олиб, кўзғолонни ҳарбий куч билан шафқатсизларча бостиради.

Мустамлакачилар Муҳаммад Али Эшонни тутиш учун Мингтепага юрди-лар, йўлда дуч келган кишини отиб ўлдириб Мингтепага бостириб кирдилар, уч соатча отишма ва тинтув ўтказдилар. Ниҳоят, Эшон Арслонбоб яқини-даги Тошкўприкда қўлга туширилди. Эшон ва унинг муридлари, таниш-билишлари, маслакдошларига нисбатан даҳшатли қатағон уюштирилди. Дукчи Эшон осиб ўлдирилди, унинг 45 нафар ёрдамчилари қатл этилди, 208 киши Сибирга сургун қилинди.

Биринчи жаҳон уруши унда иштирок этаётган Россия империясини тобора ҳолдан тойдирмоқда эди. Ўн минглаб аскарлари жангда қурбон бўлдилар. Талвасага тушган Россия Олий Бош қўмондон штаби ҳарбий вазирликдан “армия эҳтиёжлари учун салмоқли миқдорда куч ажратишни” зудлик билан талаб қилди. Бу кучни ҳарбий вазирлик мустамлакалардан тўплашга умид боғлади. Натижада, Россия императори Николай II 1916 йил 25 июнда Тур-кистон, Сибир ва Кавказдаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни фронт орқасидаги хизматлар учун сафарбар қилиш тўғрисида фармон чиқарди.

1916 йилдаги кўзғолоннинг энг кучли нуқтаси Жиззах кўзғолони бўлди. Жиззах шаҳри аҳолиси 13 июл куни сафарбарликка чақирилган рўйхатни талаб қилиб оқсоқол ва мингбоши маҳкамасига тўпландилар. Оқсоқолни ўлдириб, мингбоши маҳкамасини вайрон қилдилар, рўйхатни топиб олиб ёндириб ташладилар. Кўзғолонни бостиришга етиб келган жазо отряди катта зарбага учради. Кўзғолончилар сафи кенгайиб борди. 18 июл куни Назир-хўжа Эшон бошчилигида янги шаҳарга томон юрдилар. Жазо отряди

билан қўзғолончилар ўртасида бўлган тўқнашувда иккала томондан ҳам қурбонлар бўлди.

1916 йилги Қўзғолон бутун Туркистонга ёйилди, деҳқонлар ва камбағаллар қўзғолонни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлди Қўзғолон бости-рилган бўлсада, мустамлакачилар ҳам анчагина кучларидан ажралдилар. Шунинг учун ҳам, 1916 йил 13 декабрда IV Давлат Думасида сўзга чиққан ноиб А.Ф.Керенский “Уруш фронтларига янги бир фронт- Туркистон fronti қўшилди”,-деб вазиятга жиддий ва холис баҳо берган эди.

4. Чиндан ҳам, тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқи-миз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин. Масалан, чоризм мустам-лакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид бобо-ларимизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Исоҳқон, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хоти-расидан асло ўчмайди, -деб таъкидлаганди Президинтимиз И.А.Каримов.

“Жадид” арабча сўз бўлиб “янги” деган маънони билдиради. У ўзи ташкил этган мактаб ўқув дастури тузди ва дарсликлар ёзди. У 40 кун ичида 12 ўқув-чининг саводини чиқариб, тезда шуҳрат қозонди. “Таржимон” газетасини чиқариб, ўз ғояларини ёйди. 1888 йилда “Раҳбари муаллимни ёки муаллим-ларга йўлдош” китобини нашр этиб, жадид мактабларининг қурилиши, дарс ўтиш мазмуни, жиҳозланиши, синов ва имтиҳонлар олиш усулларини баён этиб берди. Исмоил Гаспирали ғоялари Туркистонга ҳам кириб келди. 1893 йилда у Туркистонга келиб, илғор зиёлилар билан учрашди, Бухоро амири ҳузурида бўлиб битта жадид мактаби очишга розилик олди. Туркистонлик зиёлилар жадидчиликни ёқлаб маорифни ислоҳ қилиш, “Усули жадид” мактабларини ташкил этишга киришдилар. 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактаблари фаолият кўрсатди.

Туркистон жадидларига Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдукодир Шакурый, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқа ўнлаб миллий зиёлилар раҳнамолик қилдилар. Улар дастлаб маорифни ислоҳ қилиш йўли-дан бордилар. “Усули жадид” мактаблари тармоғи кенгайиб борди, уларда диний таълимот билан бирга тиббиёт, ҳикмат, кимё, нужум, ҳандаса каби дунёвий билимлар ўргатилди, савод чиқариш тезлаштирилди.

Талабаларга Туркистон тарихи, туркийлар тарихини ўргатишга алоҳида эътибор берилдики, бу уларнинг миллий онгини уйғотишга, жамиятни этник жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қиларди. М.Бехбудийнинг “Ўз уруғининг отини билмаган, етти отасини танимаган қулманкуртдир” деган сўзлари талабаларни миллий ўзлигини англашга чақирар эди. Мунаввар қорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, М. Бехбудийнинг “Китобатул атфол”, “Бола лар мактуби”, “Мухтасари тарихи ислом”, “Жуғрофия”, А.Авлонийнинг “Адабиёт”, “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон”, “Мактаб гулистони” каби дарсликлари миллий мактаб ва миллий тарбияни юқори савияга кўта-ришга хизмат қилди. Жадид мактабларида ҳар томонлама яхши ўзлаш-тирган кадрлар тайёрлаб чиқарилди.

Жадидлар ёшларни чет элларга ўқишга юбориш ташаббуси билан чиқди-лар. Бой табаканинг илғор вакиллари жадидларнинг бу ҳаракатини маъқул-лаб, тегишли маблағ

билан кўмаклашдилар. Кўпгина умидли ёшлар Герма-ния, Миср, Туркия ва Россиянинг марказий шаҳарларига ўқишга юборилди. 1910 йили Бухорода мударрис Хожи Рафий ва бошқалар “Болалар тарбияси” хайрия жамиятини ташкил этиб, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та талабани Туркияга ўқишга жўнатди. 1909 йилда Мунаввар қори тузган “Жамияти хайрия” ҳам мискин ва ожиз талабаларга ёрдам берар, ёшларни чет элга ўқишга юборишга ёрдамлашар эди.

Жадидлар Туркистонда миллий матбуотга асос солдилар. Мунаввар қори 1906 йилда “Хуршид” (“Қуёш”) журналини ташкил этиб, унга ўзи муҳар-рирлик қилди. Журнал халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини танишга, миллий уйғониш-га хизмат қилди. Аммо мустамлакачи маъмурлар тезда журнални чиқаришни ман қилдилар. М.Бехбудий 1913 йилда “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналини чиқара бошлади. У “Нашриёти Бехбудия” хусусий нашриётини, унинг ҳузурида “Қутубхонаи Бехбудия”ни ташкил этди. Газета ва журналда миллат ва она юрт дарди, халқни маърифатли қилиш, эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган долзарб мақолалар чоп этиларди. Улар Чор Россияси тасарруфидаги туркий халқларга, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача бориб етарди.

Жадидлар миллий театрга асос солдилар. Мунаввар қори раҳнамолигида 1913 йилда мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти -”Турон” группаси тузулди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Қолизей” театри биносига ўзбек миллий театрининг биринчи расмий очилиш маросими бўлди. Мунаввар қори ўзбек миллий театрининг биринчи пардасини очар экан шундай деган эди: “Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмағонлиги барчангизга маълумдир. Театрнинг асл маъноси “ибратхона” ёки “улуғлар мактаби” деган сўздир. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг ҳусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур”. Ўша куни сахнада М.Бехбудийнинг “Қадарқуш” пьесаси намойиш этилди. Унда ислом динининг Туркистондаги бузи-лишлари тасвирланиб, томошабин эътиборини нажот йўли-маориф, мао-рифни эса “покланган дин” бера олади, деган ғояга қаратади. “Тўй”, “Заҳарли ҳаёт”, “Жувонмарг”, “бахтсиз қуёв” пьессаларида хотин-қизлар- нинг ҳуқуқсизлиги, кўпхотинлик, мажбурий никоҳ оқибатлари каби муам-молар ёритилади. Миллий театр санъати одамларга миллатда мавжуд бўлган қусурлар ва ижобий томонларни тушунтурувчи ойна бўлиб хизмат қилди.

Жадидлар тобора олға юрдилар. Мустамлакачиларнинг жадидларга нисбатан қўллаган зўравонлик чоралари, уларни маънавий-маърифий исло-хотдан сиёсий қаршилик кўрсатиш даражасига кўтарилишига олиб келди. Дастлабки сиёсий уюшма ва фирқалар вужудга келди.

Т а я н ч и б о р а л а р и :

“Шарқни эгалла” сиёсати. Россия ҳарбий экспедициялари. Англия-Россия рақобати. Ҳарбий истеҳкомлар. Оқмасжид қалъаси. Тошкентга ҳужум. Мулла Алимқул. Туркистон генерал-губернаторлиги. Фон Кауфман. Зирабулоқ жанги. Самарқанд кўзғолони. Вассал. Хивага юриш. Бошқарув тизими. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Тошкент кўзғолони. Дукчи эшон. 1916 йилги кўзғолон. Жадидчилик. Маҳмудхўжа Бехбудий.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бар-қарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997й. 49-69 бетлар
- 2.Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар. т 7. Т., Ўзбе-кистон., 1999 йил. 136-149 бетлар.
- 3.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., Шарқ. 2000 йил. 2,3,4 боблар.

- 4.Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., Университет., 1999 йил.
- 5.Усмонов Қ ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. Т., Мерос 2000 йил, 224-258 бетлар.
- 6.Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Лотин алифбосида. Т., 2006 йил

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

1. Абулғозий. Шажараи турк. Т., Чўлпон. 1992 йил
2. Абу Тоҳирхожа. Самария., Т., Мерос., 1990 йил
3. Баёний Муҳаммаджон Юсуф Шажараи яХоразмишохий. Мерос., Т., Камалак. 1994 йил.
4. Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. Т., Фан., 1996 йил
5. Ибарт. Фарҳона тарихи. Мерос., Т., Камалак., 1992 йил

М у н д а р и ж а

1. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамияти.	1 бет
2. Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири	7 бет
3. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.	11 бет
4. Ўзбек халқининг этник шаклланиши.	18 бет
5. Буюк ипак йўли: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.	23 бет
6. Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.	29 бет
7. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаёт.	38 бет
8. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган (ренесанс) уйғониш даври. Аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси.	46 бет
9. Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди.	55 бет
10. Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт	60 бет
11. Туркистонинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.	72 бет
12. Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши, чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий озодлик кураши. Жаҳидчилик	83 бет
13. Мундарижа.	92 бет